

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН,
МУСТАҚИЛ ВАТАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАҲАЛЛА ЖАМҒАРМАСИ

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН

Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган

ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛА

„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи

66.3(5Ў)
Б948

Масъул ижодий гуруҳ:

А.Ш. Бекмуродов, И.У. Мажидов, У.В. Ғафуров, Ш.И.Мустафакулов

Тақризчилар:

Н.Қ. Жўраев – сиёсий фанлари доктори, профессор,
Х.П. Абулқосимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Қ. Қуранбоев – сиёсий фанлари доктори, профессор

Ушбу илмий-оммабоп рисола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-1516-сонли Қарорида баён этилган фикр ва ғояларни ватандошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш, аҳоли ўртасида мустақиллик шарофати билан амалга оширилган эзгу ишлар, саъй-ҳаракатлар, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни тарғиб этишга қаратилган бўлиб, унда ўтган 20 йил мобайнида, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлгани ва бугун у тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётгани чуқур мантиқий таҳлил, илмий-амалий хулосалар асосида баён этилган.

Мазкур тўплам кенг китобхонлар, хусусан, талаба ёшлар, тадқиқотчи-изланувчилар, магистрантлар ва жойларда ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борадиган илмий ходимлар учун мўлжалланган.

Ушбу нашр Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2011 йил 20 июлдаги 2-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-99-43-02-422-9

© „O'qituvchi" НМИУ, 2011

МУҚАДДИМА

Она Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиёт йўлининг шонли 20 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида нишонлаш, катта тантана қилиш арафасида турибди. Ўзининг маъно-мазмуни, бунёдкорлик кўлами, моҳияти ва аҳамияти билан ўтган 20 йиллик давр мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган том маънодаги буюк бир давр бўлди.

Юртимиз истиқлоли бизнинг олдимизда улкан имкониятлар очди ва халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадлар йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муқаддас заминда яшаб ўтган қанча-қанча аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик бундан йигирма йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида олиб борилган мардона курашлар натижасида рўёбга чиқди. Тарихан жуда қисқа, бироқ мазмунан асрларга тенг бу йиллар давомида халқимиз миллий тараққиёт йўлидан изчил ва қатъият билан бориб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтиб, оламшумул ютуқ ва марраларга эришди. Ҳаётнинг ўзи биз танлаган йўл ҳар томонлама тўғри эканини кўрсатди. Буни бугун жаҳон аҳли эътироф этмоқда. Бу йўл тараққиётнинг ўзбек модели сифатида кенг ўрганилмоқда. Бу ўз навбатида халқимизнинг иродаси, куч-қудрати ва бунёдкорона меҳнати самарасига, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатга берилган ҳаққоний баҳодир.

Мана, йигирма йилдирки, халқимиз буюк тараққиёт йўлидан оғишмай илдамлаб бормоқда. Меҳнаткаш ва меҳмондўст, саховатли, бағрикенг, маънавияти юксак ва олижаноб халқимиз ўз олдига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида белгиланганидек, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйган. Бу улуғ мақсад йўлида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш ва унинг институтлари фаолиятини янада ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қиладиган давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш борасида изчил равишда самарали ишлар олиб борилмоқда.

2011 йил диёримизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Бу мамлакатимиз тараққиётининг энг муҳим йўналишларига устувор аҳамият бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ишларнинг узвий давоми бўлиб, ўз олдимизга қўйган дастурий мақсадларга етишда, ҳеч шубҳасиз, янги бир юксак босқич бўлади. Иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада кучли туртки беради. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши эса аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки мазкур дастур доирасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳуқуқий, ташкилий-амалий жиҳатдан янги шароитлар яратилмоқда, жумладан, бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада янги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Бу эса иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий бизнеснинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишида катта имкониятлар туғдирмоқда.

Мамлакатимизда вояга етиб бораётган баркамол авлод Ватанимиз истиқболининг мустаҳкам таянчи ва биз бошлаган буюк ишларнинг муносиб давомчиси ҳисобланади. Шу боис ёш, баркамол авлодга таълим-тарбия бериш соҳасида эришилган муҳим натижа ва

SAMARQAND DAVLAT ... AXBOROT RESURS MARKAZI №

ютуқларни атрофлича таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлоднинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Умуман, бутун халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик буюк санасига катта тайёргарлик кўраётган шу кунларда босиб ўтилган шонли йўлимизга бир назар ташлаб, эришган улкан марраларимизни яна бир бор сарҳисоб этиш бизнинг ўз Ватанимиз билан фахрланиб яшаш туйғумизни янада оширади. Бунинг, айникса, ёшларимиз учун ижобий таъсири ва аҳамияти каттадир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда»[1]. Буни англаш, ҳис этиш барчамизга чексиз қувонч ва ғурур бағишлайди. Ана шу жиҳатларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан мазкур илмий-оммабоп рисола нашрга тайёрланди.

Унда мамлакатимиз мустақиллиги халқимизнинг қўлга киритган тарихий ғалабаси экани алоҳида таъкидланиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг юксак натижалари атрофлича таҳлил этилади, бу борада халқимизнинг фидокорона меҳнати, танланган ўзига хос тараққиёт йўли, Президентимиз томонидан истиқлолнинг биринчи йилларидан бошлаб ҳар жиҳатдан чуқур ўйланган ҳолда, катта донишмандлик ва жасорат билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаётбахш самараси, улкан аҳамияти аниқ рақамлар, ҳаётий мисоллар, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари, қиёсий таҳлиллар орқали очиб берилган бўлиб, у аҳоли, айникса, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, уларни мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти, минтақамиз ва жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳамда мавқеидан хабардор этишда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

1-БОБ. МУСТАҚИЛ, СУВЕРЕН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИДИР

1.1. Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши – асрий орзуларнинг амалий намоёни

Тарихда ҳеч бир халқ ёки миллат ўз озодлиги ва мустақиллигини осонлик билан қўлга киритмаган. Буни жаҳон тарихи, жумладан, юртимиз тарихи ҳам исботлайди. Бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз қадим тарихимиз давомида неча бор ёвуз босқинчилар ҳужумига дуч келиб, Ватанимиз озодлиги учун кураш олиб борганлар. Масалан, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур сингари мард ва баҳодир саркардаларимиз бошчилигида ёвларга қарши қилинган жангу жадаллар, сўнгги 130 йилдан ортикрок давом этган истибдод давридаги озодлик курашлари, жадид боболаримизнинг халқимизни жаҳолат ва мустамлакачилик домидан халос этиш йўлидаги маърифий ҳаракатлари бу фикрнинг тасдиғидир.

Ёки ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида юртимизда адолат, мустақиллик, тинч-осуда ҳаёт учун олиб борилган мардона ҳаракатлар миллий озодлик йўлидаги курашларнинг ёркин саҳифасини ташкил этади.

Буларнинг барчаси истиқлол, бугунги озод ва эркин ҳаёт, мусаффо осмон ўз-ўзидан келмагани, улар асрлар давомида олиб борилган курашлар маҳсули эканидан далолат беради.

Маълумки, жонажон Ватанимиз жаҳон маданиятига буюк ва беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар, моҳир саркарда ва давлат арбоблари билан ҳам маълуму машҳурдир.



Мустақил юртимиз заминининг шу жиҳатдан бениҳоя муқаддаслиги ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қуйидагиларни таъкидлаб айтган эди: «Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади»[2].

Бундай буюкларга бешик бўлган юрт, уларни ўз бағрида вояга етказган халқимиз шу табаррук заминни кўз қорачиғидек асрашга, унга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай босқинчи кучларга зарба беришга қодир мард ва баҳодир инсонларни ҳам тарих майдонига чиқарди. Қадимий турон баҳодири Алп Эртўнга, юнон қўшинларига қарши курашган Спитамен, мўғул босқинчиларига қақшатқич зарбалар берган Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, юртимиз ҳудудида буюк давлат барпо этган Амир Темур ва Темурийлар сулоласига мансуб аждодларимиз халқимизнинг номини шону шарафга буркаган улуғ зотлардир. Бу ҳақда сўз борганда, ўтган асрнинг бошларида чоризм босқинига қарши маърифий йўли билан озодлик учун кураш олиб борган жадид боболаримизнинг хизматлари ҳам беқиёсдир. Улар нафақат

---

[2] **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Асарлар, 7-жилд, «Ўзбекистон», 1999, 184-б.

мустамлакачиликка, балки жаҳолатга, шўро тузумининг маъмурий-буйруқбозликка асосланган сиёсатига ҳам қарши курашиб, ўз жонларини фидо этдилар. Зиёлиларимизнинг катта қисми 20, 30, 50-йилларда озодликка, мустақилликка интилганлари боис қатағон қилиндилар.

Сўнгги ҳукмрон совет тузуми юртимиз иқтисодиётига ҳам, маънавиятига ҳам катта зарар етказди. Бу тузум XX асрнинг 80-йиллари бошларида халқимиз, юртимиз номини бадном қилиш мақсадида «ўзбеклар иши», «пахта иши» номли уйдирма ва туҳматдан иборат сохта кампанияни ўйлаб чиқарди. Юртимизда зўравонликни яна ҳам кенгроқ амалга ошириш учун собиқ Марказдан махсус кадрлар юборилди. Улар халқимиз ўртасида «қизил десантчилар» деб ном олди.

«Десантчилар» маҳаллий кадрларни кўзбўямачиликда, порахўрликда, қўшиб ёзишларда айблаб, партия ва давлат раҳбарларидан тортиб оддий деҳқонларгача таъқиб остига олишди. Ўйлаб топилган сохта айбловлар натижасида республикамизнинг 25 мингга яқин фуқароси кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга солинди, судсиз, терговсиз қамалди. Уларнинг орасида кексалар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ҳам бор эди. Айбсиз кишиларга дўқ-пўписа, қўрқитиш, жисмоний азоб бериш йўли билан куракда турмайдиган айблар қўйилди. Оддий меҳнаткашлардан катта миқдорда пул, ўз раҳбарлари тўғрисида нотўғри кўрсатмалар бериш талаб қилинди.

Ана шундай бир мураккаб шароитда халқимиз ўртасида ижтимоий-сиёсий фаоллик, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш ҳисси ўсиб борди, юртимизда миллий уйғониш жараёни бошланди. Бу жараён, айниқса, Қашқадарё вилоятида яққол кўзга ташланди. Чунки ўша пайтда Қашқадарёда мард ва жасур инсон – Ислом Каримов раҳбар эди. 1989 йил июнь ойида Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлиб келгач, бу жараёнлар бутун республикамизга кенг ёйила бошлади.

Мураккаб даврларда тарихнинг ўзи жамият ва халқ олдида турган муҳим вазифаларни ечиш, мураккаб муаммоларни бартараф этиш ва халқнинг асрий орзу-интилишларини амалга оширишда етакчилик қобилиятига эга бўлган буюк зотларни майдонга чиқаради.

Ўзбекистонда ана шундай ўта оғир ва масъулиятли вазифа Ислом Абдуғаниевич Каримовдек жасур, халқ манфаатининг ҳимоячиси бўлган мард ва жасур шахснинг зиммасига тушганини тарихдан яхши биламиз. У республика раҳбари лавозимига сайланиши биланоқ ўз фаолиятини Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тарихий адолатни тиклашдек олижаноб ва хайрли ишдан бошлади.

Республика раҳбарининг қатъияти, азму шижоати, ўз вақтида кўрган ҳаракатлари туфайли ўша пайтда ўта қалтис вазият бартараф этилди, халқимизга нисбатан ноҳақлик барҳам топди.

Ислом Каримовнинг қатъиятлилиги, принципиал позицияда туриши натижасида «пахта иши» деган сохта кампания пайтида судланган, таъқиб ва тазйиққа учраганларнинг барчаси ҳаётлигида оқланди, юзлари ёруғ бўлди, уларнинг топталган ҳуқуқлари тикланди, ўз иш жойларига қайтишди, мусодара қилинган мулки қайтарилиб, уларга нисбатан етказилган моддий зарарлар қопланди.

Собиқ яккаҳукмрон партия томонидан амалга оширилган қайта қуриш сиёсати ўз самарасини бермади. Чунки тоталитар режимга мосланган давлат монополияси, идоралари, бюрократик аппарат тузилган режаларни барбод этди.

80-йиллар ўрталарида собиқ мустабид тузум мамлакатдаги иқтисодий тараққиётни таҳлил қилмасдан, реал воқеликдан йироқ бўлган қайта қуриш сиёсатини амалга оширишга киришдики, унда ўтган 70 йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни кейинги 15 йил ичида бажариш вазифалари қўйилган эди. Бу ҳол табиий равишда тезлашиш ўрнига, қўшиб ёзиш, порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик билан ишларни осонгина ҳал қилишдек иллатларнинг авж олишига олиб келди.

Бу даврга келиб Ўзбекистон халқ хўжалигида кўплаб муаммолар тўпланиб қолган эди.

Ушбу муаммолардан халқ эътиборини чалғитиш учун одамлар қалбида кўп йиллар давомида йиғилиб қолган норозиликлардан фойдаланилди.

Ҳукмрон партия ўз мавқеини сақлаб қолиш мақсадида ҳатто айрим республикаларда миллатлараро низоларни ҳам уюштира бошлади.

1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро бутун Фарғона водийсига ёйилиб, оммавий тус ола бошлади. Республиканинг ўша пайтдаги Р.Нишонов бошчилигидаги сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмагани учун ёшларнинг оммавий чиқишлари, миллатлараро тўқнашувлар катта фожиага айланиши муқаррар бўлиб қолди.

Собиқ тузумнинг бу тўқнашувларни уюштиришдан мақсади, бир томондан, одамларнинг норозиликларидан ўз разил манфаатлари йўлида фойдаланиш бўлса, иккинчи томондан, иттифоқдош республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда озодлик йўлида пайдо бўлаётган миллий ҳаракатларни бўғишдан иборат эди.

1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намойишчилар ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди. Натижада намойишда қатнашган 50 дан зиёд инсон ҳалок бўлди (уларнинг кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиғи эса яралор қилинди. Умуман, 3–12 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлган тартибсизликлар ва уларнинг ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши яралор бўлган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб вайрон қилинган.

Фарғонадаги мудҳиш воқеа собиқ СССРнинг Сумгаит, Боку, Тоғли Қорабоғ, Ўш-Ўзган ва бошқа минтақаларида ҳам уюштирилган ирвогарликлар билан бир қаторда турар эди. Фарғона воқеаларидан кейин Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистоннинг янги сиёсий раҳбарияти бу масалада қатъий позицияни эгаллади. Республика зиёлилари ва жамоатчилиги ана шу таҳликали кунларда сиёсий ва маънавий жиҳатдан юксак мавқеда турди. Фожианинг асл сабабларини очиб ташлаш, ўз халқининг шаъни, ғурури ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни биринчи ўринга қўйиб, республиканинг энг кескин муаммоларини биргаликда ҳал қилишга бел боғлашди.

Миллат ва халқ манфаатларини ўз дилига жо этган республиканинг И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг моҳияти, туб илдизларини ўз вақтида англаб, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш йўлида барча куч ва имкониятларни сафарбар этди. Аввало, аҳолининг ўткир ижтимоий масалалари ҳал этилди: одамларга қўшимча уй-жой ва томорқа участкалари берилди, янги иш ўринлари очилди, қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, пахтанинг харид нархлари қайта кўриб чиқилди, миллий қадрият ва анъаналаримиз тиклана бошлади.

1989 йилнинг 21 октябрида «Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу сўнгги 72 йил давомида ўзбек халқининг ўз она тилидан кенг миқёсда фойдаланиш борасидаги манфаатларини амалда рўёбга чиқарган биринчи тарихий ҳужжат эди. Шу тариқа ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Шу билан бирга, қонунда Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг тиллари тенг ҳуқуқли экани белгилаб қўйилгани мазкур ҳужжатнинг демократик моҳиятидан далолат берар эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик йўлидаги муҳим салмокли қадам бўлди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга киритиш учун ҳақиқий кураш 1989 йилдан бошланди. Чунки бу даврда, собиқ тузумнинг ҳамма ҳудудларидаги каби, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўта оғир вазият ҳукмрон бўлиб, уни бартараф этишга мустабид тузум ожиз эди.

1989 йилдан бошлаб Ўзбекистонда маънавий ҳаётни ривожлантириш, маданий меросдан фойдаланиш борасида ҳам дастлабки амалий қадамлар қўйилди. Маданий меросга, динга, зиёлиларга бўлган муносабат борасида 1984–1988 йиллар ичида йўл қўйилган хатолар қаттиқ қораланди.

Юртимизнинг фидойи фарзандлари – Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Боту, Абдулла Авлоний каби адибларнинг ижодий меросини одилона ўрганиш олимлар олдига муҳим вазифа этиб қўйилди.

Айтиш жоизки, 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, республикамизнинг иқтисодий ҳаёти, меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 1989–90 йилларда пахтадан, кишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олинди. Республикадаги ижтимоий, сиёсий муҳит ҳам аста-секин изга туша бошлади.

Сўзсиз, бу ижтимоий ўзгаришлар бевосита Ислом Каримовнинг фаолияти билан боғлиқ эди. Бу ўта иродали, узоқни кўзлаб сиёсат олиб борадиган донишманд раҳбар собиқ Иттифоқ давридаёқ КПСС Марказий Қўмитаси, Сиёсий бюро мажлисларида, иқтисодий тараққиёт масаласига тааллуқли барча йиғилишларда ўзининг ватанпарварлик, миллатпарварлик хислатларини намоён этиб, ҳеч чўчимасдан, республикамиз манфаатларини мардона ҳимоя этди. У ўзининг нутқ ва чиқишларида республикамиз тараққиётига, унинг экологик ҳаётига, аҳоли манфаатларига доир масалалаларнинг ечилиши фақат Марказ қўлида бўлиб қолганини ҳеч чўчимай баён қилди. Президентимизнинг пахтанинг нархини белгилаш, ўз табиий бойликларидан фойдаланишдаги республикамизнинг ҳуқуқлари ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан билдирган дадил фикрлари мустақиллигимиз йўлидаги ҳал қилувчи аҳамиятга молик тарихий қадамлар эди.

Худди шу даврда, яъни 1990 йилнинг 24 мартида ўзбек халқи ҳаётида яна бир муҳим воқеа, мустақиллик йўлидаги тарихий ҳодиса рўй берди. И.А.Каримов Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. Республикада, собиқ Марказ тазйиқига қарамай, иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу ҳам Ислом Каримовнинг жасорати, азму шижоати натижаси эди.

Ўзбекистон мустақиллиги йўлидаги яна бир муҳим қадам 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг XII чақириқ иккинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши бўлди.

Мустақиллик декларациясида юртимиздаги ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши кафолатланиши таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинди.

Марказдаги эски тузум тарафдорлари собиқ Иттифоқни сақлаб қолиш мақсадида турли йўлларни излай бошлади. Улар ҳатто ғайриконституциявий йўллар билан давлат тўнтариши ўтказишгача бориб етди. 1991 йил 19 августда улар Москвада айнан шундай тўнтариш қилишга уринди.

Тарихда «ГКЧП» деб ном олган бу тўнтариш тарафдорларининг асл мақсади Иттифоқда яшовчи барча халқларнинг мустақилликка эришувига йўл қўймаслик ҳамда мамлакатдаги парокандаликдан фойдаланиб қолиш эди. Лекин Ўзбекистон раҳбарияти юртимизда фавқулодда ҳолат жорий этилишига мутлақо қарши бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон сафаридан қайтиши билан, яъни 19 августда Тошкент шаҳри фаоллари, 20 августда эса Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўлидаги қатъий сиёсати ўзгармаслигини баён этди. И.А.Каримов республика аҳолисига ҳам мурожаат этиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканини таъкидлади. Ана шундай мураккаб бир шароитда, яъни 1991 йил 31 августда И.А.Каримов ташаббуси билан Республика Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси чақирилиб, унда Президентимиз томонидан Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» Олий Кенгаш Баёноти қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси, – деб таъкидланади Баёнотда – тўла давлат ҳокимиятига эга, халқаро муносабатларда мустақил давлат, олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда, барча шериклар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очиқ деб эълон қилади».

Мазкур сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилиниб, 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланди ва 1991 йилдан бошлаб бу кун умумхалқ байрами ва дам олиш куни

сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиб келмоқда. Шунингдек, Олий Кенгашнинг ўша сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 17 моддадан иборат ушбу қонуннинг биринчи моддасида, «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир», деб белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанининг ҳуқуқий ифодаси эди.

Тарихий орзу ушалди. Халқимиз сиёсий мутелик ва асоратдан қутулди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод, суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги халқимизнинг узоқ йиллар давомида олиб борган оғир ва машаққатли курашининг қонуний натижаси бўлди. Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қувонч билан кутиб олди.

1.2. Истиқлол – янги имкониятлар ва муносиб ҳаёт барпо этишнинг асоси

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Бу йиллар моҳиятан юртимиз тарихида ўта масъулиятли ва шарафли, асрларга татигулик даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакатимиз тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Халқимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид шўро тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилди. Юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган жараёнларни ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Миллий истиқлол ғояси бизнинг дунёқарашимиз мезонига айланди ва қарамлик, боқимандалик кайфиятидан озод бўлдик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

> *Менинг тақдирим халқимнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ҳеч қачон ўзимиз танлаган мустақиллик йўлидан қайтмаймиз. Биз буюк келажакни, озод ва фаровон ҳаётни қуриш мақсадида матонат ва қатъийлик билан меҳнат қиламиз.*
>
> **Ислом Каримов**

Истиқлолимиз ва унинг 20 йиллик шонли йўли халқимиз учун катта имкониятлар яратди. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтилган, «Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир»[3]. Бу сўзлар истиқлол халқимиз учун қандай имкониятлар яратди, деган саволга энг тўғри жавобдир.

Истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини дунёга тараннум этадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўриш имкониятини яратди. Ҳар бир фуқаромиз учун – миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, фаровон ҳаёт кечириш кафолатлари таъминланмоқда.

Биз учун истиқлол – давлатчилигимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва маънавиятимизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллаш имконини берди.

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли қуйидаги имкониятларга эга бўлди:

– ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл билан сайланган ҳокимият органлари орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;

– ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларга, табиий ва хомашё ресурсларига тўла эгалик қилиш ва улардан мамлакатимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш;

---

[3] **Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 283-бет.

– тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;

– миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш;

– кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш;

– тарихимизни холисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратидан халос этиш;

– ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш;

– ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш;

– юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;

– халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқлилик асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш.



Буларнинг барчаси мустақилликнинг халқимизга берган ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик».[4]

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён этиш имкони вужудга келди. Озод ва эркин ҳаёт шарофати билан бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Истиқлол берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Ватанимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг келгусида фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ёшларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқдир. Чунки улар мустақиллик берган кенг имконият ва ислоҳотлардан энг кўп баҳраманд бўлиб, бу ҳаётнинг янада ёруғ ва фаровон бўлиши учун ёниб яшайдиган буюк бунёдкор куч сифатида майдонга чиқади.

Тарихан қисқа бу давр – 20 йилда мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур ислоҳотлар олиб борилди. Уларнинг кўлами ва моҳиятини англаш учун собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан бизга қандай сиёсий мерос колганини эслашнинг ўзи кифоя.

Юртимиз мустақилликкача 130 йил давомида сиёсий қарамлик, мустамлакачилик зулмини ўз бошидан кечирди. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмас эди. Миллий давлатимиз инкор этилиб, халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, юртимиз собиқ шўро империясининг маъмурий-ҳудудий қисмига айлантирилган эди. Халқ ўз юртбошисини ўзи танлаш ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум эди, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар бошлиқлари, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам собиқ Марказ томонидан тайинланарди. Бизга маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усули асосида қурилган, ўта мафкуралашган, халқни итоаткор оломон деб биладиган мустабид тузум қолдиқлари мерос бўлиб қолган эди.

---

[4] **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 105-бет.

Мустақиллик яратган имкониятлар шарофати билан мамлакатимизда инсон манфаатлари, халқнинг тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очиқ ижтимоий-сиёсий тизим барпо этишни таъминловчи кенг қамровли демократик ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришда дунёда тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларга таянди.

Истиқлол туфайли 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш – жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир»[5].

Ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниш принциплари асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда янада демократлашган икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқарувининг янги, замонавий, самарали, энг мақбул тизими – президентлик бошқаруви амал қилмоқда.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилигимиз анъаналарини ўзида мужассамлаштирган кучли ижроия ҳокимияти – Вазирлар Маҳкамаси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни асосида суд ислоҳотлари ўтказилди, «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимияти идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институтлари ташкил этилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга биноан шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталари ташкил этилди.

Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизими барпо этилди.

Мамлакатимизда 4 та сиёсий партия: «Халқ демократик», «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиялари фаолият юритмоқда. Шунингдек, Халқ бирлиги ҳаракати, Экологик ҳаракат, касаба уюшмалари ташкилотлари, ёшлар ва хотин-қизлар, республика ва халқаро нодавлат ташкилотлари, жамғармалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмаларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий-сиёсий тизим вужудга келди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг ваколатли институти (Омбудсман) таъсис этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Демократик институтларнинг муҳим тармоғи бўлган эркин оммавий ахборот воситалари вужудга келди.

Маълумки, ўз мустақиллигини қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаб, янги жамият барпо этиш борасида ўз андозасини ишлаб чиқади. Ўзбекистон ҳам ўз давлат мустақиллигига эришганидан кейин юртимиз ва халқимиз манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бориш имконияти туғилди. Диёримизнинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганига барҳам берилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўлкамиздаги бекиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ўзбекистон замини ер усти ва ер ости бойликларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «... биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари, яъни иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши,

---

[5] **Каримов И.А.** Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: «Ўзбекистон», 1992, 44-бет.

қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён»[6].



Ёш давлатимиз мураккаб синов кунларини бошидан кечираётган бир пайтда, қанчалик қийин бўлмасин, биз фақат ўз куч ва имкониятларимизга таяниб ва суяниб иш тутишга киришдик.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қўлга киритилиши бой тарихимиз ва меросимизни тиклаш, мавжуд бирламчи манбаларга таянган ҳолда, уларни холисона ва ҳаққоний, адолат ҳамда тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўқитиш имконини берди. Юртимиз фуқаролари Ўзбекистоннинг ҳар қандай мафкурадан холи бўлган ҳамда чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳақиқий тарихини ўрганиш ва ундан сабоқ олиш давр тақозосига айланди.

Ватанимиз тарихи инсоният тарихининг ажралмас қисми бўлиб, ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг юртимиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда.

Мустақиллик шарофати билан бетакрор миллий қадриятларимиз, маънавий-маданий анъаналаримиз, дину диёнатимиз тикланиб, бугунги кунда халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб эзгу фазилатлари кучайиб бормоқда. Айниқса, юртимиз меҳмонларининг қадимий шаҳарларимиз, муқаддас зиёратгоҳларимиз, обод бозорларимизда бўлиб, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлари бутунлай янгиланмоқда.

Йигирма йиллик давр давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Истиқлол берган катта имконият туфайли ҳаммамизга ўтмиш бағрига «яшириб қўйилган» маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш насиб этди. Харобага айланган меъморий обидаларимиз қайта тикланди ва ўзини дунёга намоён этмоқда. Шу маънода Президентимизнинг қуйидаги фикрлари барчамиз учун ибратлидир: «...ота-боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин – бизники, унинг бугуни ва истиқболи фақат ўзимизга боғлиқ, мустақиллик пойдеворини қурган инсонлар бошлаган ишларни давом эттириш – бизнинг эзгу бурчимиз, деган тушунчани, керак бўлса, ҳаётий эътиқодни ёшларимизнинг онгу шуурига чуқур сингдиришимиз даркор... Ҳар қаричи муқаддас бўлган она еримизга нисбатан фарзандларимизда ғурур ва ифтихор, садоқат туйғуларини уйғотиш учун биз бугун нима қиляпмиз, деган саволга жавоб излаб кўрайлик».[7]

Буюк тарихга эга бўлган халқнинг маънавияти ҳам улуғ ва бекиёс бўлади. Чунки юксак маънавиятга эга бўлмаган халқ ўзининг бетакрор тарихини яратолмайди. Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг бу борада ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимиз, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз билан ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Юртимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қуйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккир ва шоирларнинг таваллуд айёмлари, хусусан:

- 1991 йил – Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;

[6] **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008, 103-бет.

[7] **Каримов И.А.** Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2009, 15-бет.

- 1994 йил – Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;
- 1996 йил – Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
- 1997 йил – Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги;
- 1998 йил – Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
- 1999 йил – Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги;
- 1999 йил – «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги;
- 2000 йил – Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;
- 2001 йил – «Авесто» китобининг 2700 йиллиги;
- 2002 йил – Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги;
- 2006 йил – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги;
- 2006 йил – Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги;
- 2007 йил – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги;
- 2007 йил – Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги;
- 2009 йил – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихий саналари кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди.

Бу даврда буюк шахслар хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари жамият маънавиятини, миллий ғурурни юксалтиришга ҳамда халқимиз, айниқса, ёшлар онгига миллий ғоямиз тамойилларини сингдиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз И.А. Каримов шундай ёзади: «Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради»[8].

Мустақиллик шарофати билан юртимизда виждон эркинлиги тўла таъминланди. Турли миллат вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз қадриятларини ўрганишлари, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар очилди.

Истиқлол туфайли Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ўз истеъдодини намоён қилишига имкон туғилди. Айниқса, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқларимиз мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Биргина спорт соҳасида катта ғалабаларга эришилди. Жумладан, бокс, теннис, ўзбек кураши ва жаҳон миқёсида ўтказилган шахмат мусобақаларида эришилган натижалар салмоқли бўлди.

1998 йил май ойида мамлакатимиз альпинистлари жаҳон миқёсида ажойиб ютуққа эришдилар. Улар Ҳимолай тоғ тизимидаги дунёнинг энг баланд «Эверест» чўққисига чиқиб, у ерга Ватанимиз байроғини ўрнатишди.

Боксчиларимиздан Артур Григорьян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Тўлқинбой Турғуновнинг номлари жаҳонга танилди. 2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, Артур Таймазов кумуш, Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медалига сазовор бўлдилар.

Мустақиллик йилларида ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу мусобақаларда Акобир полвон, Камол полвон, Тоштемир полвон каби спортчиларимиз беқиёс маҳорат кўрсатиб, бу спорт турини дунёга танитишда муносиб ҳисса қўшдилар.

2008 йилги Пекин олимпиадасида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев кумуш медаль соҳиби бўлди.

[8] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 142–143-бетлар.

Яна бир ҳамюртимиз Ришод Собиров эса жаҳон чемпиони деган унвонни қўлга киритиб, 2010 йил жаҳон рейтингида етакчи ўринга кўтарилди.

Истиқлол йилларида юртимизда каратэ федерацияси тузилиб, ёш истеъдодларни жаҳонга танитмоқда. Масалан, бекоботдлик Фаррух, Аъзам ва Парвиз Абдумавлоновларнинг халқаро миқёсда эришган ютуқлари ибратлидир.

2009 йилда ногиронлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Айниқса, 2010 йилнинг июнь–июль ойларида Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказилган XIX жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилган ватандошларимиз Равшан Эрматов ва Рафаэль Илясов чемпионатнинг кашфиёти бўлишди.

Юртимизда дунёда ўзининг ўхшашига эга бўлмаган уч босқичли спорт мусобақалари тизими яратилди. Республикамизда анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт мусобақалари ёш авлоднинг ўз истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариши учун катта парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик имкониятлари туфайли Ватанимизда теннис энг кенг тарқалган спорт турига айланди. Пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис мажмуасида бир неча марта халқаро Президент кубоги мусобақалари ўтказилди. 1999 йилнинг июль ойида Лондонда ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада тошкентлик спортчи Ирода Тўлаганова Уимблдон учрашувининг ғолиби бўлди.

Истиқлол йилларида республикамизда ёш қобилият эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли жамғармалар ташкил этилди. Улар ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда олиб бормоқда. Бу турдаги жамоат ташкилотлари сирасига мустақилликнинг дастлабки йилларида тузилган «Умид» жамғармаси, бугунги кунда фаолият қамрови кенгайиб бораётган «Истеъдод», «Меҳр нури», «Келажак овози», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари фаолиятини киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу жамғармалар истеъдодли ёшларни танлаш ва уларнинг чет эллардаги нуфузли ўқув юртларида таълим олишини қўллаб-қувватлаш, сифат жиҳатидан янги дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни республика таълим тизимига жорий қилиш, жаҳоннинг турли ўқув марказлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим соҳасидаги замонавий лойиҳаларни амалга оширишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйишган.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси турли кўргазмалар, театр ва кино фестивалларини, халқаро симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш орқали юртимиз маданияти ва санъатининг халқаро майдонда эътироф этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамғарма томонидан ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, «Янги авлод» болалар ижоди фестивали, «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивали тез фурсатда кенг жамоатчилик эътиборига тушди. Бутун мамлакатимиз миқёсида ташкил этилаётган «Келажак овози» мегатанлови эса юртимизнинг минглаб ёшларини бирлаштирмоқда, маданият ва санъатнинг турли йўналишларида иқтидор эгаларини кашф этмоқда.

Жамғарма концертлар, фестивалллар, кўргазмалар ташкил этиш баробарида Россия, Япония, Бельгия, Люксембург каби давлатларда ўндан ошиқ халқаро лойиҳаларни амалга оширди. Люксембург ва Бельгия давлатларида ташкил этилган ва мамлакатимизнинг 150 дан зиёд фото усталари ва ёшларининг асарлари намойиш этилган «Ўзбек фотографиясига 125 йил» кўргазмаси миллий маданиятимизнинг халқаро майдондаги ўзига хос тақдимоти бўлди, дейиш мумкин.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси илк фаолиятини йўлга қўйган даврда фақат миллий маданият ва санъат йўналишида иш олиб борган бўлса, эндиликда ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни ҳам амалга оширмоқда. Ўтган йиллар мобайнида нодавлат бирлашма томонидан таълим соҳасида кўплаб дастурлар амалга оширилди. 2005 йилдан буён жамғарманинг таълим грантлари дастури амалга ошириб келинмоқда. 2006

йилдан бошлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлар дастури ҳам қўшилди.

Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар, жумладан, «Ниҳол», «Зулфия» номидаги давлат мукофоти, олий ўқув юртлари талабалари орасида юксак истеъдодли талабаларни саралаб олиш мақсадида номдор стипендияларнинг жорий қилиниши, буларнинг барчаси ўз навбатида ёшларнинг доимо изланиб, истеъдод ва маҳоратини ошириб боришга туртки бермоқда.

Замонавий усулда барпо этилган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг юксак педагогик технологиялар асосида билим олиши, касб эгаллаши учун барча қулайликлар яратилди. Эндиликда бу қутлуғ даргоҳларда ёшлар ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланмоқда. Замонавий жиҳозланган ўқув хоналарида билим олаётган ёшлар ўз навбатида билимларини янада чуқурлаштириш учун интилмоқда ва ўз салоҳиятини намоён этмоқда.

Истиқлол йилларида кадрлар тайёрлаш масаласига муҳим эътибор қаратилди. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»[9] эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда аҳолининг таълим савиясини ошириш, таълим шаклларини ўзгартириш, янги шаклдаги ўқув юртлари – коллежлар, лицейлар, бизнес мактаблар ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилди. Истиқлол йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, амалга оширилди. Мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизими аҳолининг саводхонлик даражаси юқори даражада бўлишини таъминламоқда.

Бугунги кунда ёш авлоднинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун энг зарур шартлар: тилни чуқур ўрганиш (она тили билан бирга жаҳон тилларини ҳам), ахборот асрида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда, компьютер ва ахборот технологиясидан яхши хабардор бўлиш, замонавий касб-ҳунар асосларини пухта эгаллаш муҳим ўрин тутади.

Юртбошимиз олти йил муқаддам бу ҳақда алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни қайд этган эди, «Менинг орзуим шуки, ўзбек йигит-қизларидан ҳам чет тилларини чуқур биладиган, дунёда тан олинган, халқаро майдонда танилган журналистлар чиқса»[9].

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир нечта йўналиш бўйича диплом олган, бир нечта хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чақнаб турган навқирон йигит-қизларни кўриб, қалбимизда ишонч, ғурур, ифтихор туйғулари жўш уради.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда уларни тиклашга ёрдам бериш бўйича давлат ҳуқуқий механизми ва кафолатларининг бутун бир тизимига эга.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» деб номланган X боби муҳим аҳамиятга эгадир. Бу кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси X бобининг 43–46-моддаларида ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилиши, албатта, зарур. Айни вақтда ушбу ҳуқуқ ва эркин-

---

[9] **И.А. Каримов**нинг 2005 йил 28 декабрдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги нутқи. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.: 2006, 110-бет.

ликларнинг ишончли тарзда амалга татбиқ қилиниши бу масаланинг энг мураккаб қисми ҳисобланади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий пойдевори ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятларимиз асосида мустаҳкамланди. Демократик жамият қуриш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, қайси бир жамиятда мансаби, ирқи, жинси ва бошқа ижтимоий даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, фуқаролар Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ўз бурчларини амалда бажаргандагина ўзлари учун тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана олишлари мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 миллионга яқин фуқаро касаба уюшмалари аъзоси, 1 миллиондан ортиқроқ фуқаро эса сиёсий партиялар аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этади. Шунингдек, миллионлаб фуқароларимиз ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этади.

Юртимизда суд ҳокимиятининг ислоҳ қилиниши ва либераллаштирилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда. Бунда суд органлари мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ қонуний чора-тадбирларнинг изчил амалга ошириб келинаётгани алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон халқи ўзининг асрий орзуси бўлган озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилган хоҳиш-иродасини ўз Конституциясида мустаҳкамлади. Асосий қонунимизнинг «Муқаддима»сида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш халқимизнинг пировард мақсади экани муҳрлаб қўйилгани ана шу интилишнинг амалий ифодасидир.

Истиқлолнинг бош мақсади – инсонни ва унинг ҳаётини улуғлашдир. Конституциямизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани белгилаб қўйилган.

Албатта, эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш муайян вақт ва тараққиёт даражасига етишни талаб этади. Бу йўл осон ва силлиқ кечмаслигини ривожланган давлатларнинг янги тарихи яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч бир жамиятда бир тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни осонликча кечмаган, айниқса, мустабид тузумдан кейин демократик жамият қуриш мураккаб жараён. Мустақиллик йиллари халқимизнинг ўз давлат раҳбари билан елкама-елка туриб янги демократик жамият қуришга ҳар томонлама қодир эканини аниқ кўрсатди.

Бугунги кунда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг фаоллигимизга, яхши ҳаётга бўлган қатъий интилишимизга боғлиқ.

Инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади. Бу борада Президентимиз, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»[10], деб таъкидлаган эди.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади деб билган халқимиз шу мақсадга эришишнинг мураккаб ва масъулиятли йўлидан ишонч ва қатъият билан бормоқда. Мустақиллик йиллари халқимиз ва жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш йиллари бўлганини кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин. Тарихан бу қисқа давр ичида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт соҳаларида улкан ижобий ўзгариш ва натижаларга эришди.

---

[10] **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. — Т., 1996, 44-б.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда демократик институтларнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари тўла шаклланган, давлат ҳокимияти органлари демократик тамойил - ҳокимиятлар бўлинишига асосланиб фаолият олиб бормоқда; иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий асослари шакллантирилган, мулкнинг турли шакллари бир хил, тенг мақомда амал қилмоқда ва уларни давлат томонидан бирдек ҳимоя қилиш механизми мавжуд; давлатимиз, жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган мураккаб вазиятга қарамасдан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат олиб бормоқда; маънавий соҳада эса – кишилик жамиятининг бутун тарихи давомида синалган қадриятлар билан халқимизнинг асрлар оша етиб келган миллий шарқона қадриятларининг уйғунлашувига асосланган маънавий муҳит шаклланмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида айниқса кейинги йиллар ўзгача бир шукуҳли, унутилмас, йиллар бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Чинакам кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар натижасида икки палатали парламент шаклланиб, фаолият юрита бошлади; суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотлар ўзининг ҳал қилувчи босқичига кўтарилди; мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар, ўз мазмун ва моҳиятига кўра, ижро ҳокимиятининг самарадорлигини тубдан яхшилашни таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир. Дарҳақиқат, ўтган тарихан қисқа, бироқ мазмунан буюк натижаларга бой йиллар жамиятимизни пировард мақсад – ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга тобора яқинлаштирганини аниқ ҳаётий мисоллар тасдиқлайди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганидан бери ўтган давр – ўзбек халқининг, ўзбекистонликларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида масъулиятли ва мураккаб давр бўлганлиги шубҳасиздир.

Ўз мустақиллигининг дастлабки пайтлариданоқ давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш вазифасини ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб эълон қилди ва бу масалада кенг кўламдаги амалий, ташкилий-ҳуқуқий ишларни бошлаб юборди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг Асосий қонунимизда кенг ва батафсил мустаҳкамлаб қўйилиши – ушбу соҳадаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди.

Конституциямизнинг 13-моддасида мустаҳкамланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деган юксак инсонпарвар қоида Асосий қонунимизнинг инсонпарварлик моҳияти нақадар теран эканини кўрсатиб турибди.

Инсон шахсининг камоли учун фуқаролик жамияти зарур. Фақат ана шундай жамиятдагина шахс ўзининг барча қобилиятларини тўла намоён эта олади. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади»[11].

Инсон ҳуқуқлари — шундай ўлчов ва андозаки, у давлатга, унинг мавжуд ҳуқуқ тизимига, қонунчилигига, ҳуқуқий тартиботига берилган баҳо, уларнинг ривожланиш ва демократлашув даражаси, сифат кўрсаткичи ролини ўтамоқда. Айни пайтда инсон ҳуқуқларининг мавжуд аҳволи умуман жамиятнинг ривожланиш, етуклик ва маърифийлик даражасини ҳам холисона, аниқ кўрсатиб турувчи ўзига хос мезондир.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари масаласи, бир томондан, ривожланган демократик давлатларда тўпланган ижобий тажриба, ютуқ ва сабоқларни, иккинчи томондан эса, асрлар давомида инсонни улуғлаб келган миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари масаласида тўпланган тажриба ва амалиётнинг ўзи мустақил ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, айни пайтда сиёсий маданиятнинг бир кўриниши, шакли сифатида ҳам ўз ўрнини топмоқда.

---

[11] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. – Т.: 1998, 151-б.

AXBOROT RESURS

Ҳозирги вақтда дунёда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бўйича 300 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат амал қилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки пайтларданоқ инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига қатъий риоя этишимизни халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан ортиқ халқаро конвенция имзоланди. Инсон ҳуқуқлари борасида давлатимизнинг олиб бораётган изчил сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Умуман айтганда, мустақиллик даврида жамиятимизда ҳуқуққа муносабат тубдан ўзгарди. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаси қонунийликни таъминлаш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Демократик анъаналарнинг ривожланиш жараёни мамлакат иқтисодий салоҳияти, фуқаролар савиясининг юқорилиги ва уларнинг сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг орзу-истаги демократик давлатни шакллантириш ва адолатли фуқаролик жамиятини бунёд қилишдан иборатдир.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари тизимида энг муҳим ва бирламчи ҳуқуқ ва эркинликлар – бу сўзсиз шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардир. Чунки кишиларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганидан кейингина Конституция, қонун ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланадиган, кафолатланадиган ва ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш учун реал шарт-шароит яратилади.

> *«Инсон-давлат» муносабатларида асосий эътибор инсонга қаратилиши зарур, давлат ва унинг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сафарбар қилгандагина ўз вазифасини адо этган ҳисобланади. Ушбу қоида энг асосийсидир, унга ҳамма итоат қилиши шарт.*
>
> **Ислом Каримов**

Инсон ҳаёти ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг дунёга келишидан анча аввалроқ бошланмоғи керак. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш, унинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш билан бир қаторда кенг кўламли чора ва тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Бу борада Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, қўллаб-қувватлашга доимий миқёсда катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилганки, уларниг бош мақсади болалар ўлимининг олдини олиш, экологияни яхшилаш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш учун ижтимоий шароитлар яратиш, оналик ва болалик муҳофазаси учун зарур моддий ва маънавий асосларни яратишни кўзлайди.

Истиқлолнинг 20 йиллик даврида мамлакатимиз ҳаётида энг муҳим воқеалардан бири сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият органларига бўлиб ўтган сайловларни кўрсатиш мумкин. Сайловлар юртимизда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий савияси, фуқаролик онги ўсиб бораётганини ёркин намоён этди. Сайловлар жараёнида миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ҳамда талабларига тўлиқ жавоб берадиган шарт-шароитлар яратилди. Халқимиз бу сиёсий жараёнларда фаол иштирок этди ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида юртимизда қандай улкан қадамлар қўйилаётганини яна бир бор амалда тасдиқлади.

Бундан ташқари, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бугун ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган алоҳида эътибор туфайли бу йўналишда янги босқичлар сари қадам қўйилмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсдаги ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини амалда

таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди, мамлакатимизда адвокатларнинг ўрни ва мавқеи янада юксалди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ йўналишида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари соҳада амалга оширилаётган янгиланишларнинг яхлитлигини таъминлаб, соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизмини мустаҳкамлади.

Суд қарорларини ижро этиш тизимини, прокуратура фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги босқичма-босқич ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судга ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бутун дунёда улкан қизиқиш уйғотди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Айни пайтда суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни ҳаётга тўла татбиқ этиш борасида зарур чоралар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг самарасини фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора ортаётганида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 2000 йилда мамлакатимиз бўйича 95 мингга яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсатгич 258 мингдан ортиқни ташкил этди. Уларнинг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2009 йилда 806 мингдан зиёд суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди.[12]

Судлар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ ишлар юзасидан 2009 йилда 360 та ҳал қилув қарори чиқарилиб, 356 ҳолат бўйича даъволар қаноатлантирилди. Бундан кўринадики, иқтисодиётимиз таянчи бўлган тадбиркорлар манфаатлари давлат, жамият ва қонун ҳимоясида. Бу – миллий қонунчилигимизда кафолатланган хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркор эркинлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўтган йигирма йил давомида давлат дастурларини амалга ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш ишларида фаол иштирок этиш суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг ҳам устувор вазифаси бўлиб келди. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада бугунги бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, Президентимиз И.А. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида қўйилган устувор вазифалар, уларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ҳаракат дастури қабул қилиниб, унинг ижросига киришилгани ҳам Ўзбекистон фуқароларининг онгу тафаккурида, кундалик ҳаётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамламоқда. Бу ишларга ҳар бир юртдошимиз ўз ҳиссасини қўшиши, мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида астойдил меҳнат қилиш барчамизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

---

[12] **Мустафаев Б.** Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш – бош мезон. «Халқ сўзи», 2010 йил 19 февраль.

1.3. Танлаб олинган миллий тараққиёт йўли – муваффақиятлар гарови

> *Ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамияти жиҳатидан тарихимизнинг ўн йилликларига, ҳатто асрларга тенглаштириш мумкин, десак, муболага бўлмайди.*
>
> **Ислом Каримов**

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони туғилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

1991 йил 31 августда қабул қилинган «Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Ана шу кундан бошлаб Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида қарор топиши ва ривожланишида янги давр бошланди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз ўз мустақил тараққиётининг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Тарих олдида бу муддат киприк қоққанчалик лаҳзаларга тенг давр ҳисобланади. Ўтган йигирма йил моҳиятан юртимиз тарихида ўта масъулиятли ва шарафли давр бўлди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакатимиз тақдирида муҳим ва оламшумул ўзгаришлар юз берди.

Қисқа давр ичида давлат ва жамият қурилишида, ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди, энг муҳими, одамларимизнинг онгу шуурида том маънода янгича қараш ва янгича фикрлаш асослари шаклланди.

Президентимиз И.А. Каримов томонидан юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар бошлаб юборилди. Истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб Юртбошимиз юксак демократик талабларни ҳаётимизга тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини таъкидлаб, бундай даражага кўтарилиш ҳеч қачон осонликча кечмаслигини уқтириб ўтган эди.

Ислом Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида 5 та асосий тамойилни белгилаб берди. Назарий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур узоқни ўйлаб тузилган бўлиб, собиқ мустабид тизими иллатларини тезроқ бартараф этиш, мамлакатимизнинг ривожланган, маданиятли давлатлар даражасига чиқиб олишини таъминлашни кўзда тутар эди. Бу, ҳақиқатан ҳам, Президентимиз номи билан жаҳонга танилган **тараққиётнинг ўзбек модели эди.**

Тараққиётнинг ўзбек модели қуйидаги тамойилларга асосланади:

биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши лозим. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур;

иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт;

учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни барча ҳеч истисносиз ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш керак. Аҳолининг салкам 50 фоизини 16 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, яқин ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг эволюцион йўлининг танлаб олингани ўзининг анъанавий оғир-босиқлиги, пухта ўйлаб қарор қабул қилишга руҳан мойиллиги ҳамда тинчликсеварлиги туфайли бир ҳолатдан иккинчисига шошма-шошарлик билан ўтишга одатланмаган халқимизнинг фикрлаш тарзига айнан мосдир.

Яна шу нарса ҳам ғоят муҳимдирки, бозор иқтисодиётининг босқичма-босқичли тадрижий жараёни давлатнинг туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни аниқ бир изчилликда, қадам-бақадам амалга ошириб беришини тақозо этарди.



1.3.1-расм.

Ислоҳотларнинг ўзбек модели бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт модели бўлди (1.3.1-расм).

Ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйрукбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, Ўзбекистон «ўзбек модели» деб ном олган миллий тараққиёт йўлини танлаб олгач, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига асосан, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, жамият ҳаётини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

> *Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.*
>
> **Ислом Каримов**

Яқин ўтмишга қараб шуни таъкидлаш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, мустақиллик қўлга киритилган давр ўта мураккаб бўлиб, у пайтда собиқ Иттифоқ парокандаликка юз тутган, мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият тобора кескин тус ола бошлаган эди. Шундай қалтис шароитда ўзлигимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш янада кучайди. Ўша таҳликали ва оғир даврда республика раҳбари Ислом Каримов босиқлик билан оқилона иш тутиб, қатъий сиёсий

иродани намоён этиб, мамлакатимизни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга раҳнамолик қилди. Юртбошимиз раҳбарлигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида ғоят машаққатли, шу билан бирга, шарафли тараққиёт йўли босиб ўтилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида собиқ тузумдан мерос қолган чуқур таназзулдан халос бўлиб, барқарор тараққиёт ва аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгартиришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари И.А.Каримов томонидан қуйидагича изоҳлаб берилди:

– ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;

– кўпукладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;

– иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

– одамларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.

Мустақилликнинг илк йилларида, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги икки вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилди:

– мустабид тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

– республиканинг ўзига хос шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари белгилаб олинди ва амалга оширилди:

– ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;

– маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

– ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга, ислоҳотларнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Иккинчи босқичда иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ

жорий қилиш мақсад қилиб қўйилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидаги тартибда белгиланди:

– давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишларни охирига етказиш;

– ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;

– миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;

– иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, мазкур босқичда «эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир»[13]. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

– иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;

– хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш;

– мамлакатимизнинг иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;

– мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;

– иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Аслида, ҳар қандай ислоҳотларнинг самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий янгиланиши, тафаккурининг юксалиши, юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига ва тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аввал бошдан ана шу нозик жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Бугунги кунда ҳам ўзгаришлар жараёнининг моҳиятида **ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун,** деган тамойил мужассамдир.

Шундай экан, демократик жамият қуришдан кўзланган мақсад юртимизда истиқомат қиладиган барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлар каби кафолатланган юксак турмуш даражаси ҳамда эркинликларни таъминлашдан иборат. Мазкур эзгу мақсадни амалга ошириш учун бирламчи аҳамият касб этган, яъни ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларга эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислоҳотлар эса ўз ўрнида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан чамбарчас, узвий боғликликда амалга ошириб келинмокда.

Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг нақадар тўғри бўлганини ва узоқни кўзлаганини тасдиқлаб бермокда. Масъулиятли пайтларда, кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий

---

[13] **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 15-бет.

ҳаракатларга йўл қўйилмасдан, тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб айтилган қатъий сўз ва мустаҳкам сиёсат бугун ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида кўп тажрибага эга бўлаётган экан, ҳеч шубҳасиз, азиз ва муқаддас Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда. Бу – Ўзбекистоннинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк эканига бўлган мустаҳкам ишончдир.

1.4. Мустақил тараққиёт йўлимизнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши – ислоҳотлар стратегиясига берилган юксак баҳо

Ўтган йигирма йил давомида мустақил миллий ривожланиш йўлида мустабид ўтмишнинг оғир оқибатлари ва ўтиш даврининг мураккабликлари билан боғлиқ катта қийинчиликларга дуч келинди. Шунга қарамай, миллий тикланишнинг ўзига хос модели, мунтазам янгиланиш ва тараққиётга таянган ҳолда, Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда бутун дунёда эътироф этилган улкан муваффақиятларга эришди.

Бугун кўпчилик томонидан бир ҳақиқат тан олинганки, тараққиётнинг ўзбек моделига хос принципиал хусусият унда ўтиш даврининг мураккаб вазифаларини мақбул тарзда ҳал этишнинг стратегияси ва тактикаси чуқур асослаб берилганида намоён бўлади.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғри ва ҳар томонлама самарали эканини исботлади. Буни дунёдаги таниқли иқтисодчилар, давлат арбоблари ва моҳир сиёсатчилар ҳам эътироф этишмоқда. Улар томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳамда инқироз оқибатларини бартараф этиш борасида олиб бораётган изчил чора-тадбирлари ҳар томонлама ва теран таҳлиллар орқали ўрганиб чиқилмоқда. Мазкур моделнинг молиявий инқирозни бошидан кечираётган давлатлар учун татбиқ этилиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

Шунинг билан бирга, 2010 йилнинг 1–4 май кунлари Тошкентда ўтказилган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида иштирок этган Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мото Конишининг ҳам самимий сўзларини келтириш мумкин. «Менга, айниқса, давлатингиз раҳбарининг истиқлол йилларида «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш тутгани жуда маъқул бўлди. Ушбу тамойилга асосланиб юритилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда» («Ўзбекистон овози», 2010 йил 6 май, №53).

Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ва матбуот орқали тарқатилган жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатдонлари, иқтисодчи олимларининг Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг юксак самаралар бераётгани тўғрисидаги эътирофларини келтиришни лозим топдик.

Масъуд АСАД, «Gulf University» олий ўқув юрти Санъат ва фан факультетининг оммавий коммуникация департаменти раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори (Қувайт):

– Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор

иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шарт-шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У «шок терапияси» ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг хонавайрон бўлиши йўлини танламади, уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволга тушиб қолганликларини яхши биламиз. Ҳозирга келиб уларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканини кўрсатади.

Эмилио БОНИФАЦИ, Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шаҳри ҳокими (Италия):

– Ўзбекистон Президентининг асарида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг асарини («Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф қилиш йўллари ва чоралари») мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари нақадар теран ҳал қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина киритилган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканини кўрсатади.

Б. АШАВСКИЙ, Россия Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими, профессор:

– Ислом Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон хўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш қийин. Тан олиш керак, бу йўл афзаллиги билан Ўзбекистонни бошқа давлатлардан ажратиб туради.

А. ЛОКЕ, Италиянинг Осиё ва Ўрта Ер денгизи институти бош котиби, «Италия – Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёркин ва интилувчан сиёсатчи ҳисобланади. Ушбу китоб эса унинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарашлари ҳамда тажрибасини намоён этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзага келган фавқулодда жиддий вазиятларда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

Ислом Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий ва молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашувнинг тобора авж олаётганини ҳисобга олган ҳолда,

Ўзбекистон ҳукумати томонидан инқироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инқироз юзага келганда унинг салбий оқибатларини енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадирлар ўз самарасини бераётганини аниқ ифодалаб беради.

«Катта йигирмалик» деб аталган давлатлар гуруҳига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг саммитида қабул қилинган ички бозор талаби билан шуғулланувчи жамғармалар иштирокида инқирозни самарали бартараф этиш, хусусан, глобал молиявий тизим устидан кучлироқ назорат ўрнатиш борасидаги қоида ва тизимлар мажмуини яратиш билан боғлиқ қарорларнинг асосини ташкил этувчи сиёсий фалсафага Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгарироқ амал қилинган ва бу мавзу Президент Ислом Каримовнинг китобида ёритиб берилган.

Лондонда олий даражада маъқулланган қарор Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалик тармоғида, банк тизимида, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рақобатдошлигини ошириш, аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланиши ва қаровчисини йўқотган оилалар ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мамлакатда амалга оширилиши аллақачон бошланган, инқирозга қарши танланган чоралари тўғрилигини кўрсатади.

Аҳмад Рашид МАЛИК, Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Покистон):

– Глобал инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир ўтказмади. Бундай барқарорлик замирида ривожланиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилганлик ва иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш сиёсати ётибди.

... Президент Ислом Каримов таълим соҳасини ҳеч қачон давлат учун серхаражат соҳа деб билмаган. У таълим тизимига мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётига йўналтирилган сармоя сифатида қарайди. Эътиборлиси, мамлакат бюджетининг 60 фоизидан зиёди ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўллаши лозим. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қарз олиш ҳажмини паст даражада сақлаб турибди.

Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):

– Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади.

Норазиза БОРХОН хоним, Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси президенти:

– Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг айрим давлатлар тушиб қолган ҳар хил сиёсий ва иқтисодий қарамликларни четлаб ўтиш борасидаги оқилона қарори энг юқори баҳога муносибдир. Бундай давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон табиий захираларини гаровга тикмади ва уларнинг нархлар котировкаси гаровида қолмади, «шок терапияси» усулини қўлламади, балки аксинча, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий сармоялар воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, табиий ва стратегик ресурсларни тақсимлаш масаласига оқилона ёндашди.

Жером де ля ПОРТ, Руан университетининг ҳуқуқшунос профессори (Франция):

– Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқар эканман, мамлакат раҳбариятининг 2010 йилни «Баркамол авлод йили» дея эълон қилишини қўллаб-қувватлайман. Бу – ҳукуматнинг ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялашга эътибори юқори эканини очиқ-ойдин кўрсатади. Ўзбекистонда бўлиб, мен

мамлакат ёшларининг саводхонлиги ва чет тилларини, хусусан, француз тилини пухта билишлари билан ажралиб туришларига шахсан амин бўлдим. Дарҳақиқат, ёш авлод мамлакатнинг ўзи сингари изчил ва юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

... Ўзбекистон – ишончли шерик ҳисобланади. Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакат 2009 йилда улкан иқтисодий ўсиш суръатини намойиш этди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг профессионал ва билимдон иқтисодчи Ислом Каримов раҳбарлигидаги тараққиёт йўли тўғри эканидан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг шахси ва у олиб бораётган оқилона сиёсат, Францияда ривожланган жамият барпо этишга, кўп жиҳатдан, меҳнати сингган генерал Шарль де Голлни эслатади.

Сафо Маҳмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, «Orient Consulting & Legal Translation» компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):

– Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов куни бир нечта участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентига сайлов уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатингизда сайловнинг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат.

Ван Аҳмад Ван УМАР, Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари:

– Ҳукумат томонидан юритилаётган пухта сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатни моҳирона бошқариш, айниқса, ривожланган давлатлар иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда, миллий иқтисодиётни юксалтиришда ижобий натижаларнинг қўлга киритилгани Ўзбекистон танлаган ва одимлаётган йўлнинг тўғрилиги ҳамда ишончлилигидан далолатдир.

Электоратнинг сайловда фаол иштирок этиши овоз берувчиларнинг юксак сиёсий маданиятини намоён қилди, бундан ташқари, парламент қонунчилик палатасида депутатларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилишининг қонун билан белгилаб қўйилиши улкан аҳамият касб этади.

Аҳмад Фуад бин ИСМОИЛ, Куала-Лумпур шаҳри ҳокими:

– Мамлакатда тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилган, шу билан бирга, Ўзбекистон ажойиб инвестиция салоҳиятига эга. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга қизиқишларини орттирмоқда.

Евгений ВОЙКО, Россия Сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича етакчи эксперти:

– Ўзбекистон янги сиёсий мавсумга чиқди ва мамлакат Президентининг маърузаси, бу – бир вақтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг олдинги таркиби фаолиятининг якунлари бўйича хулосалар чиқариш ва унинг янгиланган таркибига муваффақият тилаш ҳамдир.

... Айнан депутатлар фаолиятидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мамлакат олдидаги жамият ҳаётининг барча тармоқларини модернизация қилиш ва Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги вазифаларни тизимли тарзда ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ислом Каримовнинг ҳуқуқий нигилизмдан қочиш ва қонунни жорий қилиш тажрибасининг самарадорлигини ошириш зарурлигига оид фикрлари ҳам эътиборга молик, деб ҳисоблайман. «Қонун» тушунчасининг ўзини теран англаб етмасдан, унга тизимли равишда ёндашмасдан туриб, фуқаролик жамияти пойдеворига қурилган, жадал суръатларда ривожланаётган замонавий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис

ҳуқуқий масаланинг *долзарблашуви – халқ томонидан сайланган вакилларни* мамлакатнинг келгуси тараққиёти сари ундовчи муҳим даъватдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибаси мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам фойдалидир, зотан, маърузада келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат Инқирозга қарши чоралар дастурининг салоҳияти юқори эканидан очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақил тараққиётнинг 20 йили давомида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар Юртбошимиз Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати, юксак сиёсий иродаси ва тафаккури, бунёдкорлик фазилатлари билан чамбарчас боғликдир. Жаҳон адабиётининг кўзга кўринган, забардаст ёзувчиси ва маданият арбоби Чингиз Айтматов айтганидек, «Тарих халқ ҳаётининг энг мураккаб дамларида шундай бир шахсни танлайдики (буни сиёсий *селекция деб аташ мумкин),* миллат тақдири иродаси, қатъиятлилиги, масъулиятлилигига боғликдир. Ислом Каримов ҳозирги Туркистон тарихида худди шундай буюк шахс ҳисобланади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина мустақил Ўзбекистон тез ва изчил мустаҳкам барқарорликка эришди, тараққиёт йўлидан жадал ривожланаётган давлатга айланди».

Тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ривожланиш тамойилларини тўғри танлаб олишда асос бўлиб хизмат қилди. Пухта ўйланган изчил сиёсат туфайли халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадлар сари тобора яқинлашиб бормоқда.

Хуллас, эришилган ютуқлардан фахрланиш бугунги кунда фуқароларимизда истиқлол учун масъулият билан бирга Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини ҳам шакллантирмоқда. Ўтган йигирма йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ

2.1. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш – пировард мақсадимиз

Мамлакатимиз йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Президенти томонидан давлат ва жамият қурилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсадлар ва уларга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Демократик давлат тушунчаси. «Демократик давлат» тушунчасининг ўзагида «демократия» турганини инобатга олиб, гапни аввало, «демократия» сўзининг луғавий маъносини англаб олишдан бошламоқ зарур. «Демократия» сўзи юнонча «демос» – «халқ» ва «кратос» – «ҳокимият» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради[14]. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси энг юқорида – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясининг тепасида туради. Шунинг учун уни баъзан «Асосий қонун»[15] деб ҳам атайдилар. Қолаверса, Конституция олий юридик кучга эга ҳужжатдир (Конституциянинг III боби мазмунида). *«Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»* (16-модда, 2-қисм). Конституциянинг II боби «Халқ ҳокимиятчилиги» деб аталади. Бу юнонча «демократия» сўзининг ўзбекчасидир. Конституциянинг ана шу боби демократик принципларга бағишланган.

Демократик давлат фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалда таъминлайди, ана шундай иштирок этишга шароит яратади, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилишини кафолатлайди[16]. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишга рухсат этилади. Демократик давлат – давлатнинг тамомила янги тарихий шаклидир. У ижтимоий адолат принципларига, ҳуқуққа, қонунга, қонунийликка асосланадиган давлатдир. Демократик давлат халқ учун хизмат қиладиган, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлайдиган давлатдир[17]. Демократик жамият қуриш жараёни кучли фуқаролик жамияти яратилишини тақозо қилади.

Халқимиз демократик давлат қуришни кўзлаган. Демократик давлат – бу халқ ҳокимиятчилигига асосланган давлатдир. Демократик давлатда халқ ҳокимияти ўрнатилади. Зеро, халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Бу Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган (7-модда, 1-қисм). Буни давлат ҳокимияти марказий органларининг

---

[14] *Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар*. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С. – Т.: «Адолат», 1999. – 25-бет; *Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат* // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / – Т.: «Шарқ», 2006. – 87-бет.

[15] Асосий қонун деганда Конституция назарда тутилмоқда. Бироқ бу ибора ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда учрамайди. Шундай бўлса-да, ҳуқуқий-назарий адабиётларда Конституция тушунчасининг синоними сифатида кенг қўлланади.

[16] Инсоннинг асосий ҳуқуқлари олий қадрият экани масаласида қаранг: *Раҳмонов А.Н.* Инсоннинг асосий ҳуқуқлари – олий қадрият сифатида. Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. — 93–95-бетлар.

[17] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ А.А. Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.А.Аҳмадшаева ва бошқ.; масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 22-бет.

халқимиз хоҳиш-иродаси асосида ташкил этилаётгани мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан, Президент сайловлари, Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар бунинг ёркин далилидир.

Халқимиз ҳуқуқий давлат қуриш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. Ҳуқуқий давлат – бу Конституцияга, қонунларга, ҳуқуққа асосланган давлат бўлиб, унда барча масалалар қонунлар негизида ва қонунларга асосланиб ҳал этилади. Бу қонунлар устуворлиги таъминланишининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат қуриш фуқароларнинг ҳуқуқий саводхон бўлишлари орқали кечадиган жараёндир. Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаб олиши, конституциявий бурчини тушуниши лозим. Бунда Конституция бирламчи манба бўлиб хизмат қилади, чунки давлат органлари томонидан чиқариладиган барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга зид бўлмаслиги, аксинча унинг асосида ва унинг нормаларини рўёбга чиқариш юзасидан қабул қилиниши лозим. Шуни англабгина ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда бурчларни билиш қандай асосга таянишини ва шу орқали Конституциянинг аҳамиятини тушуниш мумкин.

Фуқаролик жамияти тушунчаси. Жамият ва унинг аъзолари давлатга нисбатан устунликка эга бўлиши фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир. Агар «жамият» тушунчасини макону замонда мавжуд, турмуш тарзи ва манфаатлари муштарак бўлган инсонларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи бирлик деб тушунсак, фуқаролик жамияти эса ана шундай жамиятнинг ривожланишида маълум шароитларда қарор топадиган унинг юқори босқичидир. Агар «жамият» тушунчаси таркибига, масалан, давлатнинг ҳам киришини унутмасак ва айни вақтда «фуқаролик жамияти» тушунчаси таркибида давлатнинг мавжуд эмаслигини англасак, «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларининг айнан бир нарса эмаслигини, уларнинг турлича маъно касб этишини кўришимиз мумкин.

«Жамият инсоният тарихий тараққиётининг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир»[18]. Фуқаролик жамияти – бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиятидир. Фуқаролик жамияти – бу шундай ижтимоий тузумки, унда қонунлар устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар[19] ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклларини эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фуқаролик институтлари фаолиятида кенг иштирок этади ва улар орқали сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиради. Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг *жамоатчилик назорати* ўрнатилади. Давлатнинг бир қатор ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятини қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» дастури асосида давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш жараёни кечмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «биз бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-ғайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва тараққиётнинг бошқа стратегик вазифаларига қаратадиган давлат ижтимоий қурилиш тизимини барпо этишимиз лозим. Бошқа масалаларни ҳал қилиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти

---

[18] **Иброҳимов А.** Ёруғлуғ. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006, 217-бет.

[19] *«Партия»* сўзи лотинча *partio* сўзидан олинган бўлиб, «бўламан, ажратаман» дегани, яъни ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак, шунингдек, муайян ишни бажариш учун мўлжалланган кишилар гуруҳини англатади.

органларидан жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилмоғи керак»[20].

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланади. Фуқаролик жамияти *кенг маънода* жамиятнинг шундай қисмини билдиради ки, бу қисмда давлат ва унинг тузилмалари бевосита қамраб олинмаган бўлади. Фуқаролик жамияти *тор маънода*, яъни ўз маносида ҳуқуқий давлат билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас ва аксинча, ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.



***2.1.1-расм.* Фуқаролик жамияти институтларининг таснифи.**

Фуқаролик жамиятида, давлат органларида бўлгани сингари бири иккинчисига бўйсунадиган, яъни вертикал (тик) муносабатлар эмас, балки горизонтал (ётиқ)

[20] **Каримов И.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Асарлар, 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 142-бет.

муносабатлар етакчилик қилади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятида эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик мавжуд бўлади.

Фуқаролик жамиятининг ички тузилмасида мазкур жамият элементларининг хилма-хиллиги кўзга ташланади. Ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат *(2.1.1-расмга қаранг)*:

1) фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти;
2) фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти;
3) фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти.

Фуқаролик жамияти институтлари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади, хусусан, улар турлича ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалайди, фуқароларнинг фаоллигини оширади, мамлакатда рўй бераётган турли демократик ўзгаришлар кўламини кенг ёйишда муҳим омил саналади, жамоатчилик назоратини юзага келтиради, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиради, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишига катта ҳисса қўшади.

Ғарбда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар. Шу ўринда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар ривожига бир назар солайлик. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар Аристотель (милоддан аввалги 384 – 322 йй.; Шарқда уни Арасту деб атайдилар) томонидан, унинг «Сиёсат» асарида ёритилди. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шу билан бир вақтда, ана шундай устувор қонунлар адолатли бўлишлари ҳам керак. Бу ғоялар XVII асрга келиб янада ривожланди. Жумладан, инглиз файласуфи Томас Гоббс асарларида ривожлантирилди. XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби[21] боис Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг эълон қилиниши орқали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг тарқала бошлади. И.Кант, Ж.Ж.Руссо, В.Гегель сингари таникли мутафаккирларнинг илгари сурган фикрлари фуқаролик жамиятининг кенг моҳияти ва янги қирраларини очиб берди.

Шарқда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар. Шарқда фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу одоб-ахлоқ, маданият ва ҳуқуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, «Авесто» китобида кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши, ватанпарварлик, аҳиллик каби ғоялар олдинга сурилган. «Авесто»нинг иккинчи дафтари бўлмиш Яснанинг 62-ҳот, 5-қўшиғида шундай дейилади: *«Менга баркамол ва диногоҳ, ватансевар ва анжуманоро, аҳил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг ном ҳамда овозасини кўтарсинлар»*[22].

Абу Наср Форобий асарларида, хусусан, унинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади. Форобийнинг ёзишича, фозиллар шаҳрининг бошлиғи табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши, хусусан, «у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур»[23]. Бу каби ғоялар Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур каби буюк аждодларимиз томонидан ҳам илгари сурилган.

Фуқаролик жамияти тушунчасини бугунги замонавий тушуниш узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш тарихий анъана бўлса-да, у тўлалигича миллий анъаналар ва жаҳондаги илғор давлатлар тажрибасининг синтези

---

[21] **Буюк француз инқилоби** – Франция тарихида мустабид тузумга барҳам берган ва янги ижтимоий тараққиётга йўл очган инқилоб (1789–1799). Қирол Людовик XVI 1789 йилнинг 5 майида парламент (Бош штатлар) мажлисини чақирди. 3-тоифа депутатлари 17 июнда ўзларини Миллий мажлис, 9 июлда эса Таъсис мажлиси деб эълон этди. Мажлисни тарқатиб юбориш мақсадида қилинган уринишлар халқ қўзғолонига сабаб бўлди. 14 июлда Бастилия турмасига ҳужум бошланди. Бу эса инқилобнинг бошланиши эди.

[22] *Авесто.* Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – «Шарк», 2001. – 90-бет.

[23] **Абу Наср Форобий**. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 160-б.

сифатида, яъни эркинлик ва ахлоқ, озодлик ва тарбия, қонунга итоаткорлик ва сиёсий-ҳуқуқий фаолликнинг уйғунлиги сифатида дунёга келмоқда[24]. Фуқаролик жамияти узоқ муддатли жараёндир. Фуқаролик жамиятини шакллантириш кўпгина ривожланган давлатларда муайян даражада амалга оширилган. Лекин ана ўша давлатларда ҳам фуқаролик жамияти мукаммал барпо этилган эмас ва уни ривожлантириш жараёни давом этмоқда[25].

2.2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар. *Конституция*[26] – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган бирламчи ҳужжат. Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, «Конституция» атамаси узоқ тарихга эга. У даставвал антик дунё мутафаккирлари томонидан ишлатилган. Қадимги даврда у сиёсий тузумни англатган. XVII асрда Францияда «рента»[27], «рента шартномаси»ни шу сўз билан атаганлар. Кейинчалик бу сўз яна ўзининг асл маъносида, яъни давлат тузилиши маъносида қўллана бошлади. Буюк француз инқилоби арафасида давлат тузилиши «Конституция» ибораси орқали ифодаланди.

Ўзбекистон тарихида конституциялар кўп бўлган. Лекин уларнинг аксарияти, айниқса, мустамлакачилик давридаги конституциялар инсон ҳуқуқ ва манфаатларига, халқнинг эзгу мақсадларига эришиш йўлида эмас, балки мавжуд тузумнинг манфаатларига хизмат қилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз конституциявий тарихида туб бурилиш юз берди. Бу давр талабидан келиб чиққан объектив зарурат эди. Ана шу зарурат 1992 йилнинг охирида вокеликка айланди. Ўша йилнинг 8 декабрида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи *сессия*сида[28] мамлакатимиз тараққиётининг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилаётган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Конституциянинг бош мақсади заминида инсон манфаатларига хизмат қилиш принципи ётади. Шунинг учун ҳам унинг «Асосий принциплар»дан кейинги бўлими бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда бурчларига бағишланган. Кейинги ўринларда жамият ва шахс ҳамда давлат ҳокимиятининг қурилиш принципларига алоҳида ўрин берилган.

Ҳуқуқий демократик давлатда инсон шаъни ва қадр-қиммати, обрўси ва ҳурмат-эътибори, ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва бошқа тегишли қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциянинг муқаддимаси орқали инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинди, бир қатор мақсадлар, хусусан, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш Конституцияни қабул қилишдан кўзланган халқимизнинг асосий мақсади экани белгиланди:

---

[24] **Ўзбекистон миллий энциклопедияси**. 9-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 350-б.

[25] **Каримов Б.Р.** Фуқаролик жамиятини қуриш ва Ўзбекистон мустақиллиги. – Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. — 6-бет.

[26] **«Конституция»** сўзи лотинча (constitutio) сўзидан олинган бўлиб, «тузилиш», «тузук», «қурилиш» деган луғавий маънога эга.

[27] Немисча *Rente*, лотинча *reddita* сўзларидан олинган бўлиб, «қайтариб берилган» деган маънони билдиради. Рента кенг ва тор маъноларда қўлланади. *Кенг маънода* рента – бу мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмасдан ер, мол-мулк, капиталдан мунтазам оладиган даромади. *Тор маънода* рента – бу қатъий даромадли пул капитали ва қимматли қоғозлар эгалари фоиз шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда рента тушунчаси ерни ижарага бериш натижасида олинадиган даромадга нисбатан қўлланади.

[28] **«Сессия»** сўзи лотинча *sessio* сўзидан олинган бўлиб, «сессия», яъни ваколатли органлар, суд, илмий муассаса, жамоат ташкилотларининг йиғилиш ўтказаётган даври тушунилади. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С. – Т.: «Адолат», 1999. – 57-бет.

«Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

- *ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда;*
- *ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб;*
- *демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб;*
- *халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда;*
- *республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб;*
- *инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб;*
- *фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида;*
- *ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади»*[29].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мукаддимасидан англашилмоқдаки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш халқимизнинг ўз олдига қўйган энг юксак мақсадидир. Шундай экан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократик асосда ислоҳ этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қилаётган барча ишлар ва хатти-ҳаракатларимизнинг асосида Ўзбекистон Конституцияси бирламчи манба сифатида муҳим ўрин тутади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи. Давлатда ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши давлатнинг асосий белгиларидан бири саналади. Давлатдаги мавжуд ҳокимият (давлат ҳокимияти) эса маълум принцип асосида тақсимланади, бўлинади. Бу «давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи» деб аталади. Мазкур принципга кўра, давлат ҳокимияти бир-бири билан чамбарчас боғланган ва айни вақтда маълум мустақилликка эга бўлган қуйидаги уч шохобчага бўлинади: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти[30]. Ана шу уч ҳокимият биргаликда давлат ҳокимиятини ташкил этади.



***2.2.1-расм.* Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи.**

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципининг жамиятда амалда рўёбга чиқарилиши, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг амалга оширилиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Давлат ҳокимиятида ваколатларнинг бўлиниши ғояси инсониятнинг буюк даҳолари томонидан илгари сурилган илғор тарихий ғоялардан биридир. Масалан, қадимги юнон файласуфи Аристотель бу ғояни дастлаб илгари

---

[29] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. – 3-б.

[30] Оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» сифатида тилга олинади. Бироқ бу мезон юридик мустаҳкамлаб қўйилган эмас ва мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ҳам эмас. Чунки давлат ҳокимияти фақат номлари юқорида тилга олинган учта ҳокимиятга бўлинишни тақозо этади. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги юксак ўрнини алоҳида таъкидлаш мақсадида мазкур тушунча кенг қўлланади. Оммавий ахборот воситаларига, яъни «тўртинчи ҳокимият»га газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот таркатишнинг бошқа воситалари киради. «Тўртинчи ҳокимият» мажбурлов органларига эга эмас. Шу маънода, бу тушунча кўчма маънодаги ҳокимиятни ифодалайди. Шундай бўлса-да, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи юксакдир. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги ўлмас ғояларнинг амалга ошишини таъминлаш ва фуқароларнинг ана шу ишга қўшаётган юксак ҳиссаси боис оммавий ахборот воситаларининг хизматлари алоҳида таъкидланиши ўринлидир.

сурганлардан бири бўлган[31]. XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб мазкур ғоя илмий-назарий жиҳатдан асосланди. Бунда машҳур француз мутафаккири, ҳуқуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескье (1689–1755)нинг хизматлари каттадир. Унинг «Қонунлар руҳи ҳақида» номли асарида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асослаб берилган.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳокимияти органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлайди. Лекин бунинг учун у мақсадга мувофиқ жорий этилиши лозим. Мазкур принципнинг оқилона рўёбга чиқарилиши орқали давлатда бирор орган ёки шахс томонидан *диктатура*[32] ўрнатилишининг олди олинади, давлат бошқаруви амалга оширилишининг идеал мувозанати таъминланади, давлат органларининг самарали фаолият юритиши учун замин тайёрланади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳокимияти органларининг келишиб, бир-бирини назорат қилиб ва ўзаро уйғунликда ишлашига имкон яратади. Шунинг учун ҳокимиятнинг бўлиниш принципининг қарор топиши демократик давлатга хос жиҳатдир.

Ривожланган ва демократия қарор топган давлатларда бўлгани сингари, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат ҳокимияти учга бўлинган. Бу ҳақда Ўзбекистон Конституциясида қуйидаги ҳуқуқий норма белгилаб қўйилган: *«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади»* (11-модда).

Ўзбекистоннинг йигирма йиллик мустақил тараққиёт даври мобайнида «мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди»[33].

Давлат бошқарув тизими. Бу тизимни ижро ҳокимиятини амалга оширувчи идоралар, яъни ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи органлар ташкил этади. Давлат бошқарув тизимини юзага келтиришда мустақил Ўзбекистон дунёнинг илғор давлатларининг тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб ва Ўзбекистоннинг муайян шароитларини инобатга олиб, халқнинг анъаналари ва менталитети билан ҳисоблашиб, бу тизимни юзага келтирди. Шундай бўлса-да, бу тизим доимо ҳаёт талабларига мувофиқлаштирилиб, демократик принцип асосларига кўра такомиллаштириб борилиши ҳаётий заруратдир. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимига давлат бошлиғи сифатида Президент, республика ҳукумати сифатида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий давлат бошқаруви идоралари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва ҳокимиятлар ҳамда уларнинг бўлимлари ва бошқармалари киради.

Ўтган йилларда бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисми республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказилди, маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта эътибор берилди. Бир сўз билан айтганда, бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда.

---

[31] **Қирғизбоев М.** Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. (Монография) – Т.: «Янги аср авлоди», 2006. — 21–24-бетлар.

[32] **«Диктатура»** сўзи лотинча *dictatura* сўзидан олинган бўлиб, «чекланмаган ҳокимият» маъносини билдиради. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999. – 27-бет.

[33] **Каримов И. А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 8-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатда давлатни идора этишнинг замонавий ва самарали шакли – президентлик тизими қарор топа бошлади. Дунё давлатчилиги тараққиётида давлат бошқарувининг асосан икки шакли – монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар республика ва президентлик республикаси кўринишларига эга. Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 192 давлатдан 142 тасида *Президент*[34] лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир[35].

Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг I сессиясида таъсис этилди. 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустакиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг *референдуми*[36], Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун[37] ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. Қуйида мазкур фикрни исботлашга уриниб кўрамиз.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўтказилган референдумда овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи республика давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлаб овоз берди ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланди, деб топди[38].

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобил асосдаги сайловда президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди[39].

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба жорий этилган Президент лавозими мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз сиёсий тизимида президентлик институтининг узил-кесил мустаҳкамланишида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби *«Ўзбекистон Республикасининг Президенти»* деб номланган. Мазкур боб ўз ичига 9 та модда (89–97-моддалар)ни қамраб олган бўлиб, уларда президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар, Президентни сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, Президентнинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ваколати ва шу кабилар борасида ҳуқуқий нормалар белгиланган.

---

[34] **«Президент»** сўзи лотинча *praesidens (praesidentis)* сўзидан олинган бўлиб, «олдинда ўтирувчи» маъносини билдиради.

[35] Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / – Т.: «Шарк», 2006. – 75-бет.

[36] **«Референдум»** сўзи лотинча *referendum* сўзидан олинган бўлиб, «билдирилиши керак бўлган» деган маънони билдиради. Референдумда давлат ҳаётидаги бирон муҳим масала умумхалқ овозига қўйилади. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999. – 55-бет.

[37] Бу қонунга 1997 йил 26 декабрда, 1999 йил 19 августда, 2003 йил 24 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

[38] Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши /Қ.А.Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 50-бет.

[39] Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши /Қ.А.Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 52-бет.

1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ваколат муддатини 1996 йил декабрдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. 2000 йил 9 январда эса мамлакатимизда Ўзбекистон Президенти сайлови бўлиб ўтди. Бу сайлов ҳам халқнинг сиёсий онги, маданияти ва фаоллиги ошганини кўрсатди. Сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан 12 миллион 123 минг 199 та сайловчи иштирок этди. Бу рўйхатга олинган сайловчилар умумий миқдорининг 95,1 фоизини ташкил этди[40]. Сайловда И.А. Каримов 91,9 фоиз овоз билан ғалаба қозонди.

2001 йил 6 декабрда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2002 йил 27 январда Ўзбекистонда умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдумга қуйидаги саволлар киритилди:

1) Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентининг икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

2) Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Умумхалқ референдуми натижаларига биноан, Олий Мажлиснинг VIII сессиясида, 2003 йил 24 апрелда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур конституциявий қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи навбатда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари, амнистия эълон қилиш ваколати Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. 89-модданинг қуйидаги 2-хатбошиси олиб ташланди: *«Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади».*

2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуни Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

> *Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.*
>
> **Ислом Каримов**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўлларини белгилаб берди. Шунга кўра, 2006 йили «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш

[40] **Ҳамидова М.А., Асадов Ш.Ғ.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари./Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов/. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 18-бет.

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа юзасидан кенг жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганиб чиқилди ва бунинг натижаси ўлароқ 2007 йил 29 мартда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қонун қабул қилинди.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида 2007 йил 11 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шу ўринда Ўзбекистон Конституциясига киритилган қуйидаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларга эътиборни қаратиш лозим.

1. Ўзбекистон Конституциясининг ***89-моддаси*** янги таҳрирда баён этилди:

«Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид «парламентдаги кўпчилик» тушунчаси киритилди.



2.2.2-расм. **Парламентдаги кўпчиликни ҳосил қилиш асослари.**

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид «мухолифат» тушунчаси ҳам киритилди.

2. Ўзбекистон Конституцияси ***93-моддаси 1-қисмининг 15-банди*** қуйидагича таҳрир қилинди:

«Ўзбекистон Президенти:

15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ тушурадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли».



2.2.3-расм. **Мухолифат ва унинг ҳуқуқлари.**

3. Ўзбекистон Конституциясининг ***102-моддаси иккинчи қисми*** қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.



2.2.3-расм. **Мухолифат ва унинг ҳуқуқлари.**

3. Ўзбекистон Конституциясининг ***102-моддаси иккинчи қисми*** қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.



2.2.3-расм. **Мухолифат ва унинг ҳуқуқлари.**

3. Ўзбекистон Конституциясининг ***102-моддаси иккинчи қисми*** қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.



2.2.3-расм. **Мухолифат ва унинг ҳуқуқлари.**

3. Ўзбекистон Конституциясининг ***102-моддаси иккинчи қисми*** қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.



2.2.3-расм. **Мухолифат ва унинг ҳуқуқлари.**

3. Ўзбекистон Конституциясининг ***102-моддаси иккинчи қисми*** қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.



2.2.3-расм. **Мухолифат ва унинг ҳуқуқлари.**

3. Ўзбекистон Конституциясининг ***102-моддаси иккинчи қисми*** қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.



2.2.4-расм. **Вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби.**

Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент у ёки бу ҳокимият тармоғига кирмайди, балки бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида навбатдаги қадам бўлди.

2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Президент маърузасида ҳам айнан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай янада илдамлаб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

> *2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди.*
>
> **Ислом Каримов**

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди[41].

Президент И.А. Каримов Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида 6 та энг муҳим устувор йўналишни илгари сурди. Йўналишлар ва улар бўйича қилинган таклифларнинг қисқа мазмуни қуйидагича:

I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш:

1) Конституциянинг 98-моддасига ўзгартиш киритиш:

- Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқини бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан чиқариш.

2) Конституциянинг 96-моддасига ўзгартиш киритиш:

- Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда тутиладиган йўлнинг янги тартиби: Президент

[41] **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 8-бет.

ваколатларини Олий Мажлис палаталарининг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан вақтинча сайланган шахс эмас, Олий Мажлис Сенатининг Раиси вақтинча бажаради.

3) Конституциянинг 78-моддаси 1-қисмининг 15-бандини тўлдириш:
   - ❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига Бош вазир ҳисоботларининг тингланишини киритиш.
4) Конституциянинг 93-моддаси 15-бандини тўлдириш:
   - ❖ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Ўзбекистон Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши.
5) Конституциянинг 93-моддаси 8-бандини ўзгартиш:
   - ❖ Ўзбекистон Президенти ваколатлари доирасидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ваколатининг чиқарилиши.
6) Конституциянинг 93-моддаси 16-бандини тўлдириш:
   - ❖ Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли экани.
7) Конституциянинг 93-моддаси 12-бандини ўзгартиш:
   - ❖ Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан Бош прокурорнинг ўринбосарларини тайинлаш ваколатининг чиқарилиши ва унинг ўрнига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ваколатининг киритилиши.

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш:

1) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш.
2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.
3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш: биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини фақат прокурор ўқиб эшиттириши лозим.
4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш.
5) «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» Қонун қабул қилиш.
6) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририни қабул қилиш.
7) Қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.
8) Жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш:

1) Қуйидаги қонунларни қабул қилиш:
   - ❖ «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»;
   - ❖ «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»;
   - ❖ «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»;
   - ❖ «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида».
2) Қуйидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:
   - ❖ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»;
   - ❖ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»;
   - ❖ «Телекоммуникациялар тўғрисида» ва бошқалар.

IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:
   - 6-моддага;
   - 27-моддага;
   - 41-моддага.
2) «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:
   - 25-моддага;
   - 38-моддага.

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш:

1) Қуйидаги қонунларни қабул қилиш:
   - «Ижтимоий шериклик тўғрисида»;
   - «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»;
   - «Экологик назорат тўғрисида».
2) Қуйидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:
   - «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»;
   - «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»;
   - Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.

VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш:

1) Қуйидаги қонунларни қабул қилиш:
   - «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»;
   - «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»;
   - «Рақобат тўғрисида»;
   - «Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида»;
   - «Гаров реестри тўғрисида»;
   - «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»;
   - «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»;
   - «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида» ва бошқалар.
2) Қуйидаги қонунларнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш:
   - «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»;
   - «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»;
   - «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида».

2011 йилнинг 18 апрелида Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонуни[42] қабул қилинди. У 2011 йил 4 мартда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, 2011 йил 25 мартда эса Сенат томонидан маъқулланди. 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган (№ ЎРҚ – 284) Қонун, унинг охирги – 2-моддасига биноан расмий эълон қилинган кундан (19 апрелдан) эътиборан кучга кирди. Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни қуйидагича (*Изоҳ:* янги киритилган гаплар курсивда берилди, чиқариб ташланганлари эса ўртасидан чизиқ тортилган ҳолда кўрсатилди):

[42] «Халқ сўзи», 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243), 1-бет.

78-модда, 1-қисм:	**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:**
15-банд	Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, *шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш*»
80-модда:	**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:**
6-банд	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, *Ҳисоб палатаси раисини* тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш»
93-модда, 1-қисм:	**«Ўзбекистон Республикасининг Президенти:**
8-банд	ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади»
12-банд	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, *Ҳисоб палатаси раисини* тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади»
15-банд	*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан* вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли»
16-банд	республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли»*
	2011 йилнинг 19 апрелигача / **2011 йилнинг 19 апрелидан эътиборан**
96-модда	«Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт».	«Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади».

Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш киритилгунга қадар Президент бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳоллар бўйича белгиланган тартиб қуйидагича эди:



2.2.5-расм. **Президент вазифасини вақтинча бажарувчини сайлаш тартиби (2011 йилнинг 19 апрелига қадар ўрнатилган конституциявий тартиб)**

XX БОБ. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ **98-модда**[43]
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди,

[43] *Изоҳ:* Моддадан чиқариб ташланган қисмлар кўрсатилмади. Моддага янги киритилган қисмларни алоҳида кўрсатиш мақсадида улар шартли равишда курсивда берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади».

Президент Ислом Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, янада либераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимига мос тизимга ўтиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. 2010 йилнинг 12 ноябрида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан республика парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилинган маъруза давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Оралиқ хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик институти шаклланди, янада такомиллаштирилди, унинг ҳуқуқий негизлари мустаҳкамланди.



2.2.6-расм. **Марказий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатлари (умумий кўриниш).**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. 90-модданинг мазмунига кўра, Президент лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган

Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси. Олий қонун чиқарувчи ҳокимият ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга ва номга эга. Масалан, АҚШда Конгресс, Швецияда Риксдаг, ГФРда Бундестаг, Россияда Дума, Ўзбекистонда Олий Мажлис деб аталади. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият – *парламент*[44] давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоғидан бири саналади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистонда мамлакат парламенти – Олий Мажлисни шакллантириш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича изчил сиёсат амалга оширилди. Мамлакатимизда қисқа муддат ичида парламентнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингунга қадар бўлган муддат Ўзбекистон парламентаризми тарихида ўзига хос давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови ва референдум тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

1990–1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш деб аталиб, бир *палатали*[45] эди ва ўз таркибида 150 депутатни бирлаштирган эди. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. Ҳозирги замонда икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди.

1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Конституциясига биринчи ўзгартиш киритилди: «150 нафар депутатдан» деган сўзлар (77-модда, 1-қисм) «депутатлардан» деган сўз билан алмаштирилди[46]. 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида конституциявий қонун қабул қилинди. Ўзбекистон парламентининг номи Олий Мажлис деб ўзгартирилди. 1994 йилнинг 25 декабрида Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди. 1995 йилдан бошлаб парламент аъзолари сони 250 депутатдан иборат деб белгиланди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган 1992 йилдан то 1997 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда миллий сайлов тизими шакллантирилди. 1997 йилдан то 2003 йилгача бўлган даврда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартишлар киритилди, Ўзбекистон Республикасининг «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг 2-сессиясида илгари сурилди. «Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим»[47].

2001 йил 6 декабрда Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасида келгусида икки палатали парламент тузиш ва Президентнинг ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга – 2007 йилнинг январигача узайтириш масалалари бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди.

Бу икки палатали парламентга ўтишнинг дастлабки ҳуқуқий пойдевори бўлди. Бу қонун Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи – икки палатали парламентнинг тузилиши,

---

[44] **«Парламент»** сўзи француз тилидаги *parler* – «гапирмоқ» сўзидан келиб чиққан.

[45] **«Палата»** сўзи лотинча *palatium* сўзидан олинган бўлиб, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ёки уларнинг айрим таркибий қисмлари номини билдиради. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999. – 48-бет.

[46] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994, 1-сон, 5-модда.

[47] **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Асарлар, 8-жилд. – Тошкент:Ўзбекистон, 2000. – 483-бет.

таркиби, фаолият юритиш асосларини, Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, Президент И.А. Каримов ибораси билан айтганда, «қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди»[48].

2002 йил 12 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлисининг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» конституциявий қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар парламент палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, бошқа органлар билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

2003 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ тарзда сайлов қонунларига ўзгартишлар киритилди. 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» конституциявий қонунга мувофиқ, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2004 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, икки палатали парламентга сайлов 2004 йилнинг 26 декабрь кунига белгиланди.

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 та участка сайлов комиссияси тузилди[49]. Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 108, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 114, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 71, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 54 нафар депутатликка номзод иштирок этди[50].

2005 йил 17–20 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палата – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Шундай қилиб, 2004 йилнинг охири ва 2005 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати шакллантирилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакат парламентининг икки палатали қилиб ташкил этилиши натижасида:

- парламент ўз ваколатларини самарали амалга оширади;

---

[48] **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 9-бет.

[49] **Ҳамидова М.А.,** *Асадов Ш.Ғ.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари./Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов/. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 19-бет.

[50] **Ҳамидова М.А.,** *Асадов Ш.Ғ.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари./Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов/. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 19–20-бетлар.

• парламент ўз ваколатларини самарали амалга оширади;

• *ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро* мувозанат ва чекловлар тизими яратилади;

• Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб борилишини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифати кескин ошади;

• Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришилади;

• аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўлами янада кенгаяди;

• мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципи ўзининг ҳаётий ифодасини топади.

2005–2009 йилларда икки палатали Олий Мажлиснинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси 120 депутатдан, юқори палатаси – Сенат эса 100 та аъзодан иборат бўлди, жами бўлиб парламентда 220 та аъзо фаолият юритди.

2009 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови якунларига кўра 150 нафар депутат сайланди.

2.2.1-жадвал

Партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган номзодлар сони

ПАРТИЯНИНГ НОМИ	САЙЛАНГАН АЪЗОЛАРИ
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛДП)	53
Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)	32
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	31
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	19
Ўзбекистон экологик ҳаракати	15

Сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари (22 фоизи) хотин-қизлардир. Сенатда эса хотин-қизлар 15 нафарни ташкил этди. Сайланган депутатларнинг 47 нафари (31,3 %) илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганидан далолат бериши билан бирга, профессионал фаолиятида уларнинг ҳаётий ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланиш имкониятини ҳам беради. Парламент қуйи палатаси таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

2.2.2-жадвал

Парламент депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг ўзгариш динамикаси

ЙИЛ	ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ
1999	• сиёсий партиялар • ҳокимият вакиллик органлари • фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
2004	• сиёсий партиялар • ташаббускор гуруҳлар
2009	• сиёсий партиялар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2004 ва 2009 йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижаларини ўзаро таққослаш сиёсий жараёнларнинг тобора либераллашиб, демократик тус олиб бораётганини кўрсатади.

2.2.3-жадвал

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2004 йил ва 2009 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижалари

Кўрсаткич	2004 йилдаги сайловда	2009 йилдаги сайловда
Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар сони	489 та	504 та
Сайловларнинг биринчи турида сайланган депутатлар сони	62 та (51,7 фоиз)	96 та (71,1 фоиз)
Сайловларнинг иккинчи турида сайланган депутатлар сони	58 та (48,3 фоиз)	39 та (28,9 фоиз)
Парламентдаги депутатлар таркибида хотин-қизлар улуши	18 фоиз	22 фоиз

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва илғор хорижий давлатлар талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақиллик йилларида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига 60 нафар, туман ва шаҳар кенгашларига эса 30 нафар депутат сайланиши йўлга қўйилди.

Қонунчилик ҳуқуқи фаолиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади;
- Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага топширади. Масъул қўмита хулоса тайёрлайди;
- Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита хулосаси асосида қарор қабул қилади;
- Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади;
- Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистонда Олий Мажлис ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий–сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлмоқда.

О Л И Й М А Ж Л И С

	Қонунчилик палатаси	**Сенат**
Аъзоларининг аталиши	Қонунчилик палатаси депутати (депутат)	Сенатор = Сенат аъзоси
Аъзоларининг сони	*150 депутат:* 135 депутат сиёсий партиялардан ва 15 депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.	Ҳудудий вакиллик палатаси *Сайланади (84 киши):* • 6 киши – Қорақалпоғистондан, • 6 киши – Тошкент вилоятидан, • 6 киши – Сирдарё вилоятидан, • 6 киши – Жиззах вилоятидан, • 6 киши – Фарғона вилоятидан, • 6 киши – Андижон вилоятидан, • 6 киши – Наманган вилоятидан, • 6 киши – Қашқадарё вилоятидан, • 6 киши – Сурхондарё вилоятидан, • 6 киши – Самарқанд вилоятидан, • 6 киши – Навоий вилоятидан, • 6 киши – Бухоро вилоятидан, • 6 киши – Хоразм вилоятидан, • 6 киши – Тошкент шаҳридан. *Тайинланади (16 киши):* (Президент томонидан фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан) • 16 киши. • Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан *Президент умрбод Сенат аъзоси* лавозимини эгаллайди.
	Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида депутат ва сенатор бўлиши мумкин эмас.	
Аъзоларини сайлаш тартиби	Ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади.	Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади ҳамда Президент томонидан тайинланади.
Номзодларга қўйиладиган талаблар	• сайлов куни 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси; • камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси.	

Парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг уч муҳим устувор хусусияти:

• қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт;

• бу қонунлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур;

• жамият ҳаётининг қонунларга мос бўлиши қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳамда Сенатга 2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайловлар жараёнида ва эндиликда қуйидаги мезон ва талаблар устувор қилиб белгиланмоқда:

1. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколати доирасидан чиқарилмоқда.

2. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми (сайловчи ташкилот вакилларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар) институти жорий қилинмоқда.

3. Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш институти тугатилди.

4. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш хукуки фақат сиёсий партияларга берилди.

5. Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига «Сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш» институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди.

6. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашади. Унга тўлдирилган имзо варақаларини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди.

7. Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди, яъни 15 депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилди. Ўзбекистон экологик ҳаракатига депутатлик ўринларини квоталаш институти номи берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 1 ноябрда «Ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида» Қонун қабул қилди. Унга кўра, Министрлар Совети тугатилиб, Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси баъзи давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳукуматнинг номидир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати 1992 йилда қабул қилинган Конституцияга кўра Вазирлар Маҳкамаси деб аталади. Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми, ташкил этилиши ва фаолият тартиби ҳамда ваколат доираси Конституция ва Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги махсус қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ижроия ҳокимият давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг асосий ҳуқуқий мақоми – унинг мустақил Ўзбекистон ҳукумати эканидадир. Унга, ўз ваколати доирасида, қонунларни ва Президент фармонларини ижро этиш масъулияти юкланган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига бошчилик қилади.

Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ислом Каримов

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, яъни Вазирлар Маҳкамасининг раиси эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди. Вазирлар Маҳкамасининг раиси лавозими тугатилди. Бу эса либераллаштириш ва демократлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. «Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши

самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади»[51].



2.2.7-расм. **Бош вазирни сайлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг таркибини шакллантириш (2011 йил 19 апрелгача бўлган конституциявий тартиб бўйича).**

2010 йилнинг 12 ноябрида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан республика парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилинган маъруза давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига хослигини инобатга олиш, жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра, ижроия ҳокимият давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади.

Қонунларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, ижро этувчи ҳокимият, яъни мамлакат ҳукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Одатда ижроия ҳокимият парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг камида бир ой ичида шакллантирилади.

---

[51] **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 10-бет.

Ижроия ҳокимият органлари тизимига Вазирлар Маҳкамаси раҳбари – Бош вазир, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, Қорақалпоғистон ҳукуматининг бошлиғи, вилоятлар, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлим ва бошқармалар, шунингдек, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам киради.

Ижроия ҳокимият органлари жамоавий раҳбарлик асосида ва якка тартибда ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. Ижроия ҳокимият ўдораларининг тизими, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Конституцияга биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Ислом Каримов

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият – ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майда қабул қилинган, 1993 йил 29 августда янги таҳрирда жорий этилган «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга кўра, *биринчи марта* Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби 1995 йил 23 февралда тасдиқланди. *Иккинчи марта* 2000 йил 11 февралда, *учинчи марта* 2005 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди. *Тўртинчи марта* 2010 йил 12 мартда Вазирлар Маҳкамаси таркиби қуйидаги тартибда белгиланди: Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари – 8 та, вазирлар – 14 та, давлат қўмиталарининг раислари – 9 та.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари:

- Бош вазир.
- Бош вазирнинг биринчи ўринбосари.
- Бош вазирнинг 6 нафар ўринбосари.

Вазирликлар:

1. Молия вазирлиги.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.
3. Иқтисодиёт вазирлиги.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
8. Мудофаа вазирлиги.
9. Ички ишлар вазирлиги.
10. Ташқи ишлар вазирлиги.
11. Адлия вазирлиги.
12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
13. Халқ таълими вазирлиги.
14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Давлат қўмиталари:

1. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.
2. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси.
3. Давлат солиқ қўмитаси.
4. Давлат божхона қўмитаси.
5. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.
6. Давлат статистика қўмитаси.
7. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси.
9. Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси.

2005 йили Вазирлар Маҳкамаси раҳбари – Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-моддаси биринчи бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат Франция ва Россия давлатлари конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси қонун, фармон, фармойиш ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида махсус қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат йўли билан бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасидаги ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолатларда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.



2.2.8-расм. **Ўзбекистонда суд тизими.**

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу моддадаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек, ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади.

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

✓ уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

✓ уларнинг дахлсизлиги;

✓ одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;

✓ қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

✓ судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

✓ судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашё ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон *декларацияси*[52]нинг[53] 3-моддасида қуйидаги ҳуқуқий норма белгилаб қўйилган:

«Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир»[54].

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг[55] 6-моддаси 1-бандида эса ушбу норма мустаҳкамлаб қўйилган:

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди»[56].

Юқорида номлари тилга олинган халқаро шартномаларнинг тегишли қоидалари Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддасида қуйидаги ҳуқуқий нормани ўқиймиз:

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»[57].

2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

«Хабеас корпус» институти жорий этилди, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилди. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасидаги ислоҳотлар. Прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

---

[52] **«Декларация»** сўзи французча *declaration* – «баёнот» деган маънони билдиради. Декларация – алоҳида сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларга тантанали хусусият бериш, уларнинг давлат микёсидаги аҳамиятини таъкидлаш мазмунига эга бўлган номи.

[53] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 1991 йилнинг 30 сентябрида қўшилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжатдир. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг «инсон ҳуқукларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини» (Мукаддимадан) тасдиқлайди.

[54] Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2004. – 32-бет.

[55] Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 1966 йил 19 декабрда, БМТ Бош Ассамблеясининг XXI сессиясида қабул қилинган. У 1976 йилда БМТга аъзо бўлган 35 давлат ратификация қилганидан сўнг кучга кирди. Ўзбекистон Республикасида мазкур пактга қўшилиш тўғрисида 1995 йил 31 августда қарор қабул қилинди ва бу қарор ўша йилнинг 28 декабрида кучга кирди.

[56] Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2004. – 39-бет.

[57] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 7-бет.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисоб бериши асосида фаолият кўрсатади.

Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек, у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларининг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланади.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати беш йил.

Ахборот соҳасини ислоҳ этиш – демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти. Ўзбекистон Конституциясининг XV боби «Оммавий ахборот воситалари»га бағишланган бўлиб, ўз ичига битта – 67-моддани олади. Унда «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди»[58] дейилади. Кейинги 10 йил ичида ОАВ фаолиятига бевосита дахлдор бўлган ўнга якин қонун ҳужжатлари («Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» Қонун, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Қонун, «Телекоммуникациялар тўғрисида» Қонун, «Реклама тўғрисида» Қонун ва бошқалар) қабул қилинди. Ана шундай қонун ҳужжатлари асосида мамлакатимизда ОАВ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имкони яратилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди»[59]. Кейинги 10 йил ичида мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВнинг сони 1,5 баробар, электрон ОАВнинг сони эса 7 баробар кўпайиб, уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи,

---

[58] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 13-б.

[59] **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 10-бет.

[59] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 28-б.

радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. ОАВ Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради[60].



2.2.9-расм. Прокуратура тизими ва прокурорларнинг тайинланиши.

Ўтган йиллар мобайнида ОАВ фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилди[61]. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Бу йўналишда қуйидаги қонун ҳужжатларини тилга олиш мумкин: «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» (1996), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997) каби қонунлар.

---

[60] Қаранг: **Каримов И.А**. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 30-бет.

[60] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 13-б.

[61] **Мирзо Ғ., Хидиров С.М**. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 13-бет.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин:

1. Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи янада демократлаштирилмоқда.

2. Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда.

3. Бошқарув сохасидаги марказлаштириш чекланмоқда.

4. 2007 йилда Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасига тузатишлар киритилди. Президент – давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ва ҳамкорлигини таъминламоқда.

5. Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилмоқда.

6. Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиғи бўлган Президент, Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги тақсимланиш янада мустаҳкамланмоқда.

7. Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Президент томонидан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш бўйича демократик принципнинг янги тартиби ўрнатилмоқда. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилмоқда.

8. Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилмоқда.

9. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чиқарилмоқда.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96-моддасининг янги таҳририга кўра, Президентнинг вазифа ва ваколатларига доир янги таклифлар асосида 78- ва 93-моддаларга тегишли ўзгартишлар киритиш белгилаб берилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

12. Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичида қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади.

14. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдиқланади.

2.3. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида эришилган натижалар

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида хизмат қилаётган қонунлардан қуйидаги баъзиларини тилга олишимиз мумкин: «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» Қонун, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонун, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида» Қонун, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» Қонун, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Қонун, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Қонун ва бошқалар.

Ана шундай ҳуқуқий асосларнинг яратилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳасининг юзага келишига олиб келди, балки унга тизимлилик тусини берди. Айни вақтда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий

ҳуқуқ нормаларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг шаклланишига ҳам имконият туғдирди.

Фуқаролик жамияти институтлари. Ўзбекистонда кейинги ўн йилда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти борган сари ошиб бормоқда. Чунки улар демократик қадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб борган сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучаймоқда. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги боис кишилар қалби ва онгида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришларга нисбатан кечаётган хайрихоҳлик ва бирдамлик кайфияти фаоллашмоқда.

> *Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.*
>
> **Ислом Каримов**

Сайловлар ва сиёсий партиялар. *Сайловлар* – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сайлов қонунчилигининг юридик пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясига бир модда (117-модда)ни ўз ичига олган махсус боб киритилган бўлиб, у «Сайлов тизими» деб аталади. Ана шу модданинг биринчи қисмида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».

Шу ўринда муҳим бир фактни эслаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнида бир қатор хорижлик ҳуқуқшунослар Асосий қонунга сайлов тизими тўғрисидаги бобни киритмасликни таклиф этишган эди.[62] Лекин Ўзбекистон Конституциясига «Сайлов тизими» деб номланган XXIII боб киритилди. Бунинг бир қатор сабаблари бор эди, албатта. Улар қуйидагилардир:

1) Сайлов тизими принципларининг конституциявий мустаҳкамланиши сайлов ҳуқуқи бўйича умумэътироф этилган халқаро стандартларга риоя қилинишини кафолатлайди.

2) Конституциявий нормалар сайловлар ҳақидаги қонунлар учун асос вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, Конституция – сайлов тизимининг ўзагини ташкил этади.

Бу ўринда нима учун сўз сайловлар ва сайлов қонунчилиги ҳақида кетмоқда? Бунинг сабаби шундаки, сайловлар бевосита сиёсий партиялар билан боғлиқ ҳолда кечадиган жараёнлардир. Конституциянинг «Жамоат бирлашмалари» деб ном олган XIII боби ўз ичига 7 та моддани (56 – 62-моддаларни) қамраб олган бўлиб, унинг 60-моддасида сиёсий партиялар борасида қуйидаги норма белгиланган: «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари оркали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар»[63]. Сиёсий партиялар эса фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири саналади.

---

[62] **Саидов А.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005, 3-б.

[63] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 12-б.

Сайлов ҳуқуқи ибораси икки маънода қўлланади. Биринчидан, сайлов ҳуқуқи – бу сайланадиган давлат органларини шакллантириш қоидаларини тартибга солувчи юридик нормалар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари қуйидагилар ҳисобланади: Конституция, олий ва маҳаллий давлат вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар. Иккинчидан, сайлов ҳуқуқи – бу фуқароларнинг сайланадиган органлар ташкил этилишида иштирок этиш, яъни улар таркибига сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқидир[64].

Сайлов ҳуқуқи бутун дунёда умумэътироф этилган энг муҳим ва конституциявий сиёсий ҳуқуқлардан биридир[65]. Сайлов тизими фуқаролик жамиятида давлат вакиллик органларининг сайланиши билан боғлиқ тарзда юзага келадиган давлат-ижтимоий муносабатлар тизимидир[66]. Сайлов тизими ибораси ким депутатлик мандатига номзодлар кўрсатиши, депутатни сайлаш учун сайловчиларнинг қанча овози зарурлиги, номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ўртасида депутатлар мандатлари қандай тақсимланиши билан боғлиқ тарзда сайлов натижаларини аниқлашни ҳам англатади. Шу маънода, сайлов тизими – сайланадиган давлат органида овоз беришнинг натижалари билан боғлиқ тарзда мандатларни тақсимлаш усулидир[67].

Сайлов тизимлари юксак сиёсий аҳамият касб этади, чунки улар аввало сайланаётган органнинг таркибига, партия тизимининг тузилишига, фуқароларнинг фикри ва хоҳиш-истакларининг шаклланишига, манфаатлари бир бўлган жамоаларнинг тутган ўрни ва сиёсий маданиятга таъсир кўрсатади. Сайлов тизимларини асосан қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- Мажоритар сайлов тизими;
- Пропорционал сайлов тизими.

Бу икки сайлов тизими бир-биридан сайловчилар томонидан берилган овозларнинг қай тарзда мандатларни қўлга киритиши билан фарқ қилади.

*Мажоритар сайлов тизими*да турли партиялардан кўрсатилган алоҳида номзодлар сайлов округларида ўзаро рақобат қилади. Номзодлар сони депутатларнинг бутун сонига мувофиқ келади. Бу тизим кучли, ҳар томонлама қобилиятли партияларга кенг имкониятлар яратади. Бу сайлов тизимининг ёрқин намуналаридан бири Буюк Британиядир. Бу ерда кичик партияларнинг вакиллари парламентда деярли учрамайди. Бунда номзодлар ўз сайловчиларига жуда яқин бўлади. Бу сайлов тизимини шартли равишда *«шахсни сайлаш тизими»* деб ҳам аташ мумкин. Мажоритар сайлов тизимига кўра, маълум сайлов округида энг кўп овоз тўплаган номзодлар парламент депутатлигига сайланади. Бутун сайлов ҳудудида овозларнинг 10 фоизини тўплаган партия парламентда ўз депутатларига эга бўла олмайди, чунки у тегишли сайлов округида кўпчилик овоз тўплай олмаган. Мажоритар сайлов тизими бошқа вариантларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мажоритар сайлов тизими бутун сайлов ҳудудида қўлланадиган бўлса, партиянинг энг кўп овоз тўплаган номзодлари сайланади, қолганлар эса қуруқ чиқиб кетади.

Мажоритар сайлов тизимининг икки тури мавжуд: мутлақ ва нисбий. Мажоритар сайлов тизими бўйича ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга ва овозларнинг 50 фоиздан кўпроғини олган (мутлақ мажоритар сайлов тизими) ёки рақибига нисбатан кўп овоз олган (нисбий мажоритар сайлов тизими) номзод депутат этиб сайланган ҳолда парламент аъзолари таркибига киради. Шу ўринда мажоритар сайлов тизимининг камчилиги намоён бўлади: озчиликни ташкил этувчилар вакиллик органига сайланмайди. Лекин айни вақтда овозларнинг кўпчилигини олган номзод депутат бўлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг устунлик томони ҳам мавжуд: парламент барқарор кўпчиликдан ташкил топади. Сабаби

---

[64] **Саидов А.Х.** Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: «Ўзбекистон», 1993, 5-б.

[65] **Мустафоев Б.** Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. – Т.: ТДЮИ, 2004, 3-б.

[66] **Саидов А.Х.** Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: «Ўзбекистон», 1993, 5-б.

[67] **Саидов А.Х.** Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: «Ўзбекистон», 1993, 5–6-б.

шундаки, бирон-бир партия мамлакат бўйича овозларнинг 51 фоизни қўлга киритса, у парламентдаги барча овозларнинг 100 фоизни олади. Чунки қолган барча овозлар инобатга олинмайди. Бундан хулоса шуки, иложи борича кўпроқ сайлов округларида ғалабани қўлга киритиш керак бўлади.

Мажоритар сайлов тизимида сайлов ҳудуди парламентдаги мандатлар сонига мувофиқ тарзда сайлов округларига бўлинади. Номзодлар тегишли жойдаги партиялар ёки маълум миқдордаги фуқаролар томонидан сайлов округида кўрсатилади. Сайлов округида кўрсатилган номзодларга тўғридан-тўғри овоз берилади.

Бу сайлов тизими икки партияли тизимга ва бир партиянинг ҳукмронлигига олиб келади, бунда ҳукуматни шакллантириш жуда осон кечади, кучли ҳукумат шакллантирилади, бирёқлама ҳукумат сиёсати юритилади.

*Пропорционал сайлов тизими*да бир партия томонидан парламентга жўнатиладиган депутатлар сони партиянинг номзодлари рўйхатига берилган сайловчилар овозлари сонига боғлиқ бўлади. Ушбу сайлов тизимини шартли равишда *«рўйхат бўйича сайлов тизими»* деб ҳам аташ мумкин. Бу тизимнинг афзалликларидан бири шундаки, ҳар бир сиёсий йўналиш сайловчилар томонидан уларни қўллаб-қувватлашнинг даражасига кўра парламентда ўз ўрнини топади.

Парламентга бўлган пропорционал сайловларда овозларнинг 10 фоизини, демак, парламентдаги ўринларнинг 10 фоизини эгаллаган партия сайланади. Пропорционал сайлов тизимида (масалан, Италияда) ҳам фақат бир овоз берилади. Лекин бунда энг кўп овоз тўплаган партиянинг вакилларигина депутат сифатида парламент аъзолари таркибига киради. Бу тизимнинг устунлиги шундаки, камчиликни ташкил этувчилар ҳам парламентда ўз вакилларига эга бўлади. Бироқ бу тизим парламентда барқарор бўлмаган кўпчилик ва кўплаб партияларнинг юзага келишига олиб келади, чунки парламентда ўз вакилларига эга бўлиш учун ҳар бир партияга оз миқдордаги овозлар ҳам етарли бўлади. Бу тизимда сайлов ҳудуди ягона ҳисобланиб, у сайлов округлари ва шу кабиларга бўлинмайди. Ҳар бир партия ўз номзодлари кўрсатилган битта ҳудуд ёки ўлка рўйхатини тақдим этади. Сайловчилар бир партияга тегишли ўлка рўйхати бўйича сайлайдилар. Партия учун берилган овозларнинг фоиздаги ҳиссаси уларнинг парламентдаги мандатлари сонига тўғри келади. Бу ҳисса номзодларга уларнинг рўйхатда эгаллаган ўрнига кўра тақсимлаб чиқилади. Пропорционал сайлов тизимининг афзаллиги шунда намоён бўладики, бу сайлов тизимида барча сайловчилар овозлари ва сайланган партиялар инобатга олинади.

Ўзбекистоннинг Асосий қонунида умумий сайлов принциплари тўғрисидаги нормалар белгиланган (117-модда) бўлсада, сайлов тизими тўғрисида аниқ белгиланган ҳуқуқий норма мавжуд эмас. Асосий қонуннинг 117-моддаси сайлов учун ҳам, депутатлар учун ҳам бирламчи нормадир.

Ўзбекистон сайлов тизимининг асоси ва бирламчи манбаси сифатида дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тилга олиш ўринлидир. Асосий қонунда партиялар тўғрисида, Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари, сайлов ҳуқуқи принциплари, Президентни сайлаш ва унинг ваколатлари ва бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солинган. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва умуман, сайлов билан боғлиқ масалалар Конституциядан ташқари қуйидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади:

- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири), 2004 йил 27 август.
- «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун, 1994 йил 5 май.
- «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, 1994 йил 5 май.
- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонун, 2004 йил 2 декабрь.
- «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонун, 2004 йил 2 декабрь.
- «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари.

Демократик қонунийлик халқнинг сайловлардаги кенг иштироки орқали парламентдаги вакилларнинг мунтазам алмашиб туришини тақозо қилади. Сайловларнинг мунтазамлиги демократия принципининг мазмунига киради. Олий Мажлис сайловларининг давомийлиги Асосий қонун 76-моддасининг 3-қисмига кўра, беш йилни ташкил этса, Ўзбекистон Президенти сайловининг давомийлиги Конституция 90-моддасининг 2-қисмига кўра, етти йилни ташкил этади. Бу ҳуқуқий нормани ўзгартириш Асосий қонунни ўзгартириш орқали кечадиган жараёндир. Сайловлар умумий, тўғридан-тўғри, эркин, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сайловларнинг қонунийлик ва назорат функциялари Ўзбекистон Конституцияси 90-моддасининг 2-қисмида ва 117-моддасида белгиланган қуйидаги сайлов ҳуқуқининг принциплари орқали кафолатланади.

• **Умумий сайлов ҳуқуқи.**

Мамлакат ҳар бир фуқаросининг сайловда иштирок этиши умумий сайлов ҳуқуқи деб аталади. Ягона умумий чеклов – бу сайлов ёшига етишдир. Аҳолининг барча гуруҳлари актив (фаол) ва пассив сайлов ҳуқуқига эга. Мазкур принципнинг мазмуни шундан иборатки, давлатнинг барча фуқаролари жинси, даромади, ирқи, тили, миллати ва шу кабилардан қатъи назар, актив ва пассив сайлов ҳуқуқига эгадир.

Актив сайлов ҳуқуқи деганда, бирор шахснинг сайлаш ҳуқуқи тушунилади. Актив сайлов ҳуқуқи бўйича барча масалалар қонунлар билан тартибга солинган. Кимки актив сайлов ҳуқуқига эга бўлса, у сайлаши мумкин.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни депутатликка (ёки президентликка) сайланиш ҳуқуқига қуйидаги талабларни бажара оладиган барча шахслар эгадир: шахс 21 ёшга тўлган бўлиши (маҳаллий кенгаш депутатлигига), Асосий қонуннинг 77-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган бўйича, 25 ёшга тўлган бўлиши ва Ўзбекистон ҳудудида сайлов кунига қадар камида беш йил муқим яшаган бўлиши (депутат ёки сенатор бўлиш учун), 90-модданинг биринчи қисми бўйича, 35 ёшдан кичик бўлмаслиги, давлат тилини яхши билиши ва сайловгача Ўзбекистон ҳудудида камида 10 йил муқим яшаётган бўлиши (Президент сайловида) лозим.

• **Тўғридан-тўғри (бевосита) сайлов ҳуқуқи.**

Бевосита ёки тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи деганда, сайловчиларнинг ўзлари томонидан номзодларни тўғридан-тўғри сайлашлари тушунилади. Ўзбекистонда сайловлар тўғридан-тўғри сайловлар асосида амалга оширилади. Мазкур принципнинг мазмуни шундан иборатки, сайловчи ўзи хоҳлаган номзодни бевосита сайлайди, яъни ўзи танлаган номзодга (ўртада турувчи ўзга шахслар орқали сайламасдан) тўғридан-тўғри овоз беради. Буни депутатларни сайлашда ўртада турувчи шахслар тизимининг тақиқланиши деб тушунса бўлади. Билвосита сайлов ҳуқуқида сайлов натижалари бирор лавозимнинг тўғридан-тўғри эгалланишига олиб келмайди. Сайловчилар дастлаб маълум шахсларни сайлайди. Бунга мисол қилиб Америка Қўшма Штатларини келтириш мумкин. Бунда сайловчи-фуқаролар дастлаб тегишли шахслардан иборат сайловчилар коллегиясини сайлайди ва бу коллегия эса ўз навбатида АҚШ Президентини сайлайди.

• **Эркин сайлов ҳуқуқи.**

Маълум партия ёки маълум шахсга овоз беришда сайловчига ҳеч бир тарзда ва ҳеч бир томондан босим ўтказиш мумкин эмас. Бундан ташқари, сайловчи турли дастурларга эга бўлган бир қанча мустақил партиялар ва номзодлар орасидан ўзи танлай олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Овоз берувчиларнинг кимга овоз бераётганини назорат қилиш мумкин эмас. Ўзбекистонда бўладиган сайловларда овоз бериш мажбурияти мавжуд эмас. Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро, агар сайловда иштирок этмаса, жазога тортилмайди. Баъзи давлатларда, масалан, Европа Иттифокининг бир қатор аъзо-давлатларида фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш мажбурияти бор. Австриянинг «Федерал конституциявий Қонун»ининг 26-моддаси, 1-қисмининг иккинчи гапида «Ўлка қонуни билан белгиланган Федерация ўлкаларида сайловларда иштирок этиш мажбурияти

мавжуд»[68] дейилган. Бельгия Конституциясининг 62-моддаси иккинчи қисмида: «Овоз бериш мажбурий ва яшириндир. У, қонунларда белгиланган истисно ҳоллардан ташқари, коммунада бўлиб ўтади», деган ҳуқуқий норма белгилаб қўйилган[69]. Люксембург Конституциясининг 51-моддаси бешинчи қисмида «Депутатлар сўзсиз умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланади»[70] дейилган бўлса, Греция Конституциясининг 51-моддаси бешинчи қисмида «Овоз бериш мажбурийдир»[71] дейилган. Бу давлатларда актив сайлов ҳуқуқидан фойдаланмаган ва бунинг учун етарли сабаблари мавжуд бўлмаган фуқаролар жарима тўлайди.

- **Тенг сайлов ҳуқуқи.**

Бу принципга бутун сайлов жараёнида барча партиялар, номзодлар ва сайловчилар амал қилади ҳамда овозларни ҳисоблашда ҳам мазкур принципга таянилади. Ҳар бир сайловчи тенг – бир овозга эга (117-модда, 1-қисм). Бундан ташқари, сайловнинг тенглиги овозлар имконияти тенглигини ҳам англатади, яъни парламентдаги ўринларни тақсимлашда берилган ҳар бир овоз тенг ҳисобга олиниши лозим. Ҳар бир овоз тенг ҳисобланади, яъни ҳар бир овоз тенг қимматга эга ва тенг баҳоланади. Бу эса классик сайлов ҳуқуқининг тақиқланишини англатади.

Асосий қонун 117-моддасининг 2-қисмида сайлов ҳуқуқининг принциплари қаторида тенг сайлов ҳуқуқи ҳам ёритилган: **«Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар»**.

Бунда сайловлардаги тенглик, яъни сайлов ҳуқуқи тенглиги кафолатланган. Бу аввало, фуқаролар томонидан қаралганда, актив сайлов ҳуқуқида берилган овозларнинг тенг ҳисобланишини англатади. Ҳар бир фуқаро тенг овоз сонига эга.

Сайлов ҳуқуқи тенглиги пассив сайлов ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Тенг сайлов ҳуқуқи фуқароларга (сайловчиларга) нисбатан ҳам, сиёсий партияларга нисбатан ҳам тенг юридик аҳамиятга эга. Овозларнинг тенг ҳисобланиши тенг катталикдаги сайлов округларини тузишни ҳам қамраб олади. Бунинг натижасида ҳар бир депутатга бир хил (тенг) миқдордаги сайловчилар манфаатини ҳимоя қилиш имконияти яратилади. Шунга кўра, аҳоли сонининг турлича ўзгаришига қараб сайлов округларини янгидан ташкил этиш амалга оширилади.

- **Яширин овоз бериш ҳуқуқи.**

Яширин сайлов ҳуқуқининг мазмуни шундан иборатки, маълум бир сайловчининг қандай ва кимни сайлаганини назорат қилиш мумкин эмас. Бир хил кўринишга эга бўлган сайлов бюллетени, сайлов хоналари, муҳрланган сайлов қутилари ва шу кабилар овоз бериш жараёнида назорат қилинмайди ва кузатилмайди. Сайловчига таъсир ўтказилмаслиги учун сайловчи яширин тарзда овоз беради.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тараққиётида учта асосий босқич ажратиб кўрсатилади[72].

Биринчи босқич Конституциянинг қабул қилинишидан Олий Мажлиснинг амалда шаклланганига қадар бўлган даврни ўз ичига олади (1992 йилнинг 8 декабридан 1995

---

[68] **Конституции мира:** Сборник конституций государств мира. Т.1./Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997 г. – стр. 65.

[69] **Конституции мира:** Сборник конституций государств мира. Т.6./Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998 г. – стр. 18.

[70] **Конституции мира:** Сборник конституций государств мира. Т.6./Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998 г. – стр. 152.

[71] **Конституции мира:** Сборник конституций государств мира. Т.2./Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997 г. – стр. 36.

[72] **Саидов А.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. 5-бет.

йилнинг январигача). Бу босқичда 1993 йил 23 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ислоҳотларнинг ўша босқичида дунёда мавжуд кўппартияли сайловларни ташкил этиш тажрибаси ўрганилиб, юқорида номи тилга олинган қонунда ўз аксини топди. Бу босқич яна бир муҳим ҳужжатнинг қабул қилингани билан ҳам эътиборлидир. Бу – 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонундир. Мазкур қонун халқаро ҳуқуқ нормаларида стандарт сифатида акс эттирилган сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода этиш каби муҳим принципиал нормани мустаҳкамлади. 1994 йилда мамлакатимизда кўппартиявийлик асосида парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра, биринчи чақириқ Олий Мажлис таркибида учта йирик сиёсий партиянинг фракцияси фаолият юритадиган бўлди.

Иккинчи босқич 1995 – 2000 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, 1998 йил 30 апрелда «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши асосида Ўзбекистон сайлов тарихида биринчи бор Марказий сайлов комиссияси тузилди.

1996 йилнинг декабрида «Сиёсий партиялар тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 1999 йилда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга бўлган сайловларда ўта муҳим роль ўйнади. Сиёсий партиялар тобора тобланиб бораётган кенг рақобат майдонига айланган курашга чиқишди. Бунинг натижасида эса тажрибали ва муносиб номзодларнинг партия сафларидан отилиб чиқишларига замин ҳозирланди.

Ғарб сайлов тизимида, масалан, Германия Бундестагига сайловлар жараёнида «беш фоизлик тўсиқ» амал қилади. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги тараққиётининг иккинчи босқичида мавжуд бўлган «беш фоизлик тўсиқ» чиқариб ташланди. Бу ҳам сайловларнинг янада демократлашувига замин ҳозирлаган омиллардан бири бўлди.

*Учинчи босқич*нинг асосий моҳиятини миллий парламентимизнинг икки палатали парламентга айлантирилиши ташкил этди. 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, 2005 йил 17–20 январь кунлари эса Олий Мажлиснинг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди. 2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки *палата*[73] – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Мамлакатимизда парламентнинг икки палатали қилиб ташкил этилиши хорижлик мутахассислар томонидан ҳам юксак баҳоланди. Масалан, Рим халқаро маданият «Лимучи» гуманитар университети профессори Жузеппина Лаура Маджи хоним (Италия)нинг эътироф этишича, «Ўзбекистоннинг икки палатали парламентга ўтиши жамиятни демократлаштириш йўлидаги катта қадамдир»[74].

Сайловлар бевосита демократиянинг амалда намоён бўлишидир. Шунинг учун сайлов, демократия ва сиёсий партия каби тушунчалар доимо ёнма-ён қўлланадиган тушунчалардир. Уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш мумкин эмас.

Сиёсий партиялар. Сиёсий партияларнинг конституциявий мақоми Асосий қонуннинг 60-моддасида белгиланган. Унга кўра, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Улар эркин тарзда тузилади. Партияларга аъзо бўлиб кириш ва аъзоликдан чиқиш эркиндир. Партия аъзолигига мажбурлаш тақиқланади.

Партияларнинг ички ташкилий тузилиши демократик принципларга мувофиқ бўлиши шарт. Улар ўз моддий маблағларининг манбаи ва фойдаланилиши ҳамда ўзларининг мол-мулклари тўғрисида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисобот беришлари шарт. Ўз мақсадлари ёки ўз тарафдорларининг хулқ-атвори

---

[73] **«Палата»** сўзи лотинча *palatium* сўзидан олинган бўлиб, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ёки уларнинг айрим таркибий қисмлари номини билдиради. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С. – Т.: «Адолат», 1999. – 48-бет.

[74] **Саидов А.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 40-бет.

билан эркин демократик қурилиш асосларига зарар етказишга ёки уни йўқотишга ёки Ўзбекистоннинг мавжудлиги ва барқарорлигини хавф остига қўйишга интиладиган партиялар ҳамда миллий ва диний руҳдаги партияларнинг тузилиши Асосий қонунга зиддир. Сиёсий партияларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларни 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун тартибга солади.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Конституциянинг 58-моддаси мазмунига кўра, сиёсий партиялар давлат органлари ҳисобланмайди, лекин улар 60-моддага кўра, давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Улар давлат ва жамиятнинг ўзаро кесишув нуқтасида ўрин эгаллайди. Тузилган ҳар бир партия тенг имкониятларга эга, яъни ҳеч бир партияга давлат органлари томонидан бошқа партияларга нисбатан кенг ҳуқуқлар берилиши ёки бирон-бир партиянинг ҳуқуқи бошқа партияларга нисбатан камситилиши мумкин эмас.

Партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва уларнинг вазифалари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда аниқ кўрсатилган. Партиялар томонидан ўз олдиларига қўйилган мақсадлар партия тушунчасини белгилашда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бирок партиянинг Асосий қонунга зид бўлган мақсадларни ўз олдига қўйиши (Асосий қонуннинг 57-моддаси) партиянинг фақат суд қарори асосида тақиқланишига олиб келади (62-модда).

«Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади», деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида қилган маърузасида.[75] Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш борасида, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилгани таъкидланди. Бу ўринда гап «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилингани хусусида бормоқда.

Демократия – бу халқ ҳокимиятидир, яъни давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир. Демократия – бу халқ орқали амалга ошириладиган ҳокимиятдир, яъни давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш халқ орқали кечадиган жараёндир. Демократия – бу халқ учун ҳокимиятдир, яъни халқ манфаатлари йўлида амалга ошириладиган ҳокимиятдир. Буларнинг барчаси шахсларни сайлаш ёки лавозимидан озод этиш, тегишли масалаларни овозга қўйиш орқали рўёбга чиқарилади.

Умуман олганда, сайловлар жамиятнинг тузилиши, сиёсий тизим (бошқарув тизими) ва партия тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари. Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал Ўзбекистон Республикасининг *Конституция*сини тилга олиш ўринлидир. Президентимиз ибораси билан айтганда, «мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс

---

[75] **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август.

эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди»[76].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган. Мазкур бобда жамоат ташкилотларининг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан мустақил экани каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 56-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади».

Фуқаролар йиғини биринчи марта ўзини ўзи бошқариш органи сифатида Конституцияда эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ушбу ҳуқуқий норма белгиланди:

«Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 34-моддаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифат шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйган. Асосий қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий принцип ўз ифодасини топган.

Бирлашишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ёки халқаро ҳужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган ҳуқуқ ўз ичига фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш асосида ихтиёрий равишда тузиладиган жамоат ташкилотларининг ташкил этиш ҳуқуқини ҳамда мавжуд жамоат ташкилотларига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини қамраб олади.

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишга тўсқинлик қилиш ҳуқуққа зид фаолият деб тан олинади. Бундан ташқари, Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг экани белгилаб қўйилган.

Асосий қонуннинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани эътироф этилган.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг

---

[76] **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 42-бет.

Конституциясига биноан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши, фаолияти ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади[77].



2.3.1-расм. **Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.**

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» Қонун қабул қилиниши керак. Бу қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш бўлиши лозим. Таклиф этилаётган қонунда қуйидагилар белгилаб қўйилиши даркор: жамоатчилик назоратининг турлари; жамоатчилик назоратининг шакллари; жамоатчилик назоратининг субъектлари; жамоатчилик назоратининг предмети; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари; мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлари ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти асосларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали таъминланиши масаласидир. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш

[77] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40-бет.

фурсати етганини таъкидлаш навбатдаги таклиф сифатида майдонга чиқади. Ушбу дастур, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ўз зиммасига юклатилган вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиш лозимлини уқтириш билан бирга бу вазифанинг қандай тарзда назоратга олинишини ҳам кўрсатиб беради. Бунда тегишли органларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳимояни қанчалик йўлга қўйганини аниқлаш мақсадида жамоатчилик мониторингининг амалга оширилиши кўзда тутилади. Дастур айнан ана шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли нормалар киритилиши фуқаролик жамияти барпо этилишининг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйидаги масалалар юзасидан ҳам фаол иштирокининг асосларини кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари мажмуини ишлаб чиқиш лозим: соғликни сақлаш масалалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари; аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари; ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш масалалари; катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини амалга оширишда *экологик назорат* муҳим ўрин тутади. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини амалга оширишнинг зарурий элементи сифатида юзага келган.

Экологик назоратнинг мақсадлари экологик хавфсизликни таъминлаш хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Улар турли ташкилий-ҳуқуқий усуллар билан амалга оширилади. Қуйидагилар шулар жумласига киради: атроф табиий муҳит ҳамда унинг алоҳида объектларининг ҳолатини кузатиб бориш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилишини текшириш ва умумлаштириш; экологик қонунчилик нормалари ва талабларининг ижросини текшириш; юридик ва жисмоний шахслар юритадиган экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳамда тугатиш йўли билан экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш ва уни баҳолаш; табиатдан махсус фойдаланиш лицензияларида (рухсатномаларида), шартномаларда айтиб ўтилган шартларнинг бажарилишини текшириш ва лицензия бериш; экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш.

Экологик назорат объектлари нуқтаи назаридан жамоат ташкилотларининг экологик назоратини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш; ер майдонларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш; сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш; ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш.

Экологик назоратнинг мақсадлари ҳамда вазифалари атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги давлат функциясининг умумий вазифаларига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, экологик назорат объектлари, шакллари ва усуллари ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари. Биз фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Сўнгги йилларда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун ва «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилинди

ва улар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил ролини ўтамокда. «Атрофимиздаги ҳавони ҳеч ким ҳис қилмайди, унинг йўқ бўлиши эса бирданига сезилади. Касаба уюшмалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин»[78].

Республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этди.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкилоти) институтига ҳуқуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти принциплари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди[79].

Ушбу қонунга мустақиллик йилларида киритилган бир қатор ўзгартиришлар баробарида жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди. Қонунга биноан, улар ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усулларини танлашда ҳамда уставларини қабул қилишда мустақил экани белгилаб қўйилди.

Жамоат ташкилотлари манфаатларига дахлдор бўлган масалалар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари томонидан тегишли жамоат ташкилотларининг иштироки ёки келишуви асосида ҳал этиладиган бўлди. Шу билан бирга, давлат жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаши, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиши, хусусан, солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилган. Бу икки тузилманинг фаолияти ҳам самарали кечмокда. Масалан, фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик институтлари тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан Парламент комиссияси ўз таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга *депутат*лар[80], молиявий тузилмаларнинг масъул ходимларини бирлаштирган. Мазкур комиссия фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни очиқ, аниқ ва ошкора йўналтиришни, бу маблағларни демократик асосда тақсимлашни амалга оширади.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишини амалда кенг ва тўла рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган ва шу йўлда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби бир қатор миллий институт ва ташкилотлар қаторида фуқаролик жамияти институтларининг янада кенгроқ таркибини яратиш алоҳида аҳамият касб этмокда. Мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди,

---

[78] **Соколов Е.А.** Меҳнат ва ҳуқуқ ёки корхоналар ходимлари ўз меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларини қандай ҳимоя қилишлари керак: Аҳоли учун юридик қўлланма./Масъул муҳаррир: Ғ.Ю.Ҳамидов; таржимон Ҳ.М.Нишонов/. – Т.: «Turon-Iqbol», 2009. – 455-бет.

[79] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. – № 4, 76-модда.

[80] **«Депутат»** сўзи лотинча *deputatus* сўзидан келиб чиққан бўлиб, «вакил этилган» деган маънони билдиради.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари самарали фаолият юритмоқда. Бирок шу ва шунга ўхшаш фуқаролик институтларининг фаолиятини янада жонлантириш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг ўта муҳим вазифаларидан биридир. Бундай долзарб вазифанинг бажарилиши йўлида бир қатор амалий ишлар қилинди. Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини оширишга ҳисса қўшаётган 200 дан ортиқ қонун ҳужжат қабул қилинди. Бироқ бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Чунки бундай вазифаларнинг долзарб аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Фуқаролик жамияти, моҳият эътиборига кўра, давлат ва унинг органлари фаолиятини назорат қилади. Шунинг учун ҳам у зарурдир. Бу зарурат маълум асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўз ҳаётий ифодасини топиши мумкин. Жамоатчилик назорати касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчилар уюшмалари ва шу каби тузилмалар орқали амалга оширилади. Булар халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотини таъминлаб берувчи «кўприк»дир. Бундай кўприкнинг мавжуд бўлиши ва унинг мустаҳкамланиши ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилган жамият учун жуда муҳим вазифа, чунки халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотининг йўлга қўйилиши демократия учун асосий омил ҳисобланади. Лекин бундай мулоқотнинг йўлга қўйилиши анча қийин масала. Бу борада давлатнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам фаоллиги зарур. Мамлакатимиз раҳбарининг илгари сурган таклифлари ана шундай заруратнинг давлат томонидан амалга оширилаётганининг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларини *«учинчи сектор»* деб ҳам аталади. Шу ўринда айтиш керакки, «биринчи сектор» дейилганда давлат, «иккинчи сектор» дейилганда тижорат сектори (шахсий сектор деб ҳам аталади) назарда тутилади. Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотларига оид миллий ассоциация мавжуд.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти ва мазмуни унинг вазифаси ва фаолият йўналишларида ёркин ифодаланади. Жамоат ташкилотларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга ошириш орқали таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Жамоат ташкилотларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этиш мумкин:

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси уларнинг давлат ҳокимиятини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканини эътироф этиш жоиз. Айтиш мумкинки, жамоат ташкилотларининг роли айнан демократик жараёнларнинг ривожланиш даврида уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда кўринади.

Иккинчидан, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим функцияларни амалга оширади. Сиёсий партияларнинг асосий функцияси алоҳида фуқаролар, ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларнинг жамият учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар мавжуд конституциявий ҳуқуқ меъёрлари доирасида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаган ҳолда шаклланиб келаётган сиёсий жараёнлар ва муносабатлар тамойиллари доирасида муқобил сиёсий йўлларни ифода этувчи восита сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир партиянинг ўз дастури ва максадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Учинчидан, жамоат ташкилотларининг энг оммавий шаклларидан бири ҳисобланган касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг ижтимоий жараёнлардаги таъсири фақат меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ доирага қаратилган.

Омбудсман. 2004 йил 27 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман[81]) тўғрисида» Қонун қабул қилинди[82]. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида Омбудсман институти ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Омбудсман ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига амал қилади.

Омбудсман ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади. Омбудсман лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Президенти томонидан киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Омбудсманни сайлаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Омбудсман номзоди Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор Ўзбекистон Президентига юборилади. Омбудсман ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги омбудсман сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Сайланиш куни 25 ёшга тўлган, камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси омбудсман лавозимига сайланиши мумкин.

Омбудсманнинг ҳисоботи ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида эшитилади. Омбудсманнинг йиллик ҳисоботи белгиланган тартибда эълон қилинади. Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

Омбудсман Ўзбекистон фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

---

[81] **«Омбудсман»** сўзи шведча *«ombudsman»* сўзидан олинган бўлиб, «бирон киши манфаатларининг вакили» деган маънони билдиради. Омбудсман лавозими дунёда биринчи марта 1709 йилда Швеция қироллиги ҳузурида жорий қилинган. Ҳозирги вақтда бундай институт жаҳоннинг 110 дан ортиқ мамлакатида мавжуд.

[82] Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири).// «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004, 38-сон, 420-модда.

Омбудсман суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди.

Омбудсман арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани маълум бўлиб колган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чикади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан 1996 йил 31 октябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташкил этилди[83]. Бу марказ ижро этувчи ҳокимиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. Миллий марказнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини оширишга хизмат қилишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази — ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билль асосида мувофиқлаштирувчи давлат ташкилотидир.

Марказнинг асосий мақсади — устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини — ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп қиррали тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, жумладан:

1) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;
2) ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш;
3) инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимини яратиш;
4) қуйидаги шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш:
   — аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламлари;
   — экологик офат минтақаларида яшовчи аҳоли;
   — диндорлар, турли дин вакиллари;
   — озодликдан маҳрум этилган шахслар;
   — ҳарбий хизматчилар.
5) инсон ҳуқуқлари бўйича ноҳукумат ташкилотлар фаолиятининг самарали шаклларини ривожлантириш;
6) инсон ҳуқукларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш;
7) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини — алоҳида ихтисослашган курслардан тортиб оммавий маълумот – танишув дастурларигача ташкил этиш;
8) Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тизимини ривожлантириш асосида дунё ҳамжамиятига кириш йўлларини шакллантиришдан иборат.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий фаолият дастурини ишлаб чиқиш орқали давлат ва жамоат ташкилотларининг илмий-тадқиқот, таълим ва маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш;
2. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари миллий концепцияси асосида ҳуқуқий давлат миллий мафкурасини шакллантириш;
3. БМТ эълон қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча норматив ҳужжатларни босқичма-босқич қабул қилиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига киришининг самарали механизмини яратиш ҳисобланади.

---

[83] Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.// «Халқ сўзи», 1997 йил, 3 ноябрь.

Марказ фаолияти дастурининг асоси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий принципларидир.

Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан илмий маърузалар тайёрлаш;

— инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш ва эксперт баҳолаш ҳамда уларни тайёрлаш ишларида қатнашиш;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш;

— давлат органларига уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ишларни рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таклифлар бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

— инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

— инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, шунингдек, «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» даврий нашрини тайёрлаш ва уни чоп эттириш;

— миллий, минтақавий ва халқаро даражада инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

— инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганиш ва ўқитиш бўйича дастурлар тайёрлаш, конференциялар, семинар ва ўқув курсларини биргаликда ташкил этиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича олиб бораётган фаолияти тўғрисида мамлакат аҳолисини, шунингдек, жаҳон жамоатчилигини оммавий ахборот воситалари ёрдамида хабардор қилиб бориш.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. Ўзбекистон Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги 322-1-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилди. Институтнинг Низомида белгилаб қўйилган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

— амалдаги қонун ҳужжатларининг демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро норма ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— қонунчилик иши механизмини такомиллаштириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

— институтлар ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

— қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан, хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда экспертизалар ўтказиш;

— амалдаги қонунларнинг рўёбга чиқарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш механизмини такомилаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Ислом Каримов

— қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш учун институт Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Мамлакатимиз Президенти илгари сурган таклифлардан бири – бу «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиш таклифи. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишга ҳисса қўшади, ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади, ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларининг самарали кафолатланишига хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири – бу нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдир. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларнинг сони 5100 дан ортиқдир. Агар бу кўрсаткични 2000 йилдаги ҳолат билан қиёсласак, уларнинг сони икки ярим баробарга кўпайганини кўрамиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида марказий ўрин тутади. Шунинг учун уларнинг фаолиятини ривожлантириш, мустақиллигини тўла таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бу қонунни қабул қилишдан мақсад қуйидагиларда ифодаланади: ННТларини янада ривожлантириш; мустақил иш юритишини таъминлаш; чинакам мустақиллигини таъминлаш; ҳуқуқ ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий йўналтирилган функцияларининг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади: жамиятнинг интеграциялашувига эришиш; ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш; давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини шакллантиришга кўмаклашиш; халқнинг меҳнат потенциалларини сақлаш ва ривожлантириш; бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини шакллантириш; инсон қадр-қимматини ошириш ва меҳнат анъаналарини ривожлантириш.

Мамлакатимизда ижтимоий жараёнларнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролик жамиятининг асосий институтларининг янги функциялари шаклланишига олиб келмоқда.



2.3.2-расм. **Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро муносабати.**

Ҳозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, муайян соҳалар юзасидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби масалаларга ўзларининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қарамоқда. Жамоат ташкилотларига бирлашган фуқаролар улар орқали ўзларининг турли манфаат ва ҳуқуқларини амалга оширишни кўзлайди. Бундай шароитда жамоат ташкилотлари олдига фуқароларнинг давлат ишларини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд қонунчиликка нисбатан ижобий муносабатини шакллантириш ва шу орқали уларни қонунга итоаткор шахс сифатида тарбиялаш каби янги вазифалар қўйилмоқда.

Маҳалла – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири – маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Маҳалла – бу шарқона «демократия дарсхонаси». Ўзбекистонда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. «Маҳалла» сўзи арабча «маҳал» сўзидан олинган бўлиб «истиқомат қиладиган жой», «ҳудуд» маъноларини билдиради[84].

Тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий «Бухоро тарихи» асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқ бошқаруви бўлганини ёзган эди. «Маҳалла» атамасига Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»[85] асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий-ҳудудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») асарида қуйидаги сатрлар учрайди[86]:

Топғали таъйини маҳаллот[87] баҳр,
Аҳли маҳаллот ойириб, шаҳр-шаҳр.
Шаҳрлар отини маҳаллот эгиб,
Бўлди чу юз шаҳр Ҳири от этиб[88].

Маҳалланинг «жой» деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик «шаҳарча» – маҳаллалардан ташкил топган экан.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунда маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ кўп масалалар билан бир қаторда маҳалла оқсоқолини сайлаш тартиблари ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни беқиёсдир. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда[89]. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъана ва

---

[84] Қаранг: **Қораев С.** Ўзбекистон вилоятлари топонимлари./Масъул муҳаррир А.Муҳаммаджонов./– Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 37-бет.

[85] **Юсуф Хос Ҳожиб.** «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим»). Сўзбоши муаллифи Б.Тўхлиев; Рассом Ш.Муҳаммаджонов. – Т.: Юлдузча, 1989. – 83-бет.

[86] **Навоий А.** Ҳайрат ул-аброр [Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ.; Сўзбоши муаллифи А.Ҳайитметов; Масъул муҳаррир В.Раҳмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 187-бет.

[87] **«Маҳаллот»** – «маҳалла» сўзининг кўплиги бўлиб, «маҳаллалар» маъносини беради. Қаранг: «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат./Тузувчи Фатҳиддин Исҳоқов./– Андижон: «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2008. – 94-бет.

[88] *Маъноси:* «Маҳаллалар тайинли бўлиши учун маҳалла аҳллари шаҳар-шаҳарга бўлинган. Бу маҳаллаларга шаҳарларнинг оти берилган; шунинг учун Ҳиротда юзта шаҳарнинг номи бор». Насрий матн ушбу манбадан олинди: **Навоий А.** Ҳайратул-аброр [Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ.; Сўзбоши муаллифи А.Ҳайитметов; Масъул муҳаррир В.Раҳмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 332-бет.

[89] Масалан, Тошкентда XVIII асрда 150 та маҳалла ташкил топган бўлса, XIX асрда уларнинг сони 200 тага етган, XX аср бошларида эса 250 та маҳалла бор эди. Қаранг: *Қораев С.* Тошкент топонимлари./Масъул муҳаррир А.Р.Муҳаммаджонов./– Т.: «Фан», 1991. – 32-бет.

кадриятларини сақлаб қолиш, одамларни жипслаштириш, улар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш омили сифатида майдонга чиқаётганини яққол кўриб турибмиз.

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёркин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олингани билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга. Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.



***2.3.3-расм.* Фуқаролар йиғини.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди. Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифни илгари сурди. Киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади: аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг аниқ йўналтирилган фаолиятини белгилаш; маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш соҳасидаги вазифаларни аниқ белгилаш; маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият берилди.

Ислом Каримов

келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.



2.3.4-расм. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.**

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг учинчи сессиясида 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу сайлов демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжуд эканини таъкидлаш ўринлидир. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови

тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланиши даркор. Шу билан бирга, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли ва аҳамиятини оширишга эришиш лозим. Шунинг учун ана шу мақсадларга эришишга замин ҳозирлайдиган тегишли чора-тадбирларни таъминлаб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда, таклиф этилмоқда[90].

Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар кандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламининг кенгайиб бориши билан ҳукуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ривожланган демократик мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат бошқарувининг марказлашувини чеклаш натижасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (Ғарбда «муниципиал» дейилади) деганда, муайян маъмурий-ҳудудий бирликдаги аҳоли ваколатларини ифода этадиган, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш тушунилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосидаги бошқарувдир. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) мазкур органларнинг фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланиши;

2) маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ўзини ўзи бошқарувнинг нисбатан мустақиллиги; 1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси»нинг 3-моддасида бу тушунча қуйидагича ифодаланган: «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида унинг давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариши ва уни реал уддалай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг ва тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисобот бериб борувчи ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларига мурожаат этишни истисно этмайди».

Ғарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. *Биринчи назария*га биноан, «маҳаллий бошқарув» деганда, давлат бошқарувидан қуйидаги барча бўғинларни, «маҳаллий ҳокимият» деганда эса, «сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва ҳаракат қилувчи ташкилотлар» тушунилади. Шунингдек, «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» – «миллий бошқарувдан қуйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларининг аксарият қисмини мувофиқлаштириши ва бошқариши»дир.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: *«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан,*

---

[90] Қаранг: **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 45-46-бетлар.

маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир». Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳукукий мақоми ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги ҳукукий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, машҳур олим Алексис де Токвилнинг талқинича, «шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки, умуман, барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксакки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини ўзи бошқариш органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам беқиёс омилидир. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувчанлигини таъминлаб беради. Миллат жамоавий институтларсиз ҳам эркин ҳукумат шакллантириши мумкин. Лекин у эркинликнинг ҳақиқий руҳига эга бўла олмайди».

XX асрнинг иккинчи ярмида *иккинчи назария* пайдо бўлди. Ушбу «умумий фаровонлик давлати» назарияси билан боғлиқ ҳолда, муниципал (ўзини ўзи бошқаришга доир) концепция ҳам пайдо бўлди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва кўрикловчи ижтимоий хизмат кўрсатиш воситаси сифатида қаралди. Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда муниципал кенгашлар мақоми ҳукукий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувдан юқори қўйилган бўлиб, уларнинг ваколатига қуйидагилар киради: маҳаллий бюджетни қабул қилиш, юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар қабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни белгилаш.

АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муниципалитетлар муҳим ўрин эгаллайди. Муниципал мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, санитария ишлари, сув билан таъминлаш, парклар, ёнғинга қарши хизматларни бошқариш асосан муниципал кенгашлар тасарруфидадир. Айрим мамлакатларда (масалан, Германияда) кенгашлар ўз ваколатларини ижроия органларига бериш ҳукукига ҳам эга.

Собиқ иттифоқ даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай сохталаштирилган эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳукукий мақомини йўқотди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатимизда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукукий мақомини олди. Жумладан, мустақиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

> *Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.*
>
> **Ислом Каримов**

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор.

Ислом Каримов

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказишда маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди. Бу эса Президентимиз томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориш лозимлиги хусусидаги ғоянинг амалдаги тасдиғидир.

Мамлакатмизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар натижасида маҳалла институтининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу эса фуқароларимиз турмуш тарзининг янада яхшиланишида маҳалла институтининг ўрни ва роли нақадар беқиёс эканини кўрсатиб бермоқда. Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатидаги мавқеини янада ошириш, роли ва аҳамиятини тобора кучайтириш максадида Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукумат томонидан жуда кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Фақат бизга хос бўлган маҳалла институти бошқа давлатларда учрамайдиган, бетакрор миллий қадрият ва анъаналарга асосланган жамоавий тузилмадир. Маҳалла бошқаруви давлат ҳокимияти органлари билан чамбарчас боғликдир.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда:

— совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди;

— миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди;

— давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи амалга оширилди;

— фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти изчил йўлга қўйилди;

— эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни амалга оширилди.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида:

— мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди;

— Президент ваколатларининг бир қисми парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ўтказилди;

— Бош вазирнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан Ўзбекистон Президенти бир вактнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди;

— парламентдаги кўпчилик, парламентдаги мухолифат каби тушунчалар қонунда акс эттирилди;

— сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди;

— Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизми жорий этилди;

— парламентга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилди;

— давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилди ва бошқалар.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ХАЛҚАРО НУФУЗИНИНГ ОШИБ БОРИШИ

3.1. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этиш – мустақил тараққиётнинг муҳим шарти

Агар узоқ давом этган мустабид тузум даврида жаҳон аҳлининг аксарият қисми дунёда Ўзбекистон мамлакати, ўзбек халқи мавжудлиги тўғрисида оддий тасаввурга эга бўлмай келган бўлса, мустақилликнинг тарихан қисқа даврида биз эришган ютуқ ва натижалар Ватанимиз, халқимиз шуҳратини, бой миллий маданият ва тарихимиз, улкан маънавий ва иқтисодий салоҳиятимиз довруғини дунёга таратди. Бугунги кунда жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришишда, Президентимиз сўзлари билан айтганда, **«аввало, ўз қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати»** замин бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда, ўзига хос миллий тараққиёт йўли деб тан олинган ўзбек модели кўплаб ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, сиёсий арбоблари, етакчи мутахассислари томонидан кенг эътироф этилиб, юртимизга, хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали иқтисодий сиёсатга бўлган қизиқишни янада кучайтирмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқишда шахсан Президентимиз томонидан миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, миллий қадриятлар ва ғурурни қайта тиклаш, жамиятни тубдан янгилаш, янгича дунёқарашга эга бўлган авлодни – юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида жаҳондаги бошқа миллий моделлардан фақат иқтисодий соҳани эмас, балки давлат қурилиши, ижтимоий ҳаёт ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ҳам қамраб олгани билан фарқ қиладиган миллий тараққиётнинг ўзбек моделига асос солинди.

Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг афзаллиги унда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш борасида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида Ўзбекистон учун мақбул бўлган жиҳатлар, усул ва воситаларнинг умумлаштирилгани; тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда халқимизнинг менталитети, унинг миллий ва тарихий урф-одатлари, анъаналари, маданий мероси ва қадриятларининг тўлиқ эътиборга олингани; республикамизда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитларни, аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олингани; ислоҳотларни амалга оширишда халқнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик кучига бўлган ишончнинг мавжудлиги каби хусусиятларда намоён бўлади.

Баъзан 20 йиллик муддат тарих олдида бир лаҳзалик фурсат, деган сўзни айтамиз. Тўғри, лекин йигирма йил инсон ҳаётида, янги қадамларни қўйган мамлакат турмушида каттагина давр. Шу йигирма йил ичида Ўзбекистон ўз олдига қўйган асосий мақсадларига эришди. Ҳар бир йилимиз мазмун жиҳатидан улкан даврларга татийди, десак, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

Бугунги кунда эришилган муваффақият ва натижаларнинг ҳақиқий баҳосини англаб етиш, олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўғри ва асосли эканини тушуниш учун мустақил тараққиётимизнинг дастлабки палласидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яна бир бор эсга олиш муҳим ҳисобланади. Мазкур вазият Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли» рисоласида батафсил баён қилинган эди. Жумладан, мамлакатимиздаги буғдой ва ун захирасининг бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган ҳажмда колгани; мамлакатнинг амалда очарчилик остонасига келиб колгани, иқтисодиётнинг асосан хомашё тайёрлашга йўналтирилиб, бирёклама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга

тушиб колгани; хали янги миллий валюта жорий этилмаган шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инкирозга юз тутиши ва инфляциянинг кескин равишда ўсиб кетиши; пахта яккаҳокимлигининг юртимиздаги экологик ва ижтимоий вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйгани; оммавий ишсизликнинг кучайиб, аҳоли турмуш даражасининг ҳаддан ташқари пасайиб кетгани каби ҳолатлар зудлик билан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётни тубдан ўзгартириш зарурлигини кўрсатар эди.

Таркибий ислоҳотлар мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги, энг аввало, унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласига қаратилди. Статистик маълумотларга кўра, 1990 йили Ўзбекистонга 454,8 минг тонна ун, 183,9 минг тонна картошка, 1401 минг тонна сут маҳсулотлари ва шу кабиларни қўшни республикалардан олиб келишга мажбур бўлинган. Бундай ҳолат собиқ тузум даврида юритилган бирёклама иқтисодий сиёсатнинг натижаси эди. Бунинг эвазига Ўзбекистондан, асосан, пахта хом ашёсини етказиб бериш талаб қилинарди. Бироқ, бундай сиёсат мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлиги, унинг мустақиллигига жуда катта таҳдид солар эди.

Ўтган тарихий даврга разм соладиган бўлсак, яккаҳокимлик тизими ва унинг самарасиз хўжалик механизми оқибатида республика халқ хўжалиги издан чиққан тузилишга, ишлаб чиқаришнинг паст техникавий даражасига эга бўлгани туфайли 1990 йилда республикалараро савдо айланмасида салбий сальдо 3,7 миллиард рублни ёки ялпи миллий маҳсулотнинг 11 фоизга яқинини ташкил қилган эди. Бундай ҳол аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келган эди. 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди.

Шуларни эътиборга олиб, Юртбошимиз ислоҳ қилиш жараёнини аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уни янги шароитга мослаштиришнинг кучли тизими билан мустаҳкамлаш зарур эканини назарда тутиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишидаги муҳим устувор принципларни белгилаб берди. Улар қуйидагилардан иборат:

- кишиларнинг фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш;
- иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан етарли даражада таъминлаган ҳолда, макроиқтисодий ўсиш ўртасидаги тенг нисбат;
- барча хўжалик юритувчи субъектларни бозор механизмидан фойдаланиш асосида иқтисодий бошқариш;
- ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бошқарилишидан узоқлашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга эркинлик бериш;
- инвестиция сиёсатининг устувор жиҳатларини танлаш ва чет эл сармоясини жалб этишда мақсадга мувофиқ шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини сақлаб қолиш;
- бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Юқорида қайд этиб ўтилган қалтис вазиятни бартараф этиш мақсадида мамлакатимиз раҳбари томонидан аҳолини энг аввало озиқ-овқат, хусусан, ун маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, экин майдонларининг катта қисми дон маҳсулотларига ажратилди. Агар мустақилликка эришилган йилларда пахта майдонлари республика умумий экин майдонларининг 75 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил этган бўлса, кейинги даврда пахта яккаҳокимлигини тугатиш ва қишлоқ хўжалик экинлари таркибини оптималлаштириш чора-тадбирлари олиб борилиши натижасида пахта майдонлари деярли 41 фоизга қадар қисқартирилди.

Натижада озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, тез орада юртимизда ғалла мустақиллиги қарор топди. Агар 1991 йилда 4003 минг тонна миқдордаги дон маҳсулотини импорт қилишга мажбур бўлган бўлсак, мустақилликнинг дастлабки олти йили ичида бу эҳтиёжни кескин равишда 5,4 баробар қисқартиришга, кейинчалик эса миллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондиришга эришилди. Ғалла ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдаги 1899 минг тоннадан 2010 йилда 6952 минг тоннага етди, яъни деярли 3,7 баробар ўсди (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. **Ўзбекистонда ғалла етиштириш ҳажмининг ўсиб бориши, минг тонна.**

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2000-2010 йиллар давомида деярли барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришилди. Жумладан, шу даврда дон ишлаб чиқариш ҳажми 3929,4 минг тоннадан 7747,1 минг тоннага ёки 197,1 фоизга, сабзавотлар 2644,7 минг тоннадан 6218,2 минг тоннага ёки 235,1 фоизга, полиз маҳсулотлари 451,1 минг тоннадан 1246,8 минг тоннага ёки 276,4 фоизга, мева 790,9 минг тоннадан 1696,4 минг тоннага ёки 214,5 фоизга, чорвачилик маҳсулотларидан гўшт ишлаб чиқариш 501,8 минг тоннадан 1461,4 тоннага ёки 291,2 фоизга, сут 3632,5 минг тоннадан 6169,0 минг тоннага ёки 169,8 фоизга ва тухум 1254,4 миллион донадан 3058,8 миллион донага ёки 243,8 фоизга ошди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи ҳисобидан тўла таъминланди. Агар 1990 йилда мамлакатимизда 2810 минг тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3700 минг тоннани ташкил этди (3.1.2-расм). Табиий газ ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тез суръатларда ўсиб, 1990 йилдаги 40761 миллион куб метрдан 2010 йилда 60111,5 миллион куб метр ҳажмига етди.



3.1.2-расм. **Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши, минг тонна.**

Эришилган бундай ижобий натижалар муқаррар равишда мазкур маҳсулотларни четга экспорт қилиш ҳамда тушган валюта маблағларига халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб келиш имконини берди.

Истиқлол даврида иқтисодиётда янги тармоқлар – автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, қанд-шакар, фармацевтика ва бошқа тармоқлар вужудга келди. Республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат каби тармокларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ўзгартиришда янги нефть конлари – Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСлари курилишининг жадаллаштирилиши, металл ишлаб чиқарилишининг кўпайтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республикамиз учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатининг ташкил этилиши билан Ўзбекистон Автотранспорт ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилотининг 33-тўлаконли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида республика ялпи ички маҳсулоти таркибида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 1,7 марта ошган бўлса, қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши 1,8 марта, транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши 1,5 марта, хизматлар соҳасининг улуши эса 1,3 марта ошди. Натижада ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизи саноат, 17,5 фоизи қишлоқ хўжалиги, 7 фоизи қурилиш, 7,7 фоизи транспорт, 12,4 фоизи алоқа соҳалари ҳиссасига, хизматлар бўйича эса бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга тўғри келди (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. **Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти таркибидаги ўзгаришлар.**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар, айникса, таркибий ўзгаришлар тез орада амалий натижаларини берди. Жумладан, миллий хўжалик иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган бир томонламалик ва инқироз ҳолатига барҳам берилди; иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари шакллантирилиб, ривожлантирилди.

Ўзбекистонда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши. Биз танлаган ислоҳотлар моделининг тўғри экани ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб бораётгани мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4

фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8-9 фоиздан юкори бўлиб келмокда (3.1.4-расм).

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги ва барқарорлиги борасида МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмокда. Ҳолбуки, хали айрим республикалар ялпи ички махсулот ишлаб чиқариш хажмининг 1991 йилдаги даражасига хам етгани йўқ.

Энг мухими, Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, мамлакатимиздаги ялпи ички махсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хомашё тармоклари хисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хомашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмокда.



***3.1.4-расм.* Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан, фоизда).**

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти, шу жумладан, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараёнларнинг кенг амалга оширилиши тараққиёт ва ўзгаришларга янги куч бахш этди. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифалари қисқартирилиб, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чекланди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга қулай иқтисодий шароит яратиш максадида солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилди. Агар иқтисодиётдаги солиқ юки 2000 йилда ЯИМга нисбатан 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб у 22 фоизни ташкил этди (3.1.5-расм).

Давлатнинг кўплаб бошқарув функцияларининг маҳаллий ва ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказилиши, солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджетга тушумларнинг кўпайиши, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш натижасида республикамизда узоқ йиллардан бери амал қилиб келаётган бюджет тақчиллигининг олди олинди, 2005 йилда ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз, 2006 йилда 0,5 фоиз, 2007 йилда 1,1 фоиз, 2008 йилда 1,5 фоиз, 2009 йилда 0,2 фоиз, 2010 йилда 0,3 фоиз миқдоридаги профицит таъминланди.

Иқтисодий ислоҳотлар орқали энг аввало, иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг мухим воситаси ҳисобланган мулкчилик муносабатларини мазмунан ўзгартиришга ҳаракат қилинди. Режали иқтисодиёт шароитида, асосан, давлат мулки монополиясининг ҳукмронлиги ва бу муносабатларга ўта расмиятчилик билан ёндашув

мулкчилик муносабатларининг самарадорлигини дсярли йўққа чиқарган эди. Шунга кўра, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналиши кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди.



***3.1.5-расм.* Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариш динамикаси (ЯИМга инсбатан фоизда).**

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борадаги ислоҳотларнинг аниқ мақсадга йўналтирилгани, ҳар томонлама асосланган ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан, 1991-2000 йилларда 83,5 мингдан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштирилган бўлса, 2001-2009 йиллар мобайнида 8919 та давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улардан тушган пул маблағлари ҳажми 630 миллиард сўмни ташкил этди. Биргина 2010 йилнинг ўзида 96 та корхона ва объектлар хусусийлаштирилган бўлса, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 23 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур маблағларнинг барчаси корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби тадбирларга йўналтирилди. Бугунги кунда рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулк шаклидаги корхоналарининг улуши 92,7 фоизга етди. Бундай корхоналарнинг 54,3 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизини акциядорлик жамиятлари, 16,4 фоизини бошқа турдаги корхоналар ташкил этди.

Мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши жадал суръатларда амалга ошиб, тез орада ижобий натижалар берди. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг нодавлат сектори катта салмоққа эга бўлиб борди. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 81,7 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси энг юқори салмоқ – 99,9 фоизга етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган алоҳида эътибор ҳам самарали бўлди. Маълумки, кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён этиб, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши

каби хусусиятлари унинг иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди. Мазкур соҳа тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши, нисбатан арзон кредит ресурсларининг тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес корхоналарининг сони сезиларли даражада ошиб борди. Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг 1 январига келиб, бу кўрсаткич (фермер хўжаликларидан ташқари) 224,2 мингтага етди, яъни деярли 14 баробар ўсди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилда 52,5 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31 фоизни ташкил этган эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги даражасини оширишдаги роли ҳам муҳим ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни пайтда даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланиши учун моддий пойдевор яратади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият ҳам кенгайиб бормоқда: 2000-2010 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 3,3 марта ошди. 2011 йилнинг 1 январига келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони 8639,3 минг кишини, шу жумладан, якка тадбиркорлар 6666,5 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар сони 1972,8 минг кишини ташкил этди. Ушбу соҳа вакиллари томонидан 2002 йилда 369,3 мингта, 2005 йилда 434,2 мингта, 2006 йилда 290 мингта, 2009 йилда 390 мингта, 2010 йилда 480 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, бугунги кунда республикамизда янги яратилаётган иш ўринларининг ўрта ҳисобда 65 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. 2000 йилда ҳар 1000 аҳолига 6 та фаолият юритаётган субъектлар сони тўғри келган бўлса, мазкур кўрсаткич 2010 йилга келиб 15,1 тани ташкил этган.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ернинг ҳақиқий эгаси, омилкор ва тадбиркор мулкдорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бу, асосан, фермерчиликни жадал ривожлантириш орқали амалга оширилди. Бунда зарар кўриб ишловчи ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини қайта тузиш асосида фермер ва деҳқон хўжаликларига айлантириш ўз самарасини берди. Ислоҳотлар даврида фермер хўжаликлари сонининг ўртача йиллик ўсиши 173,6 фоизни ташкил этди. Агар ислоҳотларнинг дастлабки палласи – 1993 йилда фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликларининг сони 7630 бирликдан иборат бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 66134 тага етди.

Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг ер майдонлари миқдорини мақбуллаштириш чоралари амалга оширилди. Бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 октябрига қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер майдони йириклаштирилиб, улар асосида 105033 та хўжалик ташкил этилди. Натижада битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27 гектар ўрнига амалда 56 гектар ер майдони тўғри келган бўлса, 2010 йилда фермер хўжаликларига бириктирилган ўртача ер майдони ҳажми 60,7 гектарни такшил этди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш. Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларидан фойдаланиш ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Агар 2004 йилда 201 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 135 та корхона иштирок этган бўлса, 2010 йилда 1076 та лойиҳа амалга оширилган. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилга нисбатан 40 фоизга ошган бўлса, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Қулай инвестиция муҳитининг яратилиши. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб

келмоқда. Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортиб бормоқда. Буни биргина 2010 йилда киритилган жами инвестициялар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга назар соладиган бўлсак, ўтган 2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўпдир. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.[91]

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (3.1.1-жадвал), 2010 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 7,4 фоиз; чет эл инвестициялари 28,8 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,3 фоизни ташкил этган.

3.1.1-жадвал

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й. (прогноз)
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Кўрсаткичлар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестицион дастурлар ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлмоқда. Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2010 йилда 2006 йилга қараганда 3,6 баробарга кўпайган. 2010 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 84 фоизини, ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар эса атиги 16 фоизини ташкил этган. Ваҳоланки, 2006 йилда ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 23,7 фоизини ташкил қилган. Бу Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада ошириш мақсадида 2009-2014 йилларга мўлжалланган иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш,

---

[91] «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Унда умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан иборат 852 та лойиҳа кўзда тутилган. Энг эътиборлиси, дастурдаги жами лойиҳалардан умумий қиймати 19,3 миллиард доллар ҳажмидаги 138 та лойиҳа инновацион тавсифга эгадир. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг яқин келажакда замонавий техника ва технологияларга, ишлаб чиқаришнинг илғор усулларига, фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланган, рақобатдош иқтисодиётга айланишидан дарак беради.

Банк-молия тизимининг такомиллаштирилиши. Банк тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида жаҳонда молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,5 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Кейинги йилларда банк тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида банк активлари 12 триллион 65 миллиард сўмни, тижорат банкларининг жами капитали 2 триллион 104 миллиард сўмни ташкил этди. Фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ошиб бораётгани, банклардаги аҳоли омонатларининг давлат томонидан кафолатлангани, энг муҳими, фуқароларнинг банклардан омонатларини ўз вақтида олаётгани, кредит ташкилотлари томонидан аҳолига 400 дан ортиқ қулай омонатлар турларининг таклиф этилиши 2010 йилнинг 1 январига қадар омонатлар миқдорининг 2 триллион 750 миллиард сўмга етишига замин яратди (3.1.6-расм).



3.1.6-расм. **Ўзбекистонда банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиш динамикаси.**

Айни пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори 6 триллион 372 миллиард сўмни, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 1 триллион 534 миллиард сўмни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 1 триллион 251

миллиард сўмни, ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар миқдори 135,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали ҳам намоён бўлади. Айтиш мумкинки, мустақил республикамизнинг ташқи иқтисодий фаолияти янгича мазмун ва йўналишларда деярли қайтадан ташкил этилди. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 1991 йил 1 январь ҳолатига атиги 30 тани ташкил этар эди. 2009 йилнинг бошига келиб бундай корхоналар сони 4,3 мингтадан ошиб кетди, яъни 145 баробардан зиёд ўсди. Агар ташқи савдо айланмаси 1995 йилда 6,6 миллиард АҚШ доллари ҳажмини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3,3 баробар ўсиб, 21,8 миллиард АҚШ доллари ҳажмига етди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида сўз юритар эканмиз, шу ўринда БМТнинг жаҳон мамлакатларида рўй бераётган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлари мазкур натижаларга янада реалроқ қараш, уларни муносиб баҳолаш имконини беради: «БМТ маълумотларига кўра, бугун жаҳоннинг 54 мамлакатида аҳоли 1990 йилга нисбатан камбағаллашган. 21 мамлакат аҳолисининг кўпчилиги очликдан азият чекмоқда. 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси пасайган. 12 мамлакатда болаларнинг бошланғич умумтаълим мактабларига қатнаш кўрсаткичи камайган. Дунёда 100 миллион бола мактабга қатнамайди»[92] (3.1.2-жадвал).

3.1.2-жадвал.

БМТнинг жаҳон мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумоти

Кўрсаткич	Миқдори
Аҳолиси 1990 йилга нисбатан камбағаллашган мамлакатлар сони	54
Аҳолисининг кўпчилиги очликдан азият чекаётган мамлакатлар сони	21
Аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси пасайган мамлакатлар сони	34
Болаларнинг бошланғич умумтаълим мактабларига қатнаш кўрсаткичи камайган мамлакатлар сони	12
Ҳозирда мактабга қатнамайдиган болалар сони	100 млн.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни илгари сурар эканмиз, мамлакатимизнинг ўтган йиллар давомида қўлга киритган ютуқ ва марралари асосини тўғри танланган ва босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган мустақил тараққиёт йўли, оқилона ва самарали иқтисодий сиёсат, юртимизнинг бой иқтисодий ресурс ва имкониятлари ҳамда халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик йўлидаги фидокорона меҳнатининг оқилона уйғунлиги, шунингдек, ҳар биримизнинг эртанги кунга, келажакка бўлган қатъий ишончимиз ташкил этаётганига амин бўламиз. Бу борада Юртбошимиз томонидан **«ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз»** деб алоҳида таъкидланган сўзлар бизни ўз мустақиллигимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоялаш, тинч ва осуда ҳаётни асраш, барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида янгидан-янги зафарларга, бунёдкорлик ишларига чақирувчи ўзига хос ҳаётий шиорга айланиши муқаррардир.

3.2. Мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши

Юртбошимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва мантиқий жараён. У, энг аввало, инқироз ва танглик ҳодисаларига йўл қўймасликка қаратилган. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда

[92] Раҳмонов Д. Ижтимоий хизмат нима? // Жамият ва бошқарув. – №3, 2009, 42-б.

танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг реал ўсиш суръатларини ифода этадиган мезон бўлиб хизмат қиладиган кўрсаткичларни яхшилаш, шу билан бирга, инқирозга олиб келиши мумкин бўлган ички сабабларни чуқур ўрганиш, эҳтимол тутилган чалғиш ва номутаносибликларга ўз вақтида эътибор қаратиш, зарур чора-тадбирларини фаол амалга ошириш ғоят муҳим[93].

Ўзбекистон мустақиллиги унинг иқтисодий тараққиётида янги давр – иқтисодий янгиланиш ва барқарор ўсиш даврини бошлаб берди. Юқорида зикр этганимиздек, Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг эгасига айланди, иқтисодий тараққиётда ўз йўлини танлаб олди, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, миллий манфаатларимизга мос ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини шакллантирди ва ниҳоят, халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди. Мустақиллик йиллари давомида иқтисодиётни янгилаш унинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини ўзгартиришдан иборат бўлди. Иқтисодиётни ислоҳ этиш натижасида давлат мулки қатъий чегараланди, нодавлат мулк шакллари ва, энг аввало, хусусий мулк юзага келди, унинг ривожланишига устувор аҳамият берилди.

Ўтиш даврида давлатимиз ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини ҳар томонлама рағбатлантиришга, яъни энг муҳим йўналишларнинг аниқланиши (нефть мустақиллиги, ғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказишга эътибор қаратди.

Ўзбекистоннинг шўролар давридан мерос бўлиб қолган, аграр-индустриал характерга эга бўлган иқтисодиёти қишлоқ хўжалигининг ва унинг маҳсулотларини қайта ишлашнинг ишлаб чиқаришда катта ўрин тутиши (65 фоиз) билан ажралиб турар эди.

Яқин мозийга назар ташлайдиган бўлсак, собиқ советлар исканжасида бўлган даврда Ўзбекистон асосан пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, СССРда етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини яратиб берарди. Шу тариқа у СССР саноат марказлари ва ҳатто, социалистик системанинг хомашё базасига айланиб қолганди. Республиканинг барча иқтисодий ресурслари пахта комплекси деб аталган мажмуага йўналтирилиб, хўжаликнинг бошқа соҳалари эътиборсиз қолдирилди. Пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши оқибатида республиканинг дон бўйича ва энг муҳим озиқ-овқат хомашёси турлари, жумладан, гўшт ва сут, яъни энг зарур озиқ-овқат таъминоти бўйича марказга, бошқа республикаларга қарамлиги вужудга келган эди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Пахта яккаҳокимлиги оқибатида илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди, ер ўз ҳосилдорлигини йўқотди, сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан, республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўп бўлса-да, уларни қайта ишловчи саноат тармоқлари ва корхоналар ривож топмади.

Саноат тармоқлари таркибий тузилишида ҳам чуқур номутаносиблик мавжуд эди. Саноатда тайёр маҳсулотлар улуши 50 фоизни ташкил этар эди, холос. Бу эса саноатнинг ҳам хомашё ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганидан далолат берарди.

Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишидаги номутаносиблик Ўзбекистонга юқоридан туриб зўрлаб тиқиштирилган ихтисослашув оқибати эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолди[94].

Мустақилликка эришгандан сўнг ёш республикамиз олдида жуда кўп муаммолар қаторида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳам

---

[93] **Каримов И.А.** Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: – «Ўзбекистон» – 1995 й., 197-б.

[94] **Абулқосимов Ҳ.** Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. –Т.: «Akademiya», 2008

кўндаланг турар эди. Юқорида баён этганимиздек, энг катта муаммо шунда эдики, собиқ Иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга шу чоққача кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойлардан олиб келинарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотларини нисбатан кўпроқ истеъмол қилади. Жумладан, 90-йилларда Ўзбекистонда ҳар бир киши йилига ўртача 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қилган бўлса, 1994 йилларга келиб бу рақам 152 килограммни ташкил этди. Ўзбекистонга йилига четдан ўртача 3 миллион тоннага яқин буғдой келтириларди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда ғалла тақчиллиги жиддий муаммога айланган эди. Атиги 12-15 кунга етгулик ғалла захираси қолган эди, холос.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Президент И.А. Каримовнинг қатъият билан иш юритиши натижасида тез кунлар ичида Россиядан 100 минг ва Украинадан 50 минг тонна дон келтирилди. Шу тариқа юз бериши муқаррар бўлган дон танқислиги муаммоси бартараф этилди. Шундан сўнг Юртбошимиз ғалла мустақиллиги ҳақидаги масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Ғалла мустақиллигига эришиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди ва атиги ўн йил ичида Ўзбекистон ғалла бўйича бошқаларга қарамликдан буткул халос бўлди. Баъзи давлатларга эса бунинг учун 30-40 йил керак бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Мустақилликдан сўнг иқтисодиётни қайта қуриш учун уни таркибий янгилаш йўли танланди ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни жиддий қисқартириш; экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш; мамлакатнинг халқаро бозордаги рақобатлашув салоҳиятини ошириш; юртимиздаги хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, истеъмолга тайёр маҳсулотларни кўпайтириш йўналишларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

3.2.1-жадвал

Ўзбекистоннинг айрим муҳим маҳсулотлар билан таъминланиш бўйича кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткич	1991 й.	2010 й.
Иқтисодиётнинг маҳаллий ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминланиши	70-75	100
жумладан, нефть маҳсулотлари билан таъминланиши	30-35	100
Иқтисодиётнинг юртимизда етиштирилган ғалла ресурслари билан таъминланиши	15-18	100
Мустақил қайта ишланаётган олтин рудаси	0	100

Натижада Ўзбекистоннинг индустриал салоҳиятини сақлаб қолиш ва оширишга, унинг мустақиллигини кучайтиришга эришилди. Ўзбекистон иқтисодиётининг ихтисослашуви унинг миллий манфаатларига бўйсундирилди. Мамлакатимизнинг бундай стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар билан таъминланишига, албатта, Президентимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган дастур ва вазифаларнинг изчил бажарилиши муҳим аҳамият касб этди.

Бу борада иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омил бўлди. Ҳеч кимга сир эмаски, инвестициялар иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръати ва кўламига таъсир этади, илмий-техник тараққиётни ва аҳолининг кўп қисмининг бандлигини таъминлайди. Бунга сабаб иқтисодиётимиздаги институционал ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилиши ва ривожланиши кўпинча инвестицион фаолликка боғлиқ

бўлади. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш ва амалда фаолият юритувчиларини қўллаб-қувватлаш ҳам инвестиция асосида амалга оширилади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, инвестициянинг энг муҳим тури бўлган чет эл инвестицияларини жалб қилишга катта эътибор берилди. Бунда чет эл сармояларини жалб этиш Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга асосланди:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикамиз замонавий технологияларни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг янгича таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан барча қулай шароитларни яратиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.[95]

> *...Стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан якунланди.*
>
> *Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунингдек, электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.*
>
> **Ислом Каримов**

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланиб улгурди.

Шу ўринда электр ва газ тармоғини барпо этиш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларининг мамлакатимиз учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида:

1) мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари якунланиб, улардан узлуксиз ва тежамли фойдаланишни назорат қилиш ва таъминлаш;

2) Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш;

3) электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имкониятлари қўлга киритилди.

Хусусан, мамлакатимизда электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини замонавий талаб даражасида йўлга қўйиш борасида:

– меъёрдагидан ортиқча ёки кам қувват билан ишлаётган 283 та трансформатор подстанцияси янгиларига алмаштирилди (ушбу тадбирларга 2,9 миллиард сўм маблағ сарфланди);

– меъёрдагидан ортиқча қувват билан ишлаётган 308 километрлик электр тармокларини алмаштириш ишлари амалга оширилди (1 миллиард сўм);

– ҳудудларда жами 964,2 километрлик газ тармокларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди;

– 2,3 минг километрлик сув тармокларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди;

– 366 та қишлоқ аҳоли пунктида ичимлик суви объектлари қуриб фойдаланишга топширилди (19 миллиард сўм).

---

[95] **Каримов И.А.** Ўзбекистон буюк келажак сари – Т.: Ўзбекистон, 1998, 277-бет.



5.3.1-расм. **Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.**

Барчамизга маълумки, мустақилликни қўлга киритишимиз асосида эски мустабид тузумнинг барҳам топиши, энг аввало, мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб, қолаверса жаҳоннинг турли нуқталари билан туташтирувчи, қулай, самарали ва энг муҳими, ишончли автомобиль йўллар тизимининг барпо этилишини тақозо этар эди. Шунга кўра, ҳозирги кунда юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42530 километрга етди (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги

Йўл турлари	Узунлиги, км
Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари	42530
Шаҳарлар ва бошка аҳоли пунктлари кўчалари	61664
Хўжалик автомобиль йўллари	79367
шу жумладан:	
– ички хўжалик йўллари	67274
– корхоналарга қарашли йўллар	12093

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 51 фоизи маҳаллий аҳамиятдаги, 40 фоизи давлат аҳамиятидаги ва 9 фоизи халқаро аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади.

Маълумки, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимидан бошланиб, кўплаб ривожланган мамлакатларнинг молия тизимини ишдан чиқарган, кейинчалик иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳага сезиларли таъсир кўрсатиб, катта талофатлар етказган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг дастлабки палласидаёқ Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириш бошлаб юборилган эди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарида мазкур дастурда белгиланган қуйидаги комплекс чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган эди:

1) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

2) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

3) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

4) электр энергетикаси тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

5) жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш[96].



3.2.2-расм. **Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.**

Инқирозга қарши чоралар дастуридан ўрин олган ва ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (3.2.2-расм).

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга

---

[96] **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31–34-б.

қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

3.3. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш – пировард мақсадимизга эришишнинг асосий кўрсаткичи

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 миллион кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони - янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб топгани ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келаётганидир.

Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юқори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайгани ҳисобланади.

Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда ўртача иш ҳақи 2000 йилга нисбатан 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятидан янада самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Ижтимоий эҳтиёжларни қондириш жараёни аҳоли ҳаёт фаолияти учун шароитлар яратади. Бу шароитлар «турмуш сифати» тушунчаси билан тавсифланади. Турмуш сифати кўплаб омиллар таъсирида шаклланади (3.3.1-расм).

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларга қулайликлар яратиш жараёнида хонадонларни газлаштириш ва аҳоли учун етказиб бериладиган табиий газ нархини белгилаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз аҳолисига табиий газ қўшни давлатларга нисбатан арзон нархларда етказиб берилади. Масалан, аҳолига 1 минг $м^3$ ҳажмдаги табиий газни сотиш учун Қирғизистонда 309 доллар, Тожикистонда 303,5 доллар, Қозоғистонда 100-140 доллар, Ўзбекистонда эса 30 доллар нарх белгиланган.



3.3.1-расм. **Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.**

Шунингдек, мустақилликка эришилгач, аҳоли уй-жойлари ва хонадонларни газлаштиришга катта эътибор қаратилди. Айниқса, бу борада шаҳар ва қишлоқларнинг газ билан таъминланиш даражаси ўртасидаги тафовутни кескин қисқартиришга аҳамият берилди.

Бунинг натижасида 2010 йил 1 январь ҳолатига республикамиздаги хонадонларнинг газ билан таъминланиш даражаси шаҳар жойларда 85 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78,7 фоизни ташкил этди. Шу кунга қадар жами газлаштирилган хонадонлар сони 4270,6 мингтани ташкил этиб, шундан 2419,8 мингта хонадон шаҳарда, 1850,8 мингта хонадон қишлоқда жойлашган.

3.4. Молия-банк тизими ликвидлигининг мустаҳкамланиши ва барқарорлигининг кучайтирилиши

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш соҳасига инновацион технологияларни кенг жорий этиш натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда макроиқтисодий тартибга солиш тизимининг муҳим воситаларидан бири бўлган давлат бюджетининг аҳамияти ғоят юксакдир.

Амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсати, биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, амалдаги фаол ижтимоий сиёсат ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда давлат бюджетига алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, ушбу вазифаларнинг самарали ижроси таъминланмоқда.

Кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлат молия тизими фаолиятининг барқарорлиги кузатилди.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг иқтисодиётга кўрсатадиган рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида солиқ тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга қаратилган ижобий таъсирини ошириш борасидаги ислоҳотлар устувор аҳамиятга эга бўлди. Корхоналар учун солиқ юкини, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкаларини камайтириш орқали иқтисодиётдаги соғлом муҳитни кучайтириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишни янада жонлантириш таъминланди. 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар учун фойда солиғининг 10 фоиздан

9 фоизга туширилиши натижасида улар ихтиёрида 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар қолдирилишига, пировардида эса ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини янада мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини янада енгиллаштиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда аҳоли харид қобилиятининг ошишига замин яратилди. Солиқ сиёсатидаги ушбу жараён кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўловини камайтириш орқали давом эттирилиб, 2011 йил учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, жорий йилда кичик бизнес субъектларига 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имконини беради.

2008 йилда иқтисодиётдаги умумий солиқ юки (давлат бюджетининг мақсадли фондлари билан биргаликда) 33,5 фоизни, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 31,5 фоизни ташкил этди. 2011 йилда эса унинг ҳажми 30,1 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Солиқлар бўйича берилаётган имтиёзлар натижасида давлат бюджетининг ЯИМдаги улуши 2010 йилда 22,1 фоизни ташкил қилган. 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 20,9 фоиз бўлиши кўзда тутилмоқда.

2010 йилда ҳам солиқ сиёсатида етакчи тармоқ корхоналарини молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1306-сонли Қарорига мувофиқ иқтисодиётнинг 12 та энг муҳим базавий тармоғи бўйича 180 дан ортиқ корхонага солиқ тўловлари бўйича солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилди ва уларнинг муддатлари узайтирилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг солиқдан бўшаган маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестицияларни молиялаштириш учун максадли йўналтириш имкониятлари вужудга келди.

Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқариш самарадорлиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аксарият мамлакатларда давлат молия тизимининг долзарб муаммоларидан бири – давлат бюджетининг тақчиллиги муаммосидир. Бизнинг миллий иқтисодиётимиздаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатининг таъминланиши иқтисодиётдаги соғлом молиявий муҳитнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда.

Натижада давлат бюджети ўртача ЯИМга нисбатан 1 фоиз тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, давлат бюджетининг самарали ижроси натижасида у профицит билан якунланмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодиётда ва хусусан, давлат молия тизимини ислоҳ қилишда олиб борилган ислоҳотлар натижасидир. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (3.4.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Европанинг айрим мамлакатларида бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори миқдорни ташкил қилаётган бир шароитда Ўзбекистон Республикасида 2007 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда.

2010 йилда давлат бюджети 0,3 фоиз профицит билан бажарилди. Давлат бюджетининг профицит билан бажарилишида давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимининг ҳам аҳамияти улкандир. Хусусан, ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг оширилишига олиб келмоқда. Давлат молиявий ресурсларининг ғазна ҳисоб варақларида жамланиши, давлат молиявий ресурсларини оператив бошқариш имкониятларини, уларнинг сарфланиши бўйича назорат тизимининг такомиллашувига олиб келмоқда. Натижада бюджет интизоми мустаҳкамланди ва бюджет маблағларини максимал даражада иқтисод қилиш имкониятлари юзага келтирилмоқда.

3.4.1-жадвал

Айрим мамлакатларда бюджет тақчиллиги, ташқи қарзларнинг ҳолати тўғрисида маълумот

ЯИМга нисбатан

Мамлакатлар	Бюджет тақчиллиги	Ташқи қарз
Италия	5,3 фоиз	115,8 фоиз
Франция	7,5 фоиз	78,0 фоиз
Португалия	9,3 фоиз	76,0 фоиз
Испания	11,1 фоиз	91,0 фоиз
Буюк Британия	11,4 фоиз	68,0 фоиз
Греция	15,4 фоиз	115,1 фоиз
Ирландия	32,0 фоиз	116,0 фоиз
Ўзбекистон	***0,3 фоиз профицит***	***10,0 фоиздан камроқ***

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Ташқи қарзларнинг умумий миқдори эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан кам миқдорни ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида турли иқтисодий самарасиз спекулятив кредитлардан воз кечиш ҳисобидан оқилона қарз сиёсати олиб борилгани билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш - уларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамиятини оширишнинг молиявий омили сифатида. Банкларнинг капиталлашув даражасининг оширилиши, банк ликвидлигининг ортиб бориши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда инвестиция кредитлари орқали банклар иштирокини таъминлашнинг фаоллашувига, уларнинг барқарор ресурс базасини шакллантиришга хизмат қилди. Инвестициялашнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун 2010 йил ҳам 2009 йил каби ўзига хос ислоҳот ва ўзгаришларга бой бўлди. Бунда асосан тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш ва молиявий инқирозга қарши курашиш борасида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, ушбу ютукларга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан банк тизимига, банкларнинг капиталлашувига алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида эришилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капиталини камида 20 фоизга ошириш ва яқин 2 йилда жами банклар капитали даражасини ЯИМга нисбатан 10 фоизга етказиш кўзда тутилган эди.

Шу билан бирга, 2010 йилда ҳам тижорат банклари томонидан яна 250 миллиард сўмлик қўшимча акциялар муомалага чиқарилиб, банкларнинг устав капиталини ошириш режаси белгилаб берилган эди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро Базель-2 стандартлари бўйича бегиланган нормадан 3 баробардан кўп бўлди. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди ва бугунги кунда 3 триллион сўмдан ошиб кетди.

Натижада тижорат банкларининг жами капитали 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 триллион сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари кредитлари ва уларни кўпайтириш. Мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискини маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1317-сонли Қарорига асосан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида 2010 йилда жами 3,2 триллион сўмлик кредит ресурсларини ажратиш белгилаб берилган. 2010 йилда тижорат банклари томонидан корхоналар ва тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестицион кредитларнинг миқдори 3,1 триллион сўмни ташкил этиб, йиллик режанинг 96 фоизи бажарилди.

Тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарга, янги инвесторларга сотилгунга қадар улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга бир қатор ҳуқуқлар берилган.

Сўнгги йилларда банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Банк активлари 2009 йилга нисбатан 32,1 фоиз ўсиб, 20,7 триллион сўмдан ошиб кетди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 11,5 триллион сўмдан ошиб кетди.

Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1166 сонли Қарорига биноан тижорат банкларига қуйидаги имтиёзлар берилди:

- 2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;
- тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар – йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш.

Банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тижорат банклари ҳамда янги ташкил топаётган кредит институтлари ўртасида тенг ва соғлом рақобат муҳити шакллантирилмоқда. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларининг активларини бошқариш стратегиясини тўғри танлаш, мажбуриятларини ўз вақтида бажариш ва шу асосда юқори даромадга эришиш имкониятларини оширмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда

юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438 сонли Қарорида сўнгги йилларда юртимизда банк-молия тизими ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилган. Бунинг натижасида бугун мазкур тизим жадаллик билан ривожланиб, банкдан ташқари кредит ташкилотлари хизматларидан фойдаланаётган аҳоли сони тобора кўпайиб бормоқда.

2011 йилнинг 1 январига қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жами 209 та банкдан ташқари кредит ташкилоти, хусусан, 116 та кредит уюшмаси, 35 та микрокредит ташкилоти ва 58 та ломбард фаолият юритиб келмоқда.

Банкдан ташқари кредит ташкилотларининг кредит портфели 2011 йилнинг 1 январигача 304 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 58 фоизга кўпдир.

Аммо банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатдан юксалтириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Шу боис мамлакатимиз Президенти томонидан хусусий банклар, хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, микромолиявий ташкилотлар, кредит уюшмалари каби банкдан ташқари ташкилотларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш талаб этилмоқда.

Шунинг учун айни пайтда мамлакатимизда «Хусусий банк ва молия институтлари ва улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш. Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга ошириб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор», деб таъкидлаб ўтган эди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари кўрилаётгани, қулай омонат турлари таклиф этилаётгани, уларнинг банклардаги жамғармалари қонун билан кафолатлангани ва ўз вақтида қайтарилаётгани омонатлар миқдорининг 2009 йилга нисбатан 52,6 фоиз ошиб, ҳозирга кунда 4,4 триллион сўмга етишига пухта замин яратди. Бу фуқароларимизнинг банк тизимига бўлган юксак ишончидан далолат беради.

Айниқса, бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан, пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди.

Ўз навбатида, пластик карточка ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажми йилдан-йилга юқори суръатларда ошиб бориши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 7,9 миллион донадан ошиб кетди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони эса 85 минг 741 тага етди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолининг пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишини рағбатлантириш борасида бир қанча қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли Қарорининг 1-банди, 2-хатбошисига мувофиқ, банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2010 йилнинг 1 январигача банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хомашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахслардан жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган қуйидаги ставкаларини татбиқ этишни кўзда тутган:

- муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 80 фоизи миқдорида;
- муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича - умумжорий этилган нормаларнинг 70 фоизи миқдорида.

Қуйидагилар:

- тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортилишдан;
- тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан ундириб олинадиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;
- лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилди.

Шу тариқа ҳозирги кунда мамлакатимиз банклари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва мижозлар ишончини янада ошириш борасида мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

3.5. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш – миллий тараққиёт янги босқичининг асосий мазмуни ва шарти

Бугунги кунда мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил равишда давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олганидан кейинги тарихан қисқа давр ичида демократик жамият ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантириш йўлида улкан ишлар амалга

оширилди ва салмоқли натижалар қўлга киритилди. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилгани, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилгани бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

*Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (*2010 йил 27 январь) *маърузасида* Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганини таъкидлаб ўтди.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

"Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009–2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.[97]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнининг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда модернизация жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш муҳим ўрин тутади.

Чунки миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имкониятлари ва салоҳияти айнан ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Бироқ, шу билан бирга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳот ва модернизация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

Шу ўринда модернизация жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизация қилиш, энг аввало, ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб борувчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқ.

Президентимиз томонидан илгари сурилган тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада

---

[97] Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

кенгайтириш вазифасини ҳал этиш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф қилиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини яратади.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

2000–2009 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди.

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизга пасайишига олиб келди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармокларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармокларини жадал янгилаш масалаларига эътибор ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий окибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар, асосан, қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар негизида бажарилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги «2007–2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори;
- 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009–2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармокларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик кайта жиҳозлашга боғлиқ. Айнан шу борада Президентимиз Ислом Каримов «Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармокларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади», деган фикрни таъкидлаб ўтди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози турли мамлакатлар иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатишда давом этаётган бир вақтда фан ва технологияни жадал ривожлантириш ва унинг ютукларидан самарали фойдаланишга талаб тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари

муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради.

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган асосий вазифалар ҳисобланмиш ислоҳотларни давом эттириш, чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш каби долзарб масалалар жорий йил учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инқирозга қарши чоралар дастурига биноан мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш, биринчи навбатда ички манбаларни йўналтириш асосида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иккинчидан, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш, учинчидан эса, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилган эди.

Барча қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган дастурлар аввало, аҳоли эҳтиёжини тўла-тўкис ва сифатли товарлар билан таъминлашга қаратилган бўлади. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли Қарори ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, унда асосан қуйидагиларга кўпроқ эътибор қаратилган:

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилган муҳим устувор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилашдан иборат экани белгилаб берилди. Маърузада 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани ҳамда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётгани қайд этилди.

Шу жумладан, 2011 йилда 35 тадан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини якунлаш ва уларни фойдаланишга топшириш вазифаси ҳам ушбу маърузада қайд этиб ўтилди. Бу корхоналарга мисол тарзида «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда йилига 225 минг дона автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхона, «Индорама» компанияси билан ҳамкорликда эса, якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган тўқимачилик комплекси, умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат бўлган яна бир қатор тўқимачилик комплексларини келтириш мумкин.

Тошкент шаҳрида кўп ўринли «Мерседес-Бенс» йўловчи автобусларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва «Шўртан нефть-газ» унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатиш, Олмалиқ ва Навоий комбинатларининг корхона ва ишлаб чиқариш қувватларини техник қайта жиҳозлаш, Бекобод металлургия комбинатини модернизация қилиш ва бошқа шу каби муҳим лойиҳаларни амалга ошириш ҳам маърузада кўрсатиб ўтилди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муассасаларининг замон талаблари даражасида фаолият юритишини таъминлаш мақсадида 2011 йилнинг охирига қадар, идоравий мансублигидан қатъи назар, барча йирик корхона ва ишлаб чиқариш қувватларида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар билан алмаштирилиши лозим бўлган ускуна ва технологияларнинг рўйхатини аниқлаш мақсадида уларни техник аудитдан ўтказиш дастурларининг бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси назоратига топширилди.

Маърузада модернизация сўзининг нотўғри тушуниб келинаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Ислом Каримов бу мавзуга тўхталиб, «Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз», деб қайд этди.

Модернизация сўзининг туб маъносидан келиб чиққан ҳолда, нафақат саноат, балки иқтисодиётнинг барча тармоқларини янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, объектларни янги талаб ва меъёрларга, техник шартларга, сифат белгиларига мос ҳолатга келтириш лозим. Аммо баъзи ўринларда мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масалалари кўпроқ саноат тармоғига тааллуқли, деган фикрлар ҳам шаклланиб қолди. Маърузада саноат билан бир қаторда иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Қуйидаги лойиҳалар вилоятлар кесимида тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар ҳисобланади:

❖ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида – нефть ва газ саноатини модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар;

❖ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида – Хонжиза конида полиметалл рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (ОТМК);

❖ Қашқадарё вилояти, Шўртан ГККда тозаланган метандан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш ва Талимаржон ГЭСини кенгайтириш учун қуввати 450 МВт бўлган иккита газ-буғ ускунасини ўрнатиш;

❖ Навоий вилоятида аммиак ва корбамид ишлаб чиқарадиган қурилиш;

❖ «Навоий» эркин индустриал зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва бошқалар;

❖ Навоий ва Самарқанд вилоятларида – Зармитан олтинкон зонасида қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (НКМК);

❖ Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида – енгил саноат ва чарм пойабзал саноатини модернизация қилиш дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар;

❖ Тошкент вилоятида Джи Эм Пауэртрейн автомобиль двигателларини ишлаб чиқариш заводи (Ўзавтосаноат) ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг саноат тармоғини модернизация қилиш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторига Президентимизнинг «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори ҳам ушбу соҳани янада ривожлантиришга асос бўлади.

Қарорга мувофиқ, жами қиймати 47,5 миллиард АҚШ долларига тенг 519 та лойиҳа, шу жумладан, 2011 йилнинг ўзида 5,58 миллиард АҚШ доллари қийматидаги 334 та лойиҳа бажарилиши режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш борасида аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш муҳимлиги, бу соҳада қилинаётган ишларнинг кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган объектларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги эътироф этилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами суғориладиган ерларнинг деярли 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Суғориладиган ерларнинг 23 фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келиши маълум бўлди.

Маърузада мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражага келган ерларни яхшилаш ва унумдорлигини оширишга қаратилаётган инвестициялар ҳажмини келгуси даврларда тобора кўпайтириб бориш даркорлиги айтиб ўтилди. Айни пайтда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадорликни ошириш,

замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш борасидаги ишларни тартибга солиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг бўлишига қарамасдан, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларида замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ҳамда бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларини татбиқ этиш суст даражада бажарилмоқда.

Чорвачилик соҳасида эришилаётган натижалар борасида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилди, яъни сут соғиб олиш бўйича кўрсаткич Дания ва Жанубий Кореяда ўртача 8–9,5 минг килограммни, Венгрия, Германия, Голландия мамлакатларида эса 6–7 минг килограммни ташкил этса, бизнинг республикамизда бу рақам 1,7 минг килограммдан ошмаётгани таъкидлаб ўтилди.

Бу ҳол фақатгина иқлим шароитига эмас, балки шу соҳада фойдаланиб келинаётган техника ва технологиялар даражасига ҳам боғлиқ. Шунинг учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда қўллаш масалалари билан чуқур шуғулланиш, селекция ишларини тобора такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигида унумдорлик кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган чопиқ тракторларининг 55 фоизидан кўпроғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг қарийб 46 фоизидан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётгани, уларнинг қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермаслиги аниқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигига тегишли шунга ўхшаш долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида маърузада қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда ер унумдорлигини ошириш бўйича махсус дастур тайёрлаш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалигида техник ва технологик қуроллантириш ишларини бажаришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан чуқур фойдаланиш ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш лозим. Бу борада Президентимиз Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга эътибор қаратилишини айтиб ўтди.

Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида фикр юритар экан, асосий эътиборни иқтисодиётга киритилган инвестициялар ва уларнинг салмоғига қаратди. Маълумки, иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялар ҳажми ва уларнинг архитектураси муҳим аҳамият касб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодий сиёсати истиқболини белгилаб беришда устувор йўналишлардан бири сифатида инвестицияларни кенг жалб этиш, айниқса, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитларни яратишга эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш изчил давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестициялар учун барча қулайликларни яратиш сиёсатини ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётан инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни биргина 2010 йилда киритилган жами инвестициялар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга назар соладиган бўлсак, ўтган 2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич

2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўпдир. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлаштириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида»ги 1213-сонли Қарори[98] тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш давомида 2010 йилнинг ўзидаёқ барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал аҳамиятга эгадир.



***3.5.1-расм.* 2006–2010 йиллар давомида давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси, миллион АҚШ доллари.**

Биргина 2010 йилнинг ўзида Инвестиция дастури доирасида 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «М-300» русумидаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши», «Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш» каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» компаниясининг бир қатор янги объектларни барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.[99]

---

[98] «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», 2009 й., 10-сон, 403-модда.

[99] «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини



3.5.2-расм. **2005–2010 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси, миллион АҚШ доллари.**

> *Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.*
>
> **Ислом Каримов**

Юкорида келтирилган расмдан кўриш мумкинки, 2010 йилда иқтисодиётга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар 2009 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошган ва унинг катта қисми, яъни 60,1 фоизи нефть-газ тармоғини модернизация қилишга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуриш ва геология қидирув ишларига сарфланган. Агар ушбу кўрсаткич таҳлилини 2005 йилга нисбатан оладиган бўлсак, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар 2010 йилда қарийб беш баробарга кўпайганини қайд этиш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган умумий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 25 фозини ташкил этгани тўғрисидаги таҳлилларини давом эттирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 6,8 фоизини ташкил қилмоқда. Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи ижобий омиллардан бири сифатида сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни ва инвесторлар ҳукукларининг ишончли кафолати таъминланганини санаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқар экан, бир қатор муайян манфаатларни кўзлайди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатга хориждан янги технологиялар, ускуналар, «ноу-хау»ни олиб киришга, чет эллик мутахассислар, эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини оширишга эришиш мумкин.

Шунингдек, хориж сармоялари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш ўринларини яратади, янги техника ва технологияларни иқтисодиёт тармокларига олиб киради, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар таҳлили. Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутади. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор

оширишга хизмат қилади». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил. 22 январь. № 16 (5183).

қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан самолётсозлик, электроника ва радиоэлектроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, енгил ва озик-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди.

3.5.1-жадвал

Инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръати

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011*
Амалдаги баҳоларда, жами, миллиард сўм	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9	15409,1	20721,8
Жорий йилга нисбатан фоиз ҳисобида	107,0	109,1	122,9	128,3	124,8	109,2	112,6
ЯИМда инвестиция миқдори, фоизда	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1	24,9	26,8
Марказлашган инвестициялар амалдаги баҳоларда, миллиард сўм	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9	2855,3	4696,5
Капитал қўйилмаларда марказлашган инвестициялар миқдори, фоизда	23,9	23,1	20,1	20,0	20,1	18,5	22,7
Марказлашмаган инвестициялар амалдаги баҳоларда, миллиард сўм	2409,4	3109,0	4380,0	6870,1	10014,1	12553,8	16025,4
Капитал қўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар миқдори, фоиз	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9	81,5	77,3

Эндиликда Президент И.А.Каримов томонидан чуқур асослаб берилган принцип ва қоидалар негизида бошланган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мўлжалланмоқда:

- мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;
- юқори технологияни ва илмий янгиликлар асосидаги ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш.[100]

2010 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми амалдаги баҳоларда жами 15409,1 миллиард сўмни ташкил этди (3.5.1-жадвал). Ушбу кўрсаткич 2011 йилда 20721,8 миллиард сўмни ташкил этиши ва ўтган 2010 йилга нисбатан 12,6 фоизга ортиши режалаштирилмоқда.

Умумий инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг улуши таҳлил қилинаётган, яъни 2010 йилда 18,5 фоизни ташкил этган, унинг қолган 81,5 фоизи эса

[100] **Абулқосимов Ҳ.П.** Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. – Т., Akademiya, 2008.

марказлашмаган инвестициялардан иборат бўлган. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар 2002 йилда бошқача нисбатни ташкил қилган, яъни мос равишда марказлашган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 20,8 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 76,1 фоизини ташкил этган. Бундан кўриш мумкинки, ўсиш суръатида ялпи инвестициялар бўйича марказлашган инвестицияларнинг улуши камайиб борган.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида инвестицияларнинг ўрни ва роли. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мустақиллик йилларида мамлакатимизга 33,6 миллиард АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилган. Мазкур инвестицияларнинг барчаси асосан етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, охирги йилларда амалга оширилиши тугалланган йирик инвестицион лойиҳаларни келтириб ўтадиган бўлсак, улар қуйидагилардир:

- Янги русумдаги 480 дан ортиқ «MAN» оғир юк автомобиллари ҳамда 7797 дона «Спарк М300» енгил автомобиллари ишлаб чиқарилди (инвестиция ҳажми – 31,3 миллион доллар ва 3 миллион евро);
- Йилига 30 миллиард куб метр газни транзит қилиш қувватига эга бўлган «Ўзбекистон-Хитой» газ қувури ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 3168,9 миллион доллар);
- Кўкдумалоқ конида йилига 6 миллиард куб метр йўлдош газларни утилизация қилиш станцияси қурилди (инвестиция ҳажми – 373 миллион доллар);
- Хаузак конида йилига 3 миллиард метр куб газни бирламчи тайёрлов мосламаси ишга туширилди (ЛУКОЙЛ билан ҳамкорликда) (инвестиция ҳажми – 302,8 миллион доллар);
- Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон йўналишидаги янги темир йўл (инвестиция ҳажми – 34,4 миллиард сўм);
- Навоий–Учқудуқ–Султон Увайстоғ–Нукус темир йўл линиясининг 6 та янги разъезди ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 6,8 миллиард сўм);
- Тўқимачи-Ангрен йўналишида янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 85,4 миллион доллар).

2010 йилнинг 15 декабрида мамлакатимиз Президентининг саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекс ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган:

- таркибий тузилма ҳосил қилувчи тармоқлар ва умуман, саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;
- Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг рақобатдошлигини ошириш, миллий саноат ва умуман, иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

2010 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

Ислом Каримов

• Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

• саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

• ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

• ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

• меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобидан саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

• саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.[101]

Ишлаб чиқилаётган янги инвестиция лойиҳалар рўйхати бўйича:

– **6,03 миллиард доллар** қийматга эга бўлган **99 та** йирик тармоқ лойиҳаси, – **412 миллион доллар**га тенг **442 та** ҳудудий лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар йили саноатни ривожлантириш учун ўртача 10 миллиард долларга тенг бўлган инвестицион маблағлар иқтисодиётга жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида янги иш ўринларини ташкил этишни ва қўшимча даромадларнинг шаклланишини, шунинг билан бирга, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган ЯИМнинг ўсишини таъминлашга ва натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу, авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва

[101] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил, 50-сон, 472-модда.

резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

– биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

– иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

– учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

– тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестиция ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (3.5.2-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 миллион АҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Бу газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

3.5.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш суръати

Йиллар	Хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)
2001	823,9	**96,5**
2002	516,5	**80,1**
2003	602,1	**166,7**
2004	754,6	**333,8**
2005	746,6	**545,5**
2006	895,7	**683,8**
2007	1009,3	**768,4**
2008	1700	**1258**
2009	2856	**2264**
2010	**3635,2**	**3107,9**

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар каторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмини ташкил этади, холос.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (3.5.3-расм).

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.



3.5.3-расм. **Бир қатор мамлакатларда акциядорлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини берадиган ҳиссаси.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

– 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

– 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

– 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмалар қисқа муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга киришган. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.
4. Хорижий инвестициялар.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (3.5.3-жадвал).

3.5.3-жадвал

2005–2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, *(фоизда)*

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2010 йилда 7,4 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 28,8 фоизга қадар кўтарилган.



3.5.3-расм. **Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2011 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм).**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатимиздаги мавжуд ички ресурслар кўламини кенгайтириш борасида Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағга эга бўлган ушбу Фонд стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бормоқда.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир.

Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг бешта энергия блокини йил давомида кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар киради.

Фонднинг хорижий шериклар билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион АҚШ долларлик иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтириш мумкин.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутади. Бунда чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга, миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш муҳим ўринда туради.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги бир қатор афзалликларга эга. Бунда, айниқса, жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасидаги географик жойлашуви, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар муҳим роль уйнайди.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

4-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ – МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

4.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ва ҳаракатлантирувчи кучи экани

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик қобилияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсон омилининг таркибий қисмини ташкил этади. Тадбиркор – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш борасида билим ва малакага эга бўлган, фойда олиш мақсадида таваккалчилик билан иш кўра олувчи ташаббускор шахс.

Тадбиркорларнинг муайян маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолияти тадбиркорлик фаолиятини ташкил этади.

Биз ҳаммамиз, мана шу залда ўтирганлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини албатта чуқур англаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида таърифланишича, «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият»[102].

Тадбиркорлик фаолияти асосида бир қатор шарт ва талаблар мавжуд бўлади.

Биринчидан, тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва «катализатор» вазифасини бажаради.

Иккинчидан, бизнесни юритиш жараёнида у мустақил қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади.

Учинчидан, тадбиркор – ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади.

Тўртинчидан, тадбиркор – таваккал қилишдан қўрқмайдиган инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таваккал қилишга боради[103].

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида юқорида келтирилган турли хил фикр ва ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, қисқа қилиб қуйидагича таъриф бериш мумкин: тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъи назар, фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишида қуйидаги бир қатор қоидаларга риоя этилиши талаб қилинади:

– тадбиркорнинг хўжалик юритиш бўйича ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши;

– тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги;

---

[102] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида. 2000 йил 25 май.

[103] **Макконнелл К.Р., Брю С.Л.** Экономикс: принципы, проблемы и политика: Пер. с 14-го англ. изд. - М.: ИНФРА-М, 2002, с.26.

– хўжалик юритиш эркинлигини таъминловчи қулай иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шароитнинг мавжуд бўлиши;

– мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларининг мавжудлиги;

– тадбиркорнинг махсус билимга, маълумот ва малакавий тайёргарликка эга бўлиши.

Тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари хилма-хил бўлиб, улар орасида ўзининг хўжалик юритиш кўламини чеклангани билан ажралиб турувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутади.

> *Мен бу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши минга тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман.*
>
> **Ислом Каримов**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти бу соҳа томонидан амалга оширилувчи вазифалар орқали намоён бўлади. Бундай вазифаларнинг турли-туманлиги эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг жаҳондаги барча мамлакатлар учун ҳам, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида бир мамлакат учун ҳам қандайдир даражада аҳамият касб этишидан дарак беради.

Президентимиз бу борада Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида куйидагиларни таъкидлаган эди: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз».

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам – яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда»[104].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги аҳамияти тўғрисида сўз юритилганда, энг аввало, унинг истеъмол бозоридаги мувозанатни таъминлаш вазифасини таъкидлаш лозим. Узоқ йиллик собиқ режали иқтисодиёт тажрибасидан маълумки, ўта даражада йириклашган ишлаб чиқариш эҳтиёжлар ва талаб тузилишидаги ўзгаришларга қийин мослашувчан, ҳаракатчанлик борасида ўта суст ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг энг мослашувчан, ўзгариб турувчи талабга тез жавоб берувчи соҳаси ҳисобланиб, турли эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, истеъмолчи учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматни етказиб бериш муаммосини зудлик билан ҳал этади. Шу билан бирга, улар аҳоли эҳтиёжларининг ўзгариши натижасида маҳсулот турларини ўзгартириш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни йирик ишлаб чиқаришга нисбатан кам харажат қилган ҳолда амалга ошира олади.

> *Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо, қандай ном билан аталмасин – унинг отини савдогар ёки дўкондор дейдими, ҳунарманд уста ёки касаначи дейдими, катта-кичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.*
>
> *Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболаға бўлмайди.*
>
> **Ислом Каримов**

---

[104] Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти, айниқса, кўлами жиҳатидан катта бўлмаган янги бозорларни ўзлаштиришда яққол намоён бўлади. Мавсумий, миллий, маҳаллий аҳамиятга молик баъзи маҳсулот ва хизматлар талаб ҳажмига кўра йирик ишлаб чиқариш учун кўп ҳам истиқболли ҳисобланмайди. Биз кундалик турмушда керак бўладиган уй-рўзғор буюмларидан тортиб уларнинг таъсири ва шу каби маиший хизматларни кўрсатадиган корхоналарнинг ролини одатда тўла тасаввур эта олмаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий соҳадаги хизматларидан бири - бу аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишдир. Ўз навбатида у мазкур вазифани иккита асосий йўл орқали бажариши мумкин: янги иш ўринларини барпо этиш ва вақтинча бўш бўлган ёки иш билан қисман банд бўлган аҳолини ишга жалб этиш, ёки бошқача айтганда, иккиламчи бандликни таъминлаш. Аҳолининг иш билан бандлиги ва қўшимча даромад олиш имконини яратиш орқали жамиятдаги ижтимоий мувозанатни сақлашга катта ҳисса қўшиш мумкин. Ушбу жиҳатларни ҳам алоҳида эътироф этган ҳолда, Президентимиз «Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор»[105], деб таъкидлаб ўтганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожлантирилишига хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими салбий оқибатларини бартараф этишдаги асосий йўналишлар сифатида ҳам қараш мумкин. Жумладан, айнан маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида нотўғри юритилган ижтимоий сиёсат оқибатида йирик шаҳарларда ишлаб чиқаришнинг ҳаддан зиёд тўпланиши, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг паст даражада қолиши табақалашувни кескинлаштирди. Бундай яроксиз усул айниқса, мамлакатимиздаги кўплаб кичик шаҳар ва қишлоқлардаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмага салбий таъсир кўрсатди. Республика аҳолисининг асосий қисми кишлокларда жойлашганига қарамай, мавжуд ортиқча иш кучи учун янги иш жойларини ташкил этиш муаммоси ҳал этилмади. Шунга кўра, бу муаммони тезлик билан ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири – кичик корхоналарни, айниқса, саноат ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарни ташкил этишдир.

> *Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.*
>
> **Ислом Каримов**

Кейинги ўн йилликда жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодиётидаги кичик бизнеснинг роли сезиларли даражада ўзгарди. Мазкур соҳада ЯИМнинг салмоқли қисми тобора кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда, ишчи кучи аксарият қисмининг иш билан бандлиги таъминланмоқда, барча инновацияларнинг ярмидан кўпроқ қисми яратилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши кейинги 30 йил ичида деярли 70 фоизга етган. Жумладан, бу кўрсаткич АҚШда 38 фоиздан 52 фоизга, Японияда 47 фоиздан 55 фоизга, Европа Иттифоқи мамлакатларида умумий ҳолда 58 фоиздан 67 фоизга етган, кичик тадбиркорлик субъектларининг ушбу мамлакатлардаги корхоналар умумий сонидаги улуши эса 92,5 фоиздан паст эмас. XX асрнинг сўнгги 20 йили ичида кичик бизнесдаги бандлик АҚШдаги иш билан бандлар умумий сонининг 47 фоизидан 54 фоизига, Японияда

[105] Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

73,8 фоизидан 78 фоизига, Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйича ўртача 48 фоиздан 72 фоизга кадар ўсган. Бу мамлакатларда кичик тадбиркорлик мавқеининг мустаҳкамланиши давлатнинг шу борадаги сиёсати билан белгилаб берилган.

Жаҳон тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, кичик бизнесни ривожлантиришдан катор мамлакатларда иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос дастаги сифатида фойдаланиб келинмокда. Жумладан:

1) ишчи кучи бандлигини таъминлашнинг асосий соҳаси;

2) иқтисодиёт инновация салоҳиятини ривожлантириш манбаи;

3) ишлаб чиқариш фаолияти янги шаклларини излаш ва жорий этиш манбаи;

4) давлат бюджетини солик билан тўлдириш (масалан, Германияда соликларнинг деярли ярмини кичик бизнес таъминлайди);

5) *ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш* (Венгрия, Чехия, Польша);

6) йирик бизнес билан узвий боғлиқ ҳолда, мамлакат барқарор ривожланиши ҳамда унинг иқтисодиёти рақобатдошлигини оширишнинг асоси. Ушбу йўналишларни қуйидаги жадвал орқали яққол тасаввур этиш мумкин (4.1.1-жадвал).

4.1.1-жадвал

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида кичик бизнесдан фойдаланиш йўналишлари

Кичик бизнесдан фойдаланиш йўналишлари	Мамлакатлар
Ишсизлик ва қашшоқлик каби ижтимоий муаммоларнинг кескинлигини пасайтирувчи омил	Ҳиндистон, Албания, Бразилия
Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлашув, ўрта синфнинг таркиб топиши	Франция, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Канада, Испания
Рецессияни бартараф этиш	Исроил, АҚШ
Янги бозорларни барпо этиш	Мексика, Канада, Сингапур, Япония
Ислоҳотларни изчил амалга ошириш	Хитой, Польша, Чехия, Венгрия, Словакия

Кичик бизнеснинг иқтисодиёт ривожидаги муҳим ўрни шу билан ҳам белгиланадики, у аҳолининг ишбилармонлик фаоллигини оширишнинг, бозор иқтисодиёти шароитида ҳал қилувчи бунёдкор куч бўлган тадбиркорликни шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Айнан шу соҳа туфайли марказлашган тарзда фойдаланишнинг иложи бўлмаган ички захиралар – аҳолининг бўш пул маблағлари, моддий ва меҳнат ресурсларини ҳаракатга тушириш имкони вужудга келади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга кенг йўл очиш орқали халқнинг маънавий қадриятларини – миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга, унутилган соҳаларни қайта тиклашга имкон яратилади.

Маълумки, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосидир. Чунки инсоният томонидан экстенсив хўжалик юритиш орқали табиатга ўтказилган тазйиқ, ер ости ва ер усти бойликларидан аёвсиз фойдаланиш ҳозирда ўз оқибатини кўрсатмокда. Эндиликда атроф-муҳитни ифлослантирувчи, ўзидан зарарли чиқиндиларни чиқарувчи, барча тирик организмларни заҳарловчи йирик корхоналарнинг фаолиятига мутлақ эрк бериш – инсоният учун жиддий хатардир. Бу муаммо эса кўпрок маҳаллий хомашёларни, йирик саноат корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган, ишлаб чиқаришда чиқитсиз технологиялардан самарали фойдаланувчи ҳамда энг муҳими, атроф-муҳитга деярли таъсир кўрсатмайдиган замонавий технологиялар билан қуролланган кичик корхоналарнинг кўпрок ташкил этилиши орқали ҳал этилиши мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, у йирик компаниялар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни билвосита рағбатлантиради. Кўпинча кичик корхоналарнинг йирик яккаҳукмрон ишлаб чиқаришга

боғлиқлиги таъкидланади. Бирок бу боғлиқлик бир томонлама бўлмай, аслида йирик корхоналар фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ёрдамисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Кўплаб майда ва ўрта компаниялар йирик корхоналар учун турли ишларни бажариб, бутловчи деталь ва қисмларни етказиб бериб, уларнинг ички пудратчисига айланади. Ички пудрат тизими яккаҳукмрон ишлаб чиқарувчилар учун ўта фойдалидир. У бошқарув харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш, унчалик фойда бермайдиган турли ишларнинг катта қисмини майда тадбиркорларга юклаш оркали яккаҳукмрон корхоналарнинг капитал тежашларига имкон яратади.

Бундан кўринадики, ҳозирги пайтда мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг янада ривожланиши йирик корхоналар ривожланиши ва улар ўртасидаги кооперацион алоқаларнинг чукурлашувига боғлиқ. Бу борада, айниқса, етакчи корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнлари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Бунинг учун янги замонавий корхоналарни барпо этиш билан бир қаторда, мавжуд йирик корхоналарни таркибий қайта тузиш орқали кичик замонавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг турли соҳа ва жараёнлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муаммоси унда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритиш шаклларининг окилона нисбатларига ҳам боғлиқдир. Хусусан, иқтисодиётдаги корпоратив тузилмалар, трансмиллий корпорациялар ва бошқа турдаги йирик корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий корхоналар ўртасидаги диалектик боғлиқлик айнан шундай мутаносибликни тақозо этади. Кичик бизнес сектори иқтисодиётдаги йирик корхоналар секторининг заиф жиҳатларининг таъсирини камайтиради, улар учун самарасиз бўлган жараёнларни бажариб, яхлит иқтисодиётдаги «бўшлиқ»ларни «тўлдириб» туради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ экани шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл экани кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

> *Шу фурсатдан фойдаланиб, такрор ва такрор айтишни истардим: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.*
>
> **Ислом Каримов**

Шу билан бир қаторда, кичик корхоналардан фойдаланиш миқёсларининг кенгайиши кўп миқдордаги капитал қўйилмаларининг амалга оширилишини талаб этмайди, уларни ташкил этиш харажатлари тез қопланади. Маҳсулот бирлиги қийматига тўғри келадиган устама харажатлар (бошқарув харажатлари) йирик корхоналарга қараганда анча паст. Буларнинг барчаси халқ хўжалиги миқёсида сезиларли тежамкорликка олиб келиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан тежамли бўлиши, табиийки, даромаднинг ҳам юқори бўлишига олиб келади.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатлари нуқтаи назаридан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа шаклларидаги фаол иштироки валюта тушумларини кўпайтиришнинг, турли ташқи иқтисодий вазифаларни ҳал этишнинг муҳим манбаига айланиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес мазкур мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда катта роль ўйнайди.

Кичик бизнес таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар турли мамлакатлар қонунчилиги томонидан турлича белгиланади. Хусусан, бизнинг қонунчилигимизда кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагича белгиланган:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар[106].

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш қуйидаги чора-тадбирлар ҳисобидан амалга оширилмоқда:

– мазкур тармоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ўсишини таъминлаш;

– корхоналарни реконструкция қилиш;

– замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этиш;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгилаб бориш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда асосан тармоқ вазирлик ва идоралари, улардаги етакчи корхона ва бирлашмалар ҳамда мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши ва самарадорлигини таъминлашга мутасадди давлат, нодавлат ва бошқа ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тақозо этилади. Шу билан бирга, фикримизча, ушбу жараёнларни амалга оширишда кичик бизнес корхоналари имкониятларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

4.2. Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Чунки меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда.

---

[106] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида. 2000 йил 25 май.

2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солик, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда.

3. Меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш мақсадида меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда.

5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди. Масалан, 2010 йилда 208 минг нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг шу каби тоифа вакиллари иш билан таъминланди.

6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Бундан кўринадики, бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг яхлит тизими шакллантирилган бўлиб, у самарали фаолият кўрсатмоқда (4.2.1-расм).



4.2.1-расм. **Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг яхлит тизими.**

Республикамизда меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда (4.2.1-жадвал).

4.2.1-жадвал

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг ўсиш суръати, минг киши

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда
	2005	2006	2008	2009	2010	
Жами аҳоли сони	26167,0	26488,2	27555,3	28000,8	28466,4	108,7
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	14816,5	15644,9	16123,6	16504,2	114,2
Шундан:						
Иқтисодий фаол аҳоли сони	10224,0	10492,5	11603,1	11929,2	12286,6	120,1
Иш билан банд бўлган аҳоли сони	10196,3	10467,0	11035,4	11327,7	11628,4	114,0
Иқтисодий нофаол аҳоли сони	4229,2	4324,0	4041,8	4186,4	4217,6	99,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2005–2010 йиллар давомида мамлакатимизда аҳоли сони 8,7, меҳнат ресурслари сони эса 14,2 фоизга ўсиб, 2010 йилда меҳнат ресурслари умумий аҳоли сонининг 58 фоизини ташкил қилди. Республикада меҳнат ресурсларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 3,0–3,5 фоизга тўғри келмоқда. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5–99 фоиз қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳолидан ташкил топса, колган 1–1,5 фоизи ишлаётган ўсмир ва пенсионерлардан иборатдир. 2010 йилда иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 94,6 фоизни, меҳнат ресурсларига нисбатан эса 70,5 фоизни ташкил этди.

Кейинги йилларда иқтисодиёт нодавлат секторининг устун равишда ривожлантирилиши ўз навбатида бандлик тузилмасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда (4.2.2-расм).



4.2.2-расм. **Иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони.**

4.2.2-расмдан кўринадики, 2007-2010 йиллар давомида иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганларнинг ўртача сони 11,1 фоизга ортган ва аксинча, давлат секторида банд бўлганлар сони 1,6 фоизга камайган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган йилларда давлат секторида банд бўлганлар улуши 22,1 фоиздан 20 фоизга тушган, нодавлат секторда бандлар улуши 77,9 фоиздан 80 фоизга ўсган.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, асосий эътибор республикада саноат тармокларини ривожлантириш, хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини барпо этиш ва ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашга қаратилди. Ушбу чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича таркибий тузилмасида ижобий ўзгаришлар рўй берди (4.2.2-жадвал).

4.2.2-жадвал

Аҳоли бандлигининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти (фоиз ҳисобида)

Иқтисодиёт тармоқлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Жами банд бўлганлар	100,0	100,0	100,0
шундан:			
саноатда	13,4	13,4	13,2
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	27,6	26,7	25,5
қурилишда	8,5	8,9	9,1
транспорт ва алоқада	5,0	5,1	5,2
савдо ва сотиқ, умумий овқатланиш	10,3	10,5	10,7
турар жой, коммунал хўжалиги ва аҳолига номаиший хизмат кўрсатиш турларида	3,3	3,4	3,5
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда	7,6	7,6	7,7
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишда	13,9	13,9	13,9
бошқа соҳаларда	10,4	10,5	11,2

Жадвалда келтирилганидек, иқтисодиёт тармоқлари ичида саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлган аҳоли улуши камайган, қолган тармоқларда эса ортган. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда кенг бунёдкорлик ишларининг жадал амалга оширилиши натижасида қурилиш тармоқларида меҳнат қилаётганлар улуши юқори суръатларда кўпаймоқда. Бу ҳолатни, айниқса, қишлоқ жойларда яққол кўриш мумкин, чунки қурилиш соҳасида банд бўлган қишлоқ аҳолиси сони 1991 йилга нисбатан 2,4 мартага ўсган.

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бандлик масалаларини ҳал этишда меҳнат органлари масъулиятини янада кучайтириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1251-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу тизимга тегишли таркибий ўзгартиришлар ҳам киритилди. Жумладан, туман (шаҳар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларини бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича стационар пунктлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу марказлар аввалги бўлимлардан тубдан фарқ қилиб, ишсиз аҳолига кўрсатадиган хизмат кўлами кенгайтирилди ва улар зиммасига янги вазифалар юкланди.

4.2.3-жадвал

2010 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан кўрсатилган хизмат турлари (минг киши)

Вилоятлар	Марказга мурожаат қилганлар	Марказ йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	Қайта ўқишга юборил-ганлар	Жамоат ишларига жалб қилинган-лар	Ишсизлик нафақаси тайинлан-ганлар
Ўзбекистон Республикаси	658,3	566,3	16,8	46,6	32,1
Қорақалпоғистон Республикаси	47,3	43,0	0,4	5,0	5,2
Вилоятлар:					
Андижон	55,1	49,3	1,5	2,4	1,4
Бухоро	39,8	31,7	1,3	3,6	1,6
Жиззах	32,5	28,0	0,3	2,1	0,9
Қашқадарё	58,9	52,2	0,7	3,2	2,1
Навоий	30,3	26,8	1,1	1,6	2,1
Наманган	58,9	49,9	0,5	4,1	2,4
Самарқанд	64,4	59,0	0,7	3,2	1,2
Сурхондарё	38,0	32,9	2,3	2,3	0,4
Сирдарё	20,9	17,7	0,7	1,0	1,7
Тошкент	43,3	39,2	0,6	2,6	3,4
Фарғона	76,7	66,6	1,1	6,7	0,7
Хоразм	46,1	32,1	0,7	4,2	2,4
Тошкент ш.	46,2	38,0	5,0	4,1	6,4

Республиканинг барча ҳудудларидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш сифати ва турларини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан рўйхатга олинган 658,2 минг кишидан 566,3 мингтаси (ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,4 фоизга ўсиш) ишга жойлаштирилди. Улардан 97,3 минг киши квотали иш ўринларига ишга жойлаштирилди. 50 та касб-ҳунар йўналиши бўйича 16,8 мингга яқин ишсиз фуқаро касбга қайта тайёрланди (2009 йилнинг шу даврига қараганда режа 83,1 фоизга бажарилган). Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 78,9 минг киши жалб қилинди (216 фоиз ўсиш) (4.2.3-жадвал).

Ҳар бир йирик қишлоқ аҳоли пунктида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ишга жойлаштириш бўйича стационар пунктлар ташкил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Республикада, қишлоқ аҳолиси учун қулайлиги ҳисобга олинган ҳолда, жами 1372 та шундай пункт ташкил қилинди. Ҳар бир пунктда ўртача 10-12 минг нафар қишлоқ аҳолиси ёки 2-2,5 минг оилага хизмат кўрсатилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг йўналишларидан яна бири «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ҳар йили бир неча юз минглаб янги иш ўринлари барпо қилинмоқда (4.2.3-расм).



4.2.3-расм.

4.2.3-расмдан кўриниб турганидек, 2005–2010 йиллар давомида республикада яратилган иш ўринлари сони 520 мингтадан 950 мингтага ёки 82,6 фоизга ошган.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Ислом Каримов

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, уй-жойларни таъмирлаш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди (4.2.4-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, мамлакатимизда 2010 йилда яратилган жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнининг 36,6 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, 13,6 фоизи якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 21,9 фоизи уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилган.

4.2.4-жадвал

2010 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари сони, бирлик

Йўналишлар	Жами
Барча йўналишлар бўйича яратиладиган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950 001
шу жумладан:	
Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56 316
Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш	347 408
шундан:	
- саноатда	52 882
- курилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй-жой курилиши ва таъмирлашда	43 632
Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177
Уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш	207 972
шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида фаолият олиб бораётган касаначилик	62 518
Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, баликчилик ва бошқалар)	127 732
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320
Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8 889
Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	11 187

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,3 фоизи фаолият кўрсатди. Бу рақам 2000 йилга нисбатан 24,6 фоизга кўпдир (4.2.4-расм). Бу эса кичик бизнес соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.



4.2.4-расм. **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигидаги улуши.**

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигидаги улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 74,3 фоизга етди ёки 2000 йилга нисбатан 24,6 фоизга кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улушини вилоятлар кесимида олиб кўрадиган бўлсак, Андижон ва Самарқанд вилоятларида ушбу соҳада банд бўлганлар сони 80 фоиздан юқоридир (4.2.5-жадвал).

4.2.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигидаги улуши

Вилоятлар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши, фоизда		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон Республикаси	73,1	73,9	74,3
Қорақалпоғистон Республикаси	69,9	70,5	71,2
вилоятлар:			
Андижон	80,3	81,0	81,2
Бухоро	75	76,3	76,3
Жиззах	76,8	77,3	78,0
Қашқадарё	73,3	74,4	74,9
Навоий	55,3	55,9	55,9
Наманган	77,1	77,8	78,4
Самарқанд	80	80,8	81,2
Сурхондарё	73,8	74,3	75,0
Сирдарё	76,2	76,9	77,8
Тошкент	71,8	72,6	73,0
Фарғона	77	77,5	77,5
Хоразм	76,5	77,5	78,0
Тошкент ш.	56,5	56,5	56,6

Бунинг натижасида республикада яратилаётган янги иш ўринлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда (4.2.4-расм).



4.2.4-расм.

Сўнгги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ, иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган (4.2.5-расм).



4.2.5-расм.

Президент фармонида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли ўртасидаги меҳнат кооперациясини ривожлантириш мақсадида республика ва унинг ҳудудларида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг доирасида 2010 йилда мамлакатимизнинг 700 га яқин йирик саноат корхонасида 62,5 мингдан зиёд касаначилик ўрни яратилди. Натижада ишсиз юрган хотин-қизлар, уй бекалари, ёшлар, ногиронлар ва меҳнат бозорида эркин рақобат қилиш имконияти чекланган шахслар иш билан таъминланди.

Касаначилик меҳнатини ривожлантириш борасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-616-сонли қарорига мувофиқ, касаначилик меҳнати тамойилларини транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқларининг йирик корхоналарига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик саноат корхоналарига ҳам қўллаш белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва даромад манбаининг янги шакли ҳисобланган касаначилик

меҳнатининг ривожланиши ва бу борада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарори билан белгиланган чорвачиликни изчил ривожлантиришни амалга ошириш жараёнида, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида қорамол етиштириш билан банд бўлган 101,8 минг аҳоли рўйхатга олинди. Уларнинг барчасига меҳнат дафтарчалари берилди. Айни вақтга келиб, меҳнат органлари томонидан қорамол етиштириш билан банд бўлган, рўйхатга олинган аҳоли сони 1,345 миллион кишига етди, бу банд бўлганлар умумий сонининг 11 фоизини ташкил қилади.

Янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли катта бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ўзининг қатор хусусиятларига кўра, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Биринчидан, бу соҳа кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

Иккинчидан, кичик корхоналар учун капиталнинг қуйироқ техник тузилмаси хос. Яъни, кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги кўпроқ тўғри келади.

Учинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлиши учун маъқулроқдир. Чунки бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Тўртинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шаклларини қўллаш мумкин. Хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, мослашувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

Бешинчидан, кичик бизнес асосан меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2010 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 476 мингтадан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилди (4.2.6-расм).



4.2.6-расм.

4.2.6-расмдан кўриниб турганидек, 2007-2010 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони бир меъёрда ортиб борган, яъни ўтган тўрт йилда уларнинг сони 82,6 фоизга ошган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2011–«Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили»да ҳам бундай тадбирлар, айникса, меҳнатга лаёқатли аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодиётимиз учун истиқболли ва зарур бўлган тармоқлар учун янги касб ва мутахассисликларга ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

4.3. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида соҳа имкониятларини кенгайтириш орқали эришилиши кўзда тутилган натижалар

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланиб, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йил юртимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди.

> *Биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.*
>
> **Ислом Каримов**

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 14 декабрдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чоралари ҳақида»ги Ф-3539-сонли Фармойишида: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, ҳисобот топшириш тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш

> *Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.*
>
> **Ислом Каримов**

механизмини янада такомиллаштириш, кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёз ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг карийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 21,5 фоизга ўсди.

Ҳозирги кунда бизнинг энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

Ислом Каримов



***4.3.1-расм.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг вилоятлар кесимида ўсишини 4.3.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Сирдарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодиётида салмоқли ўринни эгалламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди.

Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир. Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар туғдирмоқда. Шу борада кириб келаётган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб ўйлайман.

Ислом Каримов

4.3.1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар кесими бўйича ялпи ички маҳсулотдаги улуши

Вилоятлар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон Республикаси	48,2	50,1	52,5
Қорақалпоғистон Республикаси	58,6	60,7	63,6
вилоятлар:			
Андижон	48,9	51,2	54,7
Бухоро	59,3	61,4	64,1
Жиззах	72,3	74,4	77,3
Қашқадарё	50,9	52,6	55,0
Навоий	29,1	31,2	34,4
Наманган	69,7	72,4	76,0
Самарқанд	68,8	71,2	73,6
Сурхондарё	67,2	70,0	71,7
Сирдарё	72,1	75,5	77,4
Тошкент	49,6	51,8	54,7
Фарғона	55,0	56,1	59,5
Хоразм	66,1	68,2	71,8
Тошкент ш.	48,0	46,7	49,9

Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилдаги 10,0 фоиздан 2010 йилда 19,6 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 95,7 фоиздан 97,9 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 50,5 фоизга, юк ташишда 24,6 фоиздан 40 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24 фоиздан 30 фоизга, экспорт ҳажмида эса 6 фоиздан 13,6 фоизга кадар ошди (4.3.2-жадвал).

4.3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг ўсиш суръати, фоизда

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9	19,6
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9	97,9
Инвестиция	24,0	26,5	23,7	24,6	23,7	30,8
Қурилиш	50,9	52,1	55,4	58,4	41,6	52,3
Савдо	43,7	45,7	48,2	48,1	46,3	50,5
Хизмат кўрсатиш	52,5	50,8	50,1	48,5	47,6	47,7
Юк ташиш	24,6	27,2	34,7	38,9	39,5	40,0
Йўловчилар ташиш	65,7	69,4	75,7	78,5	78,9	78,9
Бандлик	64,8	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3
Экспорт	6,0	10,7	14,8	12,4	14,6	13,6
Импорт	33,7	34,5	32,0	35,7	42,5	36,6

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётгани муҳим ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткични 6 фоизга тушириш мўлжалланган (4.3.2-расм).

4.3.2-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 6 фоизга ёки 6,3 мартага қисқарган.



***4.3.2-расм.* Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.**

Келгусида тармоқ йўналишларига кўра, кичик бизнес субъектлари учун қуйидаги солиқ имтиёзлари белгиланган:

– 2014 йилнинг 1 январигача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

– 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

– 2012 йилнинг 1 январигача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинган;

– 2012 йилнинг 1 январигача Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам кучайтирилди. Хусусан, 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1851,7 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2690,2 миллиард сўмни ташкил этди (4.3.3-расм).



***4.3.3-расм.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори.**

4.3.3-расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори 2001–2010 йиллар мобайнида деярли 20 мартага ўсган.

2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробарга кўпайтириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори асосида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган:

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этади.

Ислом Каримов

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011–2015 йилларда 2,7 баробарга ошириш;

– халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар хукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

– тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узок ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек, аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

– истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

– мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва ҳоказолар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан кредитлар ажратилди. 2010 йилда халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 146 миллион АҚШ доллари ҳажмида кредитлар жалб этилди (4.3.4-расм).



4.3.4-расм. **Халқаро молия институтлари томонидан ажратилган кредитлар миқдори.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли қарорига кўра, халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар хукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион долларни, 2015 йилга бориб эса 155 миллион долларни ташкил этиши мўлжалланган (4.3.5-расм).



4.3.5-расм. **2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори.**

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Ислом Каримов

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни астасекин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт ҳажмидаги улуши 2010 йилда 13,6 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 3,4 фоизга ошган (4.3.6-расм). 2010 йилда кичик бизнеснинг экспорт ҳажми 1723,6 миллион АҚШ долларига етди. Асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.



4.3.6-расм. **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши, фоизда.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушини вилоятлар кесимида олиб кўрадиган бўлсак, Наманган (86,7 фоиз), Самарқанд (61 фоиз), Жиззах (44,7 фоиз) ва Сирдарё (30,3 фоиз) вилоятларида уларнинг салмоғи анча юқори бўлган (4.3.3-жадвал).

4.3.3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушининг ўсиш суръати

Вилоятлар	Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, фоизда		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон Республикаси	12,4	14,6	13,6
Қорақалпоғистон Республикаси	11,4	8,0	12,5
вилоятлар:			
Андижон	1,9	4,2	6,4
Бухоро	7,8	6,5	7,6
Жиззах	28,8	13,3	44,7
Қашқадарё	26,6	21,7	9,0
Навоий	7,6	6,5	9,5
Наманган	52,8	69,2	86,7
Самарқанд	40,4	68,1	61,0
Сурхондарё	16,4	10,2	19,5
Сирдарё	5,3	10,4	30,3
Тошкент	12,8	20,1	17,0
Фарғона	17,7	19,8	18,3
Хоразм	11,3	7,5	9,3
Тошкент ш.	17,1	19,8	13,9

Хулоса қилиб айтганда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

– жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига халақит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

– ҳудудлардаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Ислом Каримов

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

– ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

– маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шаклларини тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

– ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

– ҳудудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

5-БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ ВА БИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИШЛАРНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИСИ:ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН МУҲИМ НАТИЖАЛАР

5.1. Юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти

Маънавий баркамоллик инсоннинг руҳий покланиши, ахлоқий онг ва ҳиссиётларга эга бўлиши, ҳалол ва пок яшашни, мустаҳкам эътиқодга эга бўлишни олий мақсад деб билишидир. Айтиш жоизки, халқимиз қадим-қадимданоқ маънавият, ахлоқ масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказишда[107] узлуксиз таълим тизими, баркамол авлод тарбиясида юз бераётган туб маънавий-маърифий ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу жараён мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мақсад ва устувор вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Қадимги аждодларимизнинг жамият, табиат, бутун борлиқ ҳақидаги билимларини ўзида акс эттирган зардуштийлик таълимотининг ёдгорлиги бўлмиш «Авесто» китобида маънавиятга оид ғоялар ўз аксини топган. Инсоният тараққиётининг ҳар бир даврида маънавий камолот масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки жамиятнинг эволюцион тараққиёти маънавият ривожига бевосита боғлиқ, зеро, маънавиятнинг юксалиши жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ривожига асос бўлиб хизмат қилади.

> *Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.*
>
> **Ислом Каримов**

Буюк аждодларимиз илм-фаннинг қайси соҳаси билан шуғулланмасинлар, инсон маънавиятини шакллантиришга, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», Ибн Синонинг «Қуш рисоласи», Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарлари инсон шахсини, ахлоқий тарбиясини, маънавиятини шакллантириш муаммосини таҳлил этишга бағишланган. Маънавий тарбия масалалари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-кулуб», «Ҳайрат ул-аброр», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларида ёритилган.

Атоқли адиб, педагог Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсон ахлоқи хусусида фикр билдириб, шундай дейди – «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Буюк мутафаккирлар ва маърифатпарварларнинг тарбияга оид қарашлари XX аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун

---

[107] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори// Халқ сўзи, 2011 йил, 7-апрель, №68 (5235).

ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки фан-техника тараққиёти, замонавий кашфиётлар инсониятнинг қудратини оширади ва янги имкониятларни вужудга келтиради. Бундай ҳолат инсондан янада юксак маънавият даражасига кўтарилишни талаб этади. Ўз навбатида, шахснинг маънавий юксалиши унинг ижтимоий фаоллигини оширади ва жамият тараққиётини тезлаштиради. Юртбошимиз И.А.Каримов тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур англаган ҳолда, «Бирон–бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»[108], деб таъкидлагани бежис эмас, албатта. Дарҳақиқат, маънавиятни юксалтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири, келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар қалби ва онгига бой маънавий меросни сингдириш асосида баркамол авлодни шакллантириш эса ундан ҳам долзарброқдир. Чунки Ватанимиз келажаги, халқимиз олдида турган улкан мақсадларга эришиш, аввало ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишига боғликдир.

Иқтисодй ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маънавият тушунчаси ҳақида тўхталар экан, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги интилишлар учун жиддий хатарлардан бирига айланишини уқтиради. Дарҳақиқат, тажовузкор кучлар бирор халқни ўзига бўйсундирмоқчи ва унинг бойликларига эгалик қилмоқчи бўлса, авваламбор, ана шу халқнинг миллий қадриятларидан ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Чунки ҳар бир халқнинг тараққиёти ўз миллий қадриятлари ва бой маънавий меросига асосланади.

> *Менинг назаримда, «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади.*
>
> **Ислом Каримов**

Маънавият инсонни руҳан покланишга, улғайишига чорлайдиган, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс кучдир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда маънавиятни юксалтиришга жуда катта эътибор берилиши бежиз эмас, иқтисодиётни ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни жаҳон сиёсати саҳнасига олиб чиқиш каби вазифаларни маънавиятни юксалтирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Маънавиятни юксалтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилгач, жумладан, миллий тарихимизни, халқимизнинг ғурури бўлган ўнлаб ва юзлаб алломалар хотирасини қайта тиклаш, миллий анъана ва маросимларни эл-юртимизга қайтариш каби хайрли ишлар амалга оширилгач, миллий мафкура ва миллий истиқлол ғояси ва мафкура масалаларини кун тартибига қўйиш учун маънавий асос яратилди. Ана шу маънавий асос мамлакат тараққиётини таъминловчи ёш авлодни маънавий камол топтириш, янги тафаккур соҳибларини тарбиялаш жараёнида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда янги жамият бунёдкори бўлмиш комил инсонни тарбиялаш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланамиз.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, қонун устуворлиги, сўз ва виждон эркинлиги, урушларга йўл қўймаслик, тинчликни сақлаб қолиш каби умуминсоний қадриятлар, шу билан бир қаторда миллатнинг ғоялари, қарашлари, турмуш тарзи, орзу-истаклари, миллий қадриятлари эъзозланади.

Айтиш жоизки, маънавий-маърифий қадриятлар миллий ғоямизнинг ажралмас қисми бўлиб, у халқ онгининг ўсиши ва турмуш маданиятининг ривожланишида, баркамол

[108] **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.125-бет.

шахснинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга вазифа қилиб қўяр эканмиз, биринчи навбатда собиқ мустабид тизимда ўз ўрнини йўқота бошлаган миллий қадриятларимизни тиклашга эътибор қаратдик. Шу ўринда истиқлол йиллари меҳр-оқибат, мурувват ва саховат, янгиланиш тимсоли бўлмиш «Наврўз» айёмини тантанали равишда нишонлаш анъанага айланганини таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда, фан-техниканинг жадал тараққиёти шароитида ҳар бир давлат ўзининг истиқбол режаларини белгилар экан, келажакда ушбу режаларни амалга оширувчи ёш авлод қобилиятларини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир. Шу сабабли мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ҳак-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2010 йилги Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилгани ҳам келажагимиз ворисларига бўлган ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир. Зеро, ёшлар бугунги ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган, мамлакатимиз тараққиётини таъминлайдиган ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган авлод сифатида шаклланиши зарур.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» (1992), «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993), «Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили» (1995), «Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди» (1995), «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» (1996), «Янгича тафаккурга кенг йўл» (1997), «Замонавий кадрлар – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» (1997), «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» (1997), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998), «Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси» (1998), «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» (1998), «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» (2000), «Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008) каби кўплаб асарлари, маъруза ва нутқларида юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлод тарбиясига алоҳида жиддий эътибор берганлар.

Юртбошимиз «Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади»[109], деган эди.

Жамиятда лаёқатли, ишбилармон, етук кадрларга хамиша зарурат туғилган. Инсоният ривожининг тарихи унинг талабларини қондириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодир муносиб кадрларга эҳтиёж сезиб келганидан гувоҳлик беради. Бу жамиятнинг ҳозирги тараққиёт боскичида ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунинг учун эса кадрлар сиёсати негизида маънавият ва маърифат, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш талаб этилади. Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай олдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

Баркамол авлод тарбияси тушунчаси фалсафий, сиёсий маъно ва мазмунга эга бўлиб, у сиёсатнинг асосий элементлари, аввало, сиёсий, ижтимоий институтлараро муносабатлар ва жараёнлардаги туб ислоҳотларни ўз ичига олади.

Баркамол авлод ва янги авлод кадрлари уйғун тушунча бўлиб, бунда: 1) янги авлод мустақил, янгича тафаккур ва онг соҳиби ҳисобланади; 2) якка ҳукмрон коммунистик ғоя таъсиридан халос бўлган; 3) миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган; 4) ҳозирги замон илм-фани ютуқлари асосидаги янги миллий таълим стандартлари бўйича билим олган, тайёрланган, қайта тайёрланган ёки малакасини оширган; 5) мамлакатимизда ва дунёда илм-фан соҳасидаги тизимлашган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган, уларни ўзлаштириб олган мутахассис кадрларнинг янги авлодини англатади. Бунда «кадрларнинг янги авлоди» тушунчаси, муҳим натижа сифатида эришилган ютуқни ифодалайди.

---

[109] **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 278-бет.

шахснинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга вазифа қилиб қўяр эканмиз, биринчи навбатда собиқ мустабид тизимда ўз ўрнини йўқота бошлаган миллий қадриятларимизни тиклашга эътибор қаратдик. Шу ўринда истиқлол йиллари меҳр-оқибат, мурувват ва саховат, янгиланиш тимсоли бўлмиш «Наврўз» айёмини тантанали равишда нишонлаш анъанага айланганини таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда, фан-техниканинг жадал тараққиёти шароитида ҳар бир давлат ўзининг истиқбол режаларини белгилар экан, келажакда ушбу режаларни амалга оширувчи ёш авлод қобилиятларини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир. Шу сабабли мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2010 йилги Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилгани ҳам келажагимиз ворисларига бўлган ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир. Зеро, ёшлар бугунги ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган, мамлакатимиз тараққиётини таъминлайдиган ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган авлод сифатида шаклланиши зарур.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» (1992), «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993), «Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили» (1995), «Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди» (1995), «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» (1996), «Янгича тафаккурга кенг йўл» (1997), «Замонавий кадрлар – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» (1997), «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» (1997), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998), «Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси» (1998), «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» (1998), «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз» (2000), «Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008) каби кўплаб асарлари, маъруза ва нутқларида юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлод тарбиясига алоҳида жиддий эътибор берганлар.

Юртбошимиз «Юкори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади»[109], деган эди.

Жамиятда лаёқатли, ишбилармон, етук кадрларга хамиша зарурат туғилган. Инсоният ривожининг тарихи унинг талабларини қондириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қодир муносиб кадрларга эҳтиёж сезиб келганидан гувоҳлик беради. Бу жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунинг учун эса кадрлар сиёсати негизида маънавият ва маърифат, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш талаб этилади. Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай олдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

Баркамол авлод тарбияси тушунчаси фалсафий, сиёсий маъно ва мазмунга эга бўлиб, у сиёсатнинг асосий элементлари, аввало, сиёсий, ижтимоий институтлараро муносабатлар ва жараёнлардаги туб ислоҳотларни ўз ичига олади.

Баркамол авлод ва янги авлод кадрлари уйғун тушунча бўлиб, бунда: 1) янги авлод мустақил, янгича тафаккур ва онг соҳиби ҳисобланади; 2) якка ҳукмрон коммунистик ғоя таъсиридан халос бўлган; 3) миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган; 4) ҳозирги замон илм-фани ютуқлари асосидаги янги миллий таълим стандартлари бўйича билим олган, тайёрланган, қайта тайёрланган ёки малакасини оширган; 5) мамлакатимизда ва дунёда илм-фан соҳасидаги тизимлашган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган, уларни ўзлаштириб олган мутахассис кадрларнинг янги авлодини англатади. Бунда «кадрларнинг янги авлоди» тушунчаси, муҳим натижа сифатида эришилган ютуқни ифодалайди.

---

[109] **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар, 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 278-бет.

«Баркамол янги авлод» тушунчаси эса демократик тамойилларни қадрлайдиган, юксак салоҳиятга эга, замонавий илм-фан ва технология ютуқлари билан қуролланган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга амалий ҳисса қўшиш масъулиятини чуқур англаб етган янги қатламдир. Улар жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга, демократик жамият қуришнинг мураккаб ва қийин вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган ўзига хос қатлам, баркамол авлоддир.

Баркамол авлод кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатининг демократик моҳиятида яққол намоён бўлади. У амалга оширилаётган демократик ижтимоий, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган мақсадлар билан узвий боғлиқ бўлиб, демократик жамият қуриш йўлини танлаган Ўзбекистон учун янги сиёсий воқелик ҳамдир.

Баркамол авлод тарбиясида икки тушунча бир-бири билан доимо уйғун ишлатилади.

1. **Таълим тушунчаси** шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширадиган дидактик фаолият. Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш мақсадида кўриладиган дидактик чора-тадбирлар тизимидир[110].

2. **Тарбия тушунчаси** – 1) янги авлод кишиларига катта авлоднинг ижтимоий тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини таъминловчи ижтимоий функция; 2) ижтимоий институтлар таъсири остида инсон субъектив – шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, қарор топтириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, тизимлаштирилган ва онгли жараёни. Тарбия – таълим билан ўзаро жипс боғланган ижтимоийлашишнинг асосий бўғини, таълим тизимининг таркибий қисми[111] ҳисобланади.

Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Ана шу фикрга таянган ҳолда, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб, бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунарга ўргатиш тизимининг самарадорлик даражаси, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди. Замонавий тараққиёт талабаларига тўла жавоб берувчи таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

> *Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.*
>
> **Ислом Каримов**

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, унда қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилган. Хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбия асосида етук қилиб тарбиялаш, талабаларнинг маънавиятини миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш ва шакллантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш, ёшларда Ватанга ва халққа муҳаббат, юрт фаровонлиги учун курашиш, инсонпарварлик, ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор, ўзга миллат кишилари ва уларнинг қадриятларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни тарбиялаш, ёшларда виждон эркинлиги, билимдонлик, ахлоқлилик, жисмоний етуклик, мустақил фикрни камол топтириш каби таълим-тарбия масалалари устувор вазифа сифатида амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов баркамол авлодни шакллантириш хусусида фикр юритиб, бу борада барча имкониятларни яратиш зарур эканини таъкидлайди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида ёшларни жисмоний жиҳатдан камол топтиришга ҳам алоҳида эътибор

---

[110] Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 40-бет.

[111] Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.320–321.

берилди, жумладан, болалар ва ўсмирлар орасида спортни, айникса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга оид қатор комплекс дастурлар қабул қилинди.

Айни пайтда кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим ва ногирон болаларни соғломлаштириш, уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва 2008 йилда 184 та болалар спорт иншоотн қурилди.

Ёш авлоднинг иқтидори, қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасаларининг тармоқлари кенгайтирилди.

Истиқлол даврида умумтаълим мактаблари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида, «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Унинг ижроси натижасида:

– ўлкамизда махсус мебель, ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 2-2,3 баробарга кўпайди, 10 дан ортиқ вилоятда тегишли ишлаб чиқариш муассасалари ташкил этилди;

– соҳада ишлаб чақаришнинг ўсиши 1,3 мартага ошди, лаборатория ва махсус ускуналарни четдан олиб келиш 25 фоизга камайди;

– 170 турдан ортиқ мебель ва ускуналарни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди ва уларнинг турлари 1,2 мартага кўпайтирилди.

2008 йилнинг ўзида 69 та янги мактаб қурилди ва 582 та мактаб реконструкция қилинди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси ёшларни кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хона ва лабораторияларда билим олишларига имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 427-карори қабул қилинди. Ушбу қарорлар натижаси сифатида 2009 йил умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 100 фоиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш имконига эга бўлишди.

Юртимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими 2009 йилдан бошлаб мажбурий хусусиятга эга бўлди. Ўқувчилар ихтиёрий равишда, ўз қизиқишлари ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттириш имконига эга. Уларга ўз қизиқишлари, қобилиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, касб танлашига ёрдам бериш мақсадида, Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази тузилди. Ушбу марказ ўқувчиларнинг интилишлари, қобилияти ва имкониятларини ўрганган ҳолда, касбга йўналтириш масалаларини тадқиқ этмоқда ҳамда ота-оналарга асосли маслаҳатлар бериб келмоқда. Бундан ташқари, 9-синф ўқувчиларига касб танлаш жараёнида ёрдам бериш мақсадида академик лицей ва коллежларга экскурсиялар ташкил этиш, турли касбларнинг хусусиятлари билан танишиш имкони яратилди. Келажакда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг кўргазмасини ташкил этиш, мавжуд касбий ахборотлар банкини ҳар бир мактабга етказиш асосида касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш режалаштирилган.

Тасдикланган амалдаги таълим йўналишлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисликлари ва касбларининг классификаторида 348 та мутахассислик ва 840 та касбни ўз ичига олади. Мамлакатимизда бугунги кунда 712 та касбни ўз ичига оладиган 268 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Мустақиллик даврида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. 2008 йилда 169 та касб-ҳунар коллежи қурилди, 23 та академик лицей фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2005 йилнинг 23 ноябрида «2006-2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва меҳнатидан фойдаланиш бўйича намунали ҳудудий дастур»ни қабул қилди. Ушбу дастур асосида ҳар бир маъмурий бўлиниш — вилоят ва туманларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди, ҳокимликлар ҳузурида ҳокимлар раҳбарлик қиладиган ҳамда таркибига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилган мувофиқлаштириш кенгашлари ташкил этилди.

Ҳудудий дастурларда қуйидагилар кўзда тутилган:

• имкониятга қараб, битирувчилар меҳнатидан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, бюджетдан ташқари Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда янги иш ўринларини ташкил этиш;

• ҳудудлардаги касб-ҳунар таълимини маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олиб ривожлантириш; меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг реал аҳволини ҳудудий даражада аниқлаш;

• касб-ҳунар коллежлари фаолият юритишининг иш берувчи нуқтаи назаридан тезкор мониторинги механизмини яратиш.

Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги «Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида амалга оширилган ишлар натижасида биргина 2009-2010 ўқув йилининг ўзида ҳудудлардаги 118 та касб-ҳунар коллежида 62 та ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхталиб, талаб катта бўлган 90 та мутахассислик бўйича янгидан кадрлар тайёрлашга киришилди. 34 та касб-ҳунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди. Ушбу чора-тадбирлар битирувчиларнинг барчасини иш билан таъминлашга йўналтирилганини эътироф этиш зарур.

Баркамол авлодни шакллантириш жараёнида олий таълим тизимининг ўрни беқиёс. Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ислоҳотлар мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланди. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди:

– университет таълимининг устуворлиги;

– олий таълим муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштириш;

– олий таълимни ҳудудийлаштириш.

1996 йилда Олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва жамиятнинг барча қатламлари иштирокида кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Ушбу концепциянинг устувор йўналишлари қуйидагича:

• олий таълимнинг икки босқичли тизими — бакалавриат ва магистратурага ўтиш;

• олий таълим тизимини молиялашнинг янги тизимига ўтиш (давлат грантлари шаклида бюджет маблағлари ва шахсий манбалар ҳисобидан молиялаш, яъни талабаларни олий ўқув юртига тўлов-шартнома асосида қабул қилиш);

• талабаларни мамлакатнинг барча ҳудудида бир кунда ва бир вақтда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган кириш тест синовлари орқали қабул қилишга (аввалги оғзаки ва ёзма имтиҳонлар ўрнига) тўлиқ ўтилди.

Президентимизнинг доимий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бунинг натижасида Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминистр университети иш бошлади. И.Губин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисларига бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим

олмоқда ва ўз масалакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, конференция ва семинарлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби ғурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Ўзбекистонда таълим секторини молиялаштиришда бюджет ва хусусий манбалар билан бир қаторда молия институтлари, хорижий, халқаро донорлар томонидан кўрсатилаётган ташқи ёрдам ҳам аҳамиятлидир. 2000 йилдан 2007 йилгача ушбу ёрдам доирасида умумий улушнинг ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 122 та лойиҳа татбиқ этилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларга доир 100 га яқин ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Уларнинг барчаси таълим-тарбия самарадорлигини оширишга, ижтимоий муҳофазага, соғлом авлодни тарбиялаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

5.2. Ўзбекистон таълим тизимининг ривожланиши ва такомиллашувининг энг муҳим йўналиш ва натижалари

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги қисқа вақт ичида босиб ўтган тараққиёт йўли асрларга татигулик мазмун ва самара касб этмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида таъкидланганидек, юртимизда «демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда»[112].

Ҳақиқатан ҳам, бундан 20 йил олдин халқимиз ўзининг мард ва донишманд раҳбари бошчилигида мустақилликка эришди. Бу мустақиллик мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида янги бир даврни бошлаб берди. У таълим тизимини ривожлантириш соҳасида ҳам туб буюк ислоҳотларга йўл очди.

Мустақилликкача бўлган даврда ягона мафкура ҳукмронлиги остидаги педагогик тизим шароитида яшадик, фаолиятимизни собиқ марказдан юборилган тавсиялар асосида ташкил этдик. Натижада шахс манфаатлари ва уларнинг маънавий эҳтиёжлари мактаб деворлари ортида қолди. Амалда мактаб битта йўналишга – коммунистик мафкурани мустаҳкамлашга хизмат қилди. Педагогик ижод, она тили ва Ватан тарихи, географияси, табиати, миллий урф-одатлари, анъаналар, маънавият ва қадриятларни ўз ўқувчиларига ўргатишдан деярли маҳрум этилган ўқитувчи унга буюрилганларнигина ўргатувчига айланди. Таълим-тарбия ишларининг 70 йил давомида шаклланиб қолган ана шу иллатлардан халос қилиш таълимдаги ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил қилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган унинг ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилди хамда улар асосида энг муҳим йўналиш ва натижалари ижроси таъминланди.

---

[112] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи, 2011 йил 7 апрель, №68 (5235).

I. Таълим тўғрисидаги қонун (1992 йил 2 июль)

Мустақил давлатимиз раҳбарияти энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиб беришдан бошлади. Собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги Қонунини тасдиқлади. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислоҳотларнинг мукаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди[113].

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари унинг демократик, инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш халқимизнинг тарихий анъаналари ва педагогикаси, шунингдек, жаҳон халқлари педагогикасининг илғор ютуқлари асосида таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, шу мақсадда ўқитувчилар, педагогик жамоаларнинг ташаббускорлигига кенг имкониятлар очиб бериш ва уни ҳар томонлама рағбатлантириш, билим ва кўникмаларининг пухталигини таъминлайдиган замонавий дидактик воситаларни қўллашни кенг кўламда йўлга қўйиш, шу асосда таълим мазмунини яхшилашга эришишдан иборат бўлди.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган янги жамият барпо этишнинг беш тамойили бугунги кунга келиб ижобий натижасини кўрсатмоқда. Юртимизда шахс, инсон, жамият, давлат янгиланмоқда, барча ижтимоий жараён таълим ва маданият, маънавият ўзига хос тарзда шаклланиб борди. 1992 йилда Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди, «Бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз, барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. Ўзбекистон диёрида тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими, инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади...

Таълим Ўзбекистон халқ маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади»[114].

Бу сўзлар таълим тизимига берилган ижтимоий буюртма бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, таълим соҳасидаги давлат сиёсатида ҳам ўз ифодасини топган.

Мустақилликкача бўлган даврда бизнинг таълим тизимимиз жаҳоннинг илғор цивилизацияси ютуқларидан, ўз халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Мустақиллик бундай ҳолатни тубдан ўзгартирди. Истиқлол даврида жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим ҳам ўзгармоғи, янгиланган жамиятнинг манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи нуқтаи назаридан ёндашилди. Зеро, жамиятнинг мавжудлиги, мактабнинг ҳам мавжудлигидир.

II. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь)

Асосий қонун Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда, ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида ифода этган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирди. Жумладан, унинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул

---

[113] **Йўлдошев Ж.** Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996. 4-5-бет.

[114] **Каримов И. А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1- жилд. – Т. : Ўзбекистон, 1996. 81-82-бет.

умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», 117-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»[115], деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг далилидир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси мустақил, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Шунингдек, Президентимизнинг 1993 йил 29 декабрдаги фармонига биноан октябрь ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни (касб байрами сифатида) белгиланди. 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармон муносабати билан ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва ёруғ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» – умумхалқ байрами ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари, тили, маданияти, миллий анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча фуқаролар, миллати ёки элатидан қатъий назар тенг ҳуқуқли, улар билим олиш, ўз имконияти ва қизиқишлари бўйича касб-ҳунарли бўлишлари учун барча имкониятлар яратилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида «Таълим тўғрисида»ги (1992 йил 2 июль) Қонунда белгилаб берилган таълим мазмунини амалга ошириш бўйича қуйидаги вазифалар ижроси таъминланмоқда:

1. Ўқувчи ёшлар ижтимоий фойдали меҳнат жараёнига тайёрлаб борилмоқда. Мактабданоқ улар ишлаб чиқаришнинг барча тамойиллари, оддий меҳнат қуроллари билан ишлай олиш малакаларини ҳосил қилишга эътибор берилмоқда.
2. Ўқувчи ёшларни ҳунар-техника таълими, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юртларида ўқишга тайёрлаш масалалари ҳам узлуксиз таълим тизимига киритиб борилди.
3. Ўқувчи ёшларда табиий-илмий, ижтимоий-ғоявий дунёқарашни шакллантириш вазифаси «жаҳон харитасининг табиий-илмий эволюцияси» блокига эътибор берилиб, физика, кимё, биология фанлари қонуниятлари шу блок таркибига киритилди.
4. Ўзбек халқининг ўзига хослигини, унинг этно-маданий, этно-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларда умумий маданият шакллантириб борилди.
5. Омилкорлик ва ижодий талаб (техник, илмий, бадиий) шакллантирилди.
6. Ўқувчи ёшларда оммавий педагогик фикрлаш уйғотилиб, дастлабки психологик билимлар билан қуроллантирилди. Бунда ўқувчи ёшларнинг эртага ота-она, оила бошлиғи, кўпчилиги раҳбар ва тарбиячи бўлиши мумкинлиги инобатга олинди.

III. «Таълим тўғрисида»ги (1997 йил 29 август) Қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Президентимиз Ислом Каримов 1996-1997 йилларга келиб, таълим-тарбия тизимидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш ва бу соҳани тубдан ислоҳ этиш бўйича муҳим дастурий ҳужжатлар қабул қилиш лозимлигини кун тартибига қўйди. Шу боисдан ҳам тезда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиш» комиссияси ташкил этилиб, унга Юртбошимиз бевосита раҳбарлик қилди. 1997 йил 5 июнда Тошкентда ана шу «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиш» комиссияси йиғилишини Президентимиз бошқарди. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш

[115] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 9-10,13,31-32-б.

билан бирга, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бермаётгани танқид остига олинди ва мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари аниқ кўрсатиб берди. Таълим-тарбия тизимидаги камчиликлар: биринчидан, мактаблар, ўқув даргоҳларининг моддий базаси талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Иккинчидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига жавоб бермайди. 9 йиллик мажбурий таълим тизими бугунги кун талабларига тўғри келмаётгани айни хақиқат деб қаралди ва Президентимиз томонидан мамлакатимизда 9 йиллик мажбурий ва 3 йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқлиги айтилди[116].

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги (1997 йил 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида 1991–1997 йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотларни танқидий баҳолади. Собиқ иттифоқ даврининг охирида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик. 11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим – 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим – 9 йил ва ниҳоят, 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим... Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак... Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Президентимиз 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли – тақдири қандай бўлиши зарурлигини пухта асослаб берди. «Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади... Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса – гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда»[117]. Шу боисдан ҳам 1997 йил 29 августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганида катта маъно бор.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан сўнг республикамиз бутун таълим тизими, жумладан, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишини ҳам тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ стратегик дастурига эга бўлди.

Мамлакатимизда таълим истиқболларини белгилашда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қайта кўриб чиқилди ва улар қуйидаги тамойилларда ўз ифодасини топди:

- ❖ таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда экани;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- ❖ умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ❖ ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналиши – академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- ❖ таълим тизимининг дунёвий характерда экани;
- ❖ давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- ❖ таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

---

[116] **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. – Тошкент, 1998. 262–267-б.
[117] **Каримов И.А.** Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. 3–19-б.

❖ билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

❖ таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш[118].

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Республикамизда таълимнинг асосий мақсади бизнинг демократик эркин давлат қураётганимиз, бозор иқтисодиётига боскичма-боскич ўтиш йўлидан изчил бораётганимиз билан бевосита боғлиқ. Чунки давлатнинг буюк келажаги ўз фуқароларининг маълумотлилигига, маданиятига, бунёдкорлигига таянади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда таълим қуйидаги мақсадларни кўзда тутди:

❖ мустақиллигимизни, истиқлолимизни ҳис эта биладиган, ўзлигини англаб етган инсонларни тарбиялашга қаратилди;

❖ мамлакатимизнинг ақл-заковат ва илм борасидаги салоҳияти ривожлантирилди;

❖ оила, жамият, давлат олдидаги масъулиятни англайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол шахс шакллантириб борилди;

❖ ахлоқий пок, жисмоний бақувват, Ватан туйғуси билан яшайдиган фидойи инсон, изланувчан, ташаббускор соғлом авлодни шакллантиришга эътибор қаратилди;

❖ фақат маълумот олиш, савод ўрганиш билан чегараланиб қолмайдиган, ўрганганларини ҳаётга татбиқ эта биладиган шахс тарбиясига эътибор берилди;

❖ янги жамиятни қуриш, унда яшаш, ишлашни биладиган ёшлар тарбияси асосий масала қилиб қўйилди.

Шунингдек, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг қуйидаги принциплари асос қилиб олинди:

– таълимнинг устуворлиги ;

– таълимнинг демократлашуви;

– таълимнинг инсонпарварлашуви;

– таълимнинг ижтимоийлашуви;

– таълимнинг миллий йўналтирилгани;

– таълим ва тарбиянинг узвий боғликлиги;

– иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари бўйича қуйидаги вазифалар бажарилди:

– миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар таълим-тарбияга асос қилиб олинди ва миллий истиқлол ғояси негизида такомиллаштирилди;

– таълим тизимида кадрлар салоҳияти тубдан яхшиланди;

– давлат ва нодавлат таълим муассасалари кенг ривож топди;

– таълим тизими таркибий жиҳатдан янги технологиялар билан бойитилиб, модернизациялаштириб борилди;

– мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтиш 2009 йилдан бошлаб тўла таъминланди;

– таълим тизимида фан ва ишлаб чикариш интеграциялашиб, янги типдаги ўкув муассасалари вужудга келди;

– таълим тизимидаги мутахассис кадрлар ва бошқарув тизими кадрларининг малакаси ошириб борилди;

– таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлокий фазилатлари ривожлантирилди;

– таълимни бошкариш тизими, жамоат бошкаруви шакллари такомиллашиб, таълим муассасалари минтақалаштирилди;

– таълим олишда давлат, жамоат ташкилотлари, ижтимоий муассасалар, нодавлат ташкилотлар фаоллашиб борди;

---

[118] Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Шарк, 2001. 3–4-б.

– таълим жараёнига, кадрлар сифатига холис баҳо бериш тизими яратилди;

– таълим тизимининг молиявий, моддий-техник базаси янгиланди ва уни ресурслар билан таъминлаш механизми шаклланди;

– узлуксиз таълим фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашиб борди;

– таълим тизимидаги муассасаларнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаси кучайди;

– бошқа миллат вакиллари учун таълим олиш (7 тилда) учун шарт-шароитлар яратилди;

– таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик каби йўналишлар бўйича таълим-тарбияси такомиллашди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва хаётга татбиқ қилиниши, хеч шубҳасиз, мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлди. Дастурга кўра, юртимизда таълим ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилди ва ҳозирги кунда такомиллаштирилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Ўзбекистонга хос энг муҳим хусусияти – янги турдаги 3 йиллик ўрта махсус, касб–ҳунар таълими тизимини яратишдан иборат вазифа собитқадамлик билан амалга оширилди. Замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, янги таълим стандартлари ва ахборот технологиялари, интерактив усуллар ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Олий таълимда бакалавриат ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига хос бу тизим олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: «Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилди. Бу дастур АҚШдан сўнг дунёда иккинчи бор фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва бугунги кунда турли мамлакатлар бизнинг бу борадаги тажрибаларимизни катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Мамлакатизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўла амалга оширилмоқда. 2009 йилдан бошлаб, юртимизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 3 босқичдаги ислоҳотлар асосида амалга оширилди.

I босқич – 1997–2001 йилларда дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратилди. Бунинг учун давлат томонидан қўшимча равишда 65 миллиард сўм маблағ сарф қилинди. Бу босқич кадрлар тайёрлаш дастурининг **моддий-техник баъзасини** яратиш даври деб номланди.

II босқич – 2001–2005 йилларни ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг **сифат босқичи** деб ном олди.

III босқич – 2005 йилдан бошланиб, ундан кейинги йилларни ҳам ўз ичига олмоқда. Бу босқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси якунига етказилиб, эришилган натижалар, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, таҳлил этилмоқда ҳамда шу асосда юртимизда янги таълим тизими янада такомиллаштирилмоқда. Шу боисдан бу босқич таълим тизимини **мадернизациялаш даври** деб аталмоқда .

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган маросимидаги (2009 йил 5 декабрь) маърузасида таъкидлаганидек, «бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади»[119].

---

[119] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. / Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шархлари –Т.:Ўзбекистон, 2010. 11-б.

Хақиқатан хам, бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар курилди, реконструкция қилинди. Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1миллион 55 мингдан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб бугунги кунда қишлоқ хўжалигида, бошқарув тизимида, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилмоқда.

V.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори

Бу қарорга кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Марказ) ташкил этилди. 1998 йилда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари дастлаб тажриба тариқасида фаолият бошлади. Академик лицейларга барча (9-синф) битирувчиларининг тахминан 10–15 фоизи танлов асосида қабул қилинди.

Касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва педагог-муҳандислар тайёрлаш бўйича 3 та оталиқ зона (минтақавий) бўйича тегишли олий ўқув юртлари бириктирилди: 1) Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти; 2) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети; 3) Наманган муҳандислик-педагогик институтларида кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий ижросига, шунингдек, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган Ўзбекистон Президентининг ўндан ортиқ фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши, 2004 йил 21 майда «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши миллий таълим ривожида янги тарихий босқични бошлаб берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-ҳунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда[120].

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда, биринчидан, янги таълим тизими, иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янги касб соҳаларининг пайдо бўлгани ва уларнинг Ўзбекистон шароити, аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари, учинчидан, бунда ҳар бир вилоят, ҳудуд ва минтақа хусусиятларини ҳисобга олиш тажрибасининг афзалликлари, тўртинчидан, мамлакатимиз олий таълим соҳасидаги 71 та муассаса тайёрлаб берадиган янги авлод кадрлари, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

Умуман, мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) асосида узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим қуйидаги йўналишлари ҳаётга татбиқ этилди:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

---

[120] **Каримов И.А.** Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 48-бет.

6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
7. Мактабдан ташқари таълим.

1. Мактабгача таълим йўналиши

Бу халқ таълими тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. Унда 2 ойликдан 7 ёшгача бўлган болалар тарбияланишига эътибор берилади. Мактабгача таълим муассасаларининг оммавий туридан ташқари соғломлаштириш, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган махсус турлари ҳам барпо этилди.

Муассасанинг тури	Гуруҳдаги болалар сони	Муассасанинг иш тартиби
1-босқич Ясли (2 ойликдан 3 ёшгача)	10–15 бола	5; 9; 10; 12 соат
2-босқич Боғча (3-7 ёшлилар)	15–20 бола	5; 9; 10; 12; 24 соат

Бугунги кунда республикамиз бўйича мактабгача таълим муассасалари сони 6135 тани ташкил этиб, уларга 508235 нафар (20,4 фоиз) бола қамраб олинган.

Мактабгача таълим тизимида ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари тармоғи ҳам кенгайиб, қисқа муддатли гуруҳлар сони 1536 тани, саводхонлик марказлари 977 тани, якшанбалик мактаблари 1249 тани ташкил этмоқда.

Республикамизда 80 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб уларга 3281 нафар бола қамраб олинган.

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш билан соғлиқларини тиклаш учун 194 та махсус турдаги мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

2. Умумий ўрта таълим

«Таълим тўғрисида»ги (1997) Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ умумий ўрта таълим икки босқичдан иборат:

– бошланғич таълим (I–IV синфлар)
– умумий ўрта таълим (I–IX синфлар)

Мустақиллик йилларидаги ўзгаришларни, яъни 1991 ва 2010 йилларни қиёсий таққослаганда республикамиздаги жами мактаблар сони қуйидагича:

Республикада жами мактаблар сони – 8333 та Шундан: замонавий типдаги – 2957 та мослаштирилгани – 4692 та авария ҳолатидаги – 684 та	Республикамизда жами мактаблар сони – 9772 та Шундан: янги қурилганлари – 1559 та капитал реконструкция қилинганлари – 2224 та жорий таъмирланганлари – 2591 та.

3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминлангани 1991йилда: педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони – 25540 нафар. Шундан фан доктори, фан номзодлари – 186 нафар, олий маълумотли ўқитувчилар – 19767 нафар. Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони 156 та, ҳунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқитувчилар умумий сони 17562 нафар эди.

2010 йилга келиб, республикадаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) сони 1536 та. Шундан замонавий типдаги 1413 та; мослаштирилгани 123 та, академик лицейлар сони – 142 та, касб-ҳунар коллежлар сони-1394 та.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги: педагог ва муҳандис-педагоглар умумий сони 111881 нафар. Шундан фан докторлари – 96 *нафар, фан номзодлари – 1105 нафар, олий маълумотли ўқитувчилар – 101545 нафар.*

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитилаётган касбларнинг умумий сони – 251 та. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчиларнинг умумий сони – 1036104 нафар[121].

Йўналишлари (ихтиёрий танланади) қуйидагилардан иборат:

-Ўрта махсус таълим (академик лицей):

- давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради;
- ўқувчиларнинг имконият ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши учун чуқур соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди;
- ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини оширади;
- ўқувчилар фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантиради.
- битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб -ҳунар таълими (касб-ҳунар коллежи):

- тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус таълимини беради;
- ўқувчиларга танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имконини беради;
- жиҳозланиш даражаси, педагогик таркиби, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатдан янги типдаги замонавий таълим муассасалари ҳисобланади;
- бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради;
- битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисосликни ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил босқичдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши – академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан *ихтиёрий* танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради, ўқувчиларнинг имконият ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши учун чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган тарзда таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савиясини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга бўлади. Бу кўникмаларни улар ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолияти жараёнида рўёбга чиқариши мумкин.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини янада ошириб, улар учун билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратади.

---

[121] Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида // Маърифат, 2010 йил 30 сентябрь.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланиш даражаси, педагогик таркиб, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги замонавий таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чукур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чукурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдикланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

4.Олий таълим

(ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади)

Республикамизда олий таълим муассасаларининг 1991 ва 2010 йиллардаги ҳолати:

1991 йилда	2010 йилда
(ОТМ филиаллари) сони – 53 та Шундан: университетлар – 6 та; институтлар – 42 та; филиаллар – 5 та.	(ОТМ филиаллари) сони – 76 та Шундан: университетлар – 19 та; институтлар – 36 та; академиялар – 2 та; консерватория – 1 та; ракс ва хореография олий мактаби – 1 та; ОТМлари филиаллари – 11 та; Хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари – 6 та.

Босқичлари:

— *Бакалавриат* (мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим).

— *Магистратура* (аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим).

- Олий таълимнинг 254 та бакалавриат йўналиши ва 719 та магистратура мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, улар асосида намунавий ўқув режалари ва фан дастурлари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.
- «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган 25 та талабалар уйида Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2005 йилда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 36,5 миллиард сўм сарфланди.
- 2004–2009 йиллар давомида 1200 га якин ўқув адабиёт нашр этилди.
- Ўқув адабиётларининг замонавий янги авлодига қўйиладиган талаблар дунё тажрибаси асосида ишлаб чиқилди. Фанлар бўйича ўқув-методик мажмуанинг замонавий модели яратилди. Профессор-ўқитувчилардан иборат муаллифлар таркиби шакллантирилди. Улар томонидан 2550 та фан йўналиши бўйича ўқув-методик мажмуа яратиш ишлари олиб борилмоқда.
- Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида 22332 та компьютер мавжуд бўлиб, ҳар 100 нафар талабага 8,2 та (2004 йилда 4,2 та) компьютер тўғри келишини таъминлашга эришилди. 9 та олий таълим муассасасидаги ахборот технологиялари марказлари замонавий видеоконференция ускуналари билан жиҳозланди.
- Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги мавжуд 262 та кутубхона негизида ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ташкил этилди. Барча АРМлари замонавий компьютер техникалари ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозланди.
- Олий таълим муассасаларида 1500 дан ортиқ электрон дарслик ва ўқув қўлланма яратилди, кутубхона тизимини автоматлаштириш ва электрон каталоглар яратиш бўйича лойиҳалар 44 та олий таълим муассасасида амалга оширилди.

- Аспирантура ва докторантурада таҳсил олаётган тадқиқотчилар сони 2004-2009 йиллар давомида қарийб 1,6 баробарга ошди. 2009 йил кўрсаткичлари бўйича (2004 йилга нисбатан) номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоялари сони 12,9 фоиз, ўз муддатида ҳимоя қилган аспирант ва докторантлар сони 4,3 фоизга ошди.
- Давлат илмий-техник дастурлари доирасида жами 5,8 миллиард сўмлик 415 та илмий лойиҳа амалга оширилмоқда, бу эса 2004 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар кўпдир. Хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган илмий ишлар ҳажми 2004–2009 йиллар давомида 3,3 баробарга ошган (2004 йилда 546,3 миллион сўм бўлган бўлса, 2009 йилда 21192 миллион сўмни ташкил этган).

5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Бу таълим босқичи жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий, таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, катта илмий ходим-изланувчи сифатида олиш мумкин.

6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари 82 та лаборатория хонаси, 16 та лингафон синфи, 988 та замонавий компьютер ўрнатилган 75 та компьютер синфи, «Ўқитувчи 30 (60)» тизими билан жиҳозланган 11 та синф, 17 та электрон доска билан таъминланди.

7. Мактабдан ташқари таълим

Бугунги кунда мамлакатимизда 563 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда 537143 (11,2 фоиз) нафар ўқувчи қизиқишларига кўра машғулотларга қатнашмоқда.

VI. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: *асосий тушунча ва тамойиллар фани* бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маъно–мазмунига уйғун тарзда ёш авлодни, комил инсонни шакллантириш, унинг ғоявий ва мафкуравий онгини ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан халқимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби эзгу мақсадни қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш, юртимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш учун бизга ёт ва бегона бўлган зарарли ғоялар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, ёшларнинг онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил топди (2006 йил).

* * *

Юксак тараққиётни таъминлашда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши фаоллашмоқда.

3. Таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келмоқда.

4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини замонавий босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи баркамол авлодни шакллантиришга қаратилгандир.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади.

9. Мамлакатимизда таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услублари ишлаб чиқилиб жорий этилмоқда.

10. Таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилишнинг самарали тизими юзага келди.

11. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълимнинг талаб даражасидаги сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий самараси ва барқарор ривожланишининг кафолатлари, устувор йўналишларини таъминлайдиган норматив, моддий-техник ва ахборот базаси яратилди.

12. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этилмоқда.

13. Кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда.

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Баркамол авлод йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, давлатимизнинг юксак максадларга эришишининг ишончли кафолати бўлиб, ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

5.3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури – юксак билимли ва соғлом авлодни тарбиялашнинг пойдевори

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури 11 та йўналиш ва 102 банддан иборат бўлиб, унда болалар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш, она ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш асосида ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди. Дастурда ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга аҳамият берилган. Бундан ташқари, таълим тизими самарадорлигини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, информацион ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқалари ва интернет тизимини кенгайтириш,

ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш масаласига эътибор қаратилган.

Айтиш жоизки, истиқлол йиллари ёшларимиз жаҳон миқёсидаги олимпиадаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Сўнгги беш йил давомида умумтаълим фанлари бўйича 100 га яқин ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси Япония, Германия, Испания, Россия, Греция мамлакатларида турли фанлардан ўтказилган нуфузли олимпиадаларда иштирок этиб, 3 та олтин, 8 та кумуш, 36 та бронза медалларини қўлга киритди. Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган катта эътиборнинг самараси сифатида юзага келди.

2010 йилда умумтаълим муассасаларида кўплаб спорт заллари янгидан қурилди ва мавжудлари таъмирланди. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 34,8 фоизга етди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, бу борадаги ишларни янада кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, уларни юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиши, билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Президентимизнинг бекиёс ғамхўрлиги боис, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган кичик мутахассис кадрларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиб, юз минглаб ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмак берилмоқда. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча ҳудудлардаги бошқармалари билан таълим муассасалари битирувчилари учун бўш иш ўринлари бўйича ярмаркалар, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда иш берувчи корхоналарни жалб этган ҳолда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар йўлга қўйилди. Ана шу олижаноб ишларнинг мантиқий давоми сифатида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари, хусусан, қишлоқ жойлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, иш ўринлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Соғлом авлод учун» ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг орзу-истаклари, интилишларини рўёбга чиқариш йўлида самарали хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган «Келажак овози» республика танловининг якуний босқичида 2006 йили 8 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ғолиб бўлган бўлса, 2009 йилда уларнинг сони 26 нафарни ташкил этди. Мана шу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшларнинг қобилиятларини аниқлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, иқтидорли ёшларни илмий ишларга жалб қилиш масаласига эътибор берилди.

Президентимизнинг «Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш - бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак», деган фикрлари дастурга асос қилиб олинди, десак муболаға бўлмайди.

2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусида маъруза қилди. Ушбу

маърузада 2010 йилда «Баркамол авлод йили» давлат дастурини амалга ошириш бўйича қилинган ишларимизнинг улкан моҳияти ва аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди[122].

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Президентимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзусидаги маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, «давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этадиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик»[123].

Сизларга яхши маълумки, Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда ушбу дастур ижросини таъминлаш бўйича эришилган асосий натижалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Ислом Каримов

Ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши туфайли мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш имкониятига эга бўлди. Бу бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, уни янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан қатъият билан иш олиб боришни белгилаб берди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастурда ўз аксини топган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш жараёнларида ёш авлоднинг фаол иштирок этишига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, «бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади[124]. Таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси юксак бўлган ёшлар келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган кучдир. Ёшлар жамиятимизнинг таянчи ва суянчи бўлишга қодир куч бўлиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизни бевосита амалга оширади.

Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос устувор жиҳатларини қуйидаги ҳуқуқий асослар билан изоҳлаш мумкин.

1.*1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун* қабул қилинди. Мазкур қонун бош ислоҳотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир асосий стратегик йўналишлардаги фаолиятини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширишга имконият яратиб берди.

Ёшларнинг билим даражаси, касбий малакаси, маънавий ва руҳий баркамоллик каби фазилатлари ва ижтимоий сифатлари бутун жамиятнинг ривожланиш даражасига салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Бундай тамойиллар ёшларнинг алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бораётганини билдиради. Ёш авлодга бўлган муносабатдаги туб ўзгаришларни Президентимиз қуйидагича баҳолайди: ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Бугун ёшларнинг жамият ҳаётидаги

---

[122] **Каримов И.А.** Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент.: Ўзбекистон 2001. 22-б.

[123] **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151)

[124] **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар, 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 163-б.

ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда улғайиб келаётган ёш авлоднинг муаммоларини ўрганиш ва шу асосда уларнинг ечимини топишга бўлган эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати ҳақидаги қонунда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳар бир инсоннинг бурчи эканига, бу борада миллати, ирқи, тили, дини, жинси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, давлат томонидан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратилди.

Мазкур қонуннинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, унда ёшларимизнинг пухта билим олиши билан бир қаторда халқаро майдондаги фаоллиги ва иштирокини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаган, боқувчисини йўқотган, ёш ҳамда кўп болали оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, истеъдодли ёшлар орасидан алоҳида ёркин иқтидор эгаси бўлганларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилди.

> *Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт.*
>
> **Ислом Каримов**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган маърузасида шундай деган эди, «Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар»[125].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонда ёш оилаларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларга айрим енгилликлар яратиш кўзда тутилди. Ушбу фармонда қуйидаги ҳолатлар таъкидлаб ўтилди: ёш оила тоифасига 30 ёшдан ошмаган (14-30 ёшдаги фуқароларга тааллуқли) ёшлар киради. 1. Ёш оила аъзоларини ишга жойлаштириш. 2. Уй сотиб олишда уларни қўллаб-қувватлаш, уларга микрокредитлар ажратиш. 3. Уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш. 4. Ёш оилаларни маънавий, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш. 5. Никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларида ёшларга давлат томонидан моддий ёрдам бериш. 6. Иш ҳақи ва бошқа даромадларга солинадиган солиқ ва тўловлар бўйича уларга енгилликлар бериш. 7. 2007 йил 1 сентябридан бошлаб давлат тасарруфидаги вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналарни ёш оилаларга ажратиш учун уй-жойлар, кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этиш каби масалаларга алоҳида урғу берилди[126].

2008 йил мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилиниб, ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ўтган давр мобайнида бу йўналиш бўйича Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди ва 2 та қонун лойиҳаси кўрилди ва қабул қилинди. Ҳудудлардаги ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди[127].

---

[125] **Каримов И.А.** Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Т.: Ўзбекистон, 2009. –30-бет.

[126] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // «Туркистон», 2007 йил 19 май.

[127] **Каримов И.А.** Ватанимизнинг бокичма-бокич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Асарлар, 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 49, 58-б.

Демак, ёш авлоднинг қобилияти, истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида давлатимиз томонидан муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилиниб, ёшлар сиёсати маъно ва мазмун жиҳатдан бойитилиб, такомиллаштириб борилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда «Ёшлар йили»да бажарилиши лозим бўлган асосий ва муҳим вазифалар белгилаб берилди ва уларнинг ижроси 9 та йўналишда амалга оширилди.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, юртимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама уйғун ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилга юртимизда «Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этди ва у халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги 2010 йил 27 январда қарори қабул қилинди ва уни амалга ошириш учун 11 та устувор йўналиш ва вазифа белгилаб берилди. Бу масала бўйича тузилган республика комиссиясига «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклатилди. Дастурда белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифалар концептуал характерга эга экани билан ажралиб туради. Яъни, бу борадаги олижаноб мақсад давлатимиз, бутун жамиятимизнинг доимий ва узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифаси экани дастурда ўз ифодасини топди.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурининг мақсади мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама уйғун ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар кўлами қуйидагича:

Биринчи вазифа - болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар:

– 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди;

– «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида қўшимчалар билан тўлдирилди;

– «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

– «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди;

– «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида»ги Қонун парламент муҳокамасидан ўтмоқда;

– «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси қабул қилинмоқда.

Иккинчи вазифа – Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар:

«Соғлом она – соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган «Она ва бола скрининги» давлат дастури доирасида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш имконини яратди;

– ҳар ойда мунтазам равишда «Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилди, 2010 йилнинг ўзида туғрук ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўрикдан ўтказилди, шунингдек, 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди;



5.3.1-расм.

– 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамшираси, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Ислом Каримов

– хотин-қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида профилактик тадбирлар амалга оширилди, бундай чора-тадбирлар ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсони бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда;

– ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди;

– мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш кескин камайди. Ушбу ишлар самараси натижасида 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингококк инфекцияси 28 фоиз, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоиз камайган;

– мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг кўламли тадбир – полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди;

– ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда, хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилишда Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида минтақада намунавий модель сифатида эътироф этилди ҳамда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди;

– мамлакатимиз фармацевтика саноати жадал ривожланди. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоиз кўпдир;

– оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида 2010 йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

Учинчи вазифа – таълим соҳасида моддий-техник базанинг шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ишлаб чикилган "2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури" қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасаларининг (ОТМ) моддий салоҳиятини ўрганиб чиқиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш эвазига ОТМнинг таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий шаклларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асносида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган юқори маълумотга эга иқтисодчи кадрларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли ишлар бошлаб юборилди;

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг карийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция килинди;

– ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма – Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди. Жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратилмоқда;

– 2010 йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплекси барпо этилди. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрламоқда;

– шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди;

– Наманган шаҳрида 9900 ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаби, 1350 ўқувчи ўринли 4 та академик лицей, 23240 ўқувчи ўринли 41 та касб-ҳунар коллежи қуриб ишга туширилди ва реконструкция қилинди;

– 2011 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3200 ўқувчи ўринли янги ўқув корпуси қурилиши тугалланди ва у жиҳозланмоқда. Тошкент молия институтининг

3500 ўқувчи ўринли ўқув корпуслари бинолари реконструкция қилинди. Термиз давлат университетининг 2300 ўқувчи ўринли янги ўқув корпусининг иккинчи навбати қурилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалининг янги биноси қурилди. Қарши давлат университети ўқув корпуслари бинолари реконструкция қилинди;

– мамлакатимизда умумий ва ўрта махсус таълим давлат томонидан кафолатланмоқда. 7–15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражаси бугунги кунда юз фоизни ташкил этади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги мингйиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан етакчи давлатлар қаторида бажарилаётганини тўла тасдиқлайди.

Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди.

Ислом Каримов

Тўртинчи вазифа – баркамол авлодни шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар:

– 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаби қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди. 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедия воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди;

– узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар), олий ўқув юртларида янги стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди;

– 2010–2011 йиллар мобайнида ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиб, унинг фаолият кўрсатиши таъминланмоқда;

– 2010–2011 йилларда ҳар бир умумтаълим мактаби 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув фильмлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий ютуқлари бўйича электрон манбалар билан таъминланмоқда;

– умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланиши, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди;

– имконияти чекланган ва уйда ўқишга жалб қилинган 5-9-синфларнинг 10 нафардан ўқувчиси ҳар бир туманда шахсий компьютер билан таъминланиб, улар «Ziyo-Net» тармоғига (ҳаммаси бўлиб 2000 киши) уланди, жисмоний имкониятлари чекланган талабаларни уйда қўшимча равишда ўқитиш учун 250 талаба «Ziyo-Net» тармоғига уланди;

– мактаблар, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий-тадқиқот ташкилотларининг ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши педагоги», «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» танловлари ташкил қилинди;

– ўқув жараёнини ва педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни тайёрлаган энг яхши педагогларга танлов асосида педагогик грантлар бериш борасидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш давом эттирилди.

Бешинчи вазифа – Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқа воситалари ва интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар:

1994 йилда мамлакатимизда 475 та ОАВ, жумладан, 384 та газета, 66 та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевидениеси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият

кўрсатган бўлса[128], Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда[129];

– мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасаси, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материали ва ресурсларни ўз ичига олган таълим порталига (масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимига жорий этиш) уланди.

– замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда, бу ишлар натижасида юртимизда 6,6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобиль алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади;

– Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда;

– дастур доирасида ҳаётнинг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан ҳар бир ташкилот ва оилада фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича оммавий тадбирлар ўтказилди;

– аҳолига, шу жумладан, қишлоқ аҳлига интернет тармоғининг халқаро каналларига кириш имконияти босқичма-босқич кенгайтириб борилди. Ўқув юртларидаги компьютер синфлари ва интернет тармоғидан жамоатчилик асосида фойдаланиш пунктлари базасида ахборот технологиялари асосларини ўқитиш тизими ташкил этилди;

– бугунги кунда юртимиз мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўнта мамлакат қаторига киради. Ўзбекистонда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилга нисбатан 200 баробар ошиб, 19 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этмоқда. Агар ўн йил олдин мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобиль телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди.

Олтинчи вазифа – ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спорти соҳасида ҳамда ёшларнинг спорт билан доимий шуғулланиши борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар:

– мустақиллик йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди;

– Андижон шаҳрида «Универсиада – 2010» спорт ўйинлари ўтказилди;

– «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кам таъминланган оилаларга мансуб 120 минг нафар қиз бола 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари билан таъминланди;

---

[128] ОАВ: ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда // Халқ сўзи, 2010 йил, 20 август.

[129] **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010, 30-бет.

– мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури доирасида ушбу спорт тури билан шуғулланадиган қизлар сони 2010 йилнинг ўзида 6–7 баробар, айрим вилоятларда эса 10–12 баробар ортди;

– Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашди;

– 2010 йилда ўтказилган 42 та халқаро мусобақада Ўзбекистондан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил қилди;

– 2010 йил ёзида Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди;

– юқорида зикр этилган Осиё ўйинларида 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медали қўлга киритилди, вакилларимиз умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишди;

– айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди, бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси деб тан олинди;

– футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси шу йили Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб фахрли сафдан жой олди;

– Аргентинада бўлиб ўтган ампутант ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Еттинчи вазифа – ёшларни, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар:

> *Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.*
>
> **Ислом Каримов**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банклар томонидан имтиёзли кредитлар бериш тизими йўлга қўйилди;

– 2010 йилда ёшлар учун 520 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни рағбатлантиришга йўналтирилган кичик корхоналар ходимларининг чекланган сонини белгилаш тартиби такомиллаштирилди;

– ёшларда меҳнат кўникмаларини тарбиялаш ва тадбиркорлик ташаббускорлигини шакллантириш мақсадида тажриба тариқасида аграр йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ёрдамчи ўқув хўжаликлари, саноат, қурилиш, архитектура, конструкторлик ва сервис корхоналари, ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар, кичик сервис корхоналари ташкил этилди;

– узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ва талаба ёшларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мажбурий бўлган энг кам зарурий кўникма ва малакани шакллантириш чора-тадбирлари кўрилди;

– «Келажак овози» минтақавий ёшлар ташаббуслари марказлари базасида ёш тадбиркорлар учун микрокредитлар берган ҳолда, тадбиркорлик ва замонавий менежерлар тайёрлашни ривожлантириш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди;

– ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш маркази фаолияти янада фаоллашди.

Саккизинчи вазифа – ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар:

– «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.

Натижада:

– илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий-изланувчилар институти жорий этилди;

– энг муҳими ана шу тадқиқотчиларнинг иш ҳақи 1,6 баробар кўпайди;

– олий таълим муассасаларида Ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари шакллантирилди;

– иқтидорли ёшларнинг интеллектуал савиясини ривожлантириш учун фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар лойиҳалари танлови ҳамда ёш олимларнинг илмий-техник дастурлари шакллантирилди, «Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди ҳамда Инновацион ғоялар маркази ташкил топди;

Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси, аввало, оилада пайдо бўлади, инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Ислом Каримов

– Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида иқтидорли ёшлар учун ёзги ва қишки ўқув оромгоҳлари ташкил этилди;

– 2010 йилда болалар ва ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танлови, «Ниҳол» республика мукофоти бўйича кўп босқичли танловлар ўтказилди.

Тўққизинчи вазифа – ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини ташкил қилишни таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилани қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган ишлар:

– 2010 йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди;

– вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларни реконструкция қилиш ва уй-жой харид этиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди;

– шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди;

– республикамизнинг ҳар бир тумани (шаҳар)да 10 та кам таъминланган оилага тўй ва оилавий тантаналарни ўтказишда кўмаклашилди;

– ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилиш бўйича биргаликда яшаётганига 5 йил, 10 йил ва 25 йил бўлган аҳил ва бахтли оилалар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ибратли оила» телекўрсатувлари намойиш этилди.

– ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тўғрисида «Сиз оилага масъулсиз», «Ёш оиланинг турмуш маданияти» номли буклетлар, рисолалар, плакатлар, мақола ва ижтимоий роликлар тайёрланди.

Ўнинчи вазифа – ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш, уларни наркомания, маънавиятсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш бўйича амалга оширилган ишлар:

– ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

«Оммавий маданият»ни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, унга ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. XX асрда ва XXI аср бошларга келиб радио, кино телевидение, видео компьютер, интернет тизимининг пайдо бўлиши ва ривожи сохта «оммавий маданият» намуналарининг дунё бўйлаб ёйилишига сабаб бўлди. Бу давр кўпчилик учун мақбул бўлган қараш ва қадриятларни шакллантириш имкониятлари ҳам ижобий, ҳам салбий томонга кескин ўзгаргани билан ажралиб туради. Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида сохта «оммавий маданият»га қуйидагича изоҳ берган: «Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлоқо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак»[130].

«Оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган хуружлар: 1) молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида «оммавий маданият»дан фойдаланмоқда. 2) одамлар, ёшларнинг онгу тафаккури, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган, сохта ғоя ва мафкураларни тарғиб қилмоқда; 3) замонавий ахборот технологияларини ишлатмоқда; 4) ахлоқий бузуқлик ва зўровонликни тарғиб қилмоқда.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурида индивидуализм; эгоцентризм (шахснинг ўз қизиқиш доирасига боғланиб қолиши, ўз фикрини ўзгартира олмаслиги); бюрократия; манфаатпарастлик; порахўрлик; маҳаллийчилик; шуҳратпарастлик; лоқайдлик; бефарқлик; сотқинлик каби иллатларга қарши курашиш масалалари ҳам ўз аксини топди ва шу борада ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, маънавият соҳасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

– «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш;

> *Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини тугдирди.*
>
> **Ислом Каримов**

– «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» комплекс дастури ишлаб чиқилиб, ҳар бир таълим муассасасида гиёҳвандликка қарши кураш халқаро ойлиги, «Биз – гиёҳвандликка қаршимиз» ёшлар фестивали ўтказилди. «Соғлом турмуш тарзи – ёшларни уйғун камол топтириш гарови» махсус таълимий-маърифат сайти ташкил этилди, «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» шиори остида шоу-концертлар ташкил қилинди;

– миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурслар янада кенгайтирилди, олий ўқув юртлари, лицейлар, коллеж ва мактабларда «Ziyo-Net» тармоғи имкониятлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланилди;

– давлат музейларига кириш 18 ёшгача бўлган болалар учун бепул бўлган тартиб жорий этилди;

– қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатилаётган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга эътибор берилди, ахлоқий маданиятни ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, сохта «оммавий маданият»нинг кириб келишига қарши чора-тадбирлар амалга оширилди;

---

[130] **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент, Маънавият, 2008. 117-бет.

Ўн биринчи вазифа – «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар:

– оммавий ахборот воситалари аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 ва 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғишларидаги маърузаларида баён қилиган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди;

– чет элларда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари орқали, шу жумладан, замонавий ахборот технологиялари, алоқанинг сунъий йўлдоши каналларидан фойдаланган ҳолда, «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тизимли тушунтириш ишлари йўлга қўйилди;

– «Баркамол авлод йили» давлат дастурини бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 2010 йилда қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

5.4 Таълим соҳаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш – баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим шарти

1997 йилда таълим-тарбия тизимидаги барча ислоҳотларни белгилаб берадиган иккита муҳим ҳужжат – «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*нинг асосий мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизими, *кадрлар тайёрлаш миллий модели*ни шакллантиришдан иборат. Миллий моделнинг асосий таркибий қисмларини *шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан* ва *ишлаб чиқариш* ташкил қилади.

2010 йилнинг мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ёшларни жисмоний, маънавий ҳамда интелектуал жиҳатдан соғлом қилиб ўстиришга, уларга барча шарт-шароитларни яратиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, реал иқтисодиётда ва турли соҳаларда таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлашга қаратилди.

2009 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» фармойиши эълон қилиниб, унда баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация

> *Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.*
>
> **Ислом Каримов**

ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобидан мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, лицей ва коллежларда замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш асосий вазифалардан қилиб белгиланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан деярли 8 триллион сўм ва 165 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағ йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими ўзининг изчиллиги билан ёш авлоднинг ёркин келажагини таъминлашда ишончли кафолат бўлиб қолмоқда. Бу тизимда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ўрни ўзига хосдир, чунки бу тизим, аввало юртимизда янги ижтимоий муҳитни шакллантиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, бу тизим республикамиз меҳнат бозорига малакали мутахассисларни етиштириб бермоқда. Шу асосларга кўра, мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги муҳим ва ўзига хос таълим турларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарори асосида «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги низом тасдиқланди. Мазкур қарор бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш босқичма-босқич амалга оширилди. Академик лицейлар олий таълим муассасалари ҳузурида, ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа таълим муассасалари негизида ва янги қурилиш ҳисобидан ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежлари эса ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва уларга тенглаштирилган таълим муассасалари негизида, шунингдек, янги қурилиш ҳисобидан ташкил этила бошланди.

Умумий таълим негизида ўқитиш муддати уч йил бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билим асосларини чуқур ўрганишни, танланган касб-ҳунар бўйича кичик мутахассис сифатида мустақил амалий ишлаш учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди. Таълимнинг ушбу турининг мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, ўқув-услубий, моддий-техникавий ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлайдиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидир.

- **Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича мактабгача таълим муассасалари сони 6135 тани ташкил этиб, улар билан 508235 нафар (20,4 фоиз) бола қамраб олинди.**
- Мактабгача таълим тизимида ноанъанавий мактабгача таълим муассасалар тармоғи ҳам кенгайиб қисқа муддатли гуруҳлар сони 1536 тани, саводхонлик марказлари 977 тани, якшанбалик мактаблари 1249 тани ташкил этмоқда.
- **Юртимизда 80 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб, улар билан 3281 нафар бола қамраб олинган.**
- Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда соғлиқларини тиклаш учун 194 та махсус турдаги мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

- Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида таълим муассасаларидаги жиҳозланган физика лаборатория хоналари сони 6962 тага, кимё лаборатория хоналари 6682 тага, биология хоналари 6682 тага ошди.
- 2004-2009 йилларда 1607 та мактаб ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактаб телефон алоқасига, 1076 та мактаб эса марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.
- 2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 463,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.
- Ўқув фанларидан 119 номдаги, жумладан, 65 номдаги электрон дарсликлар, 26 номдаги ўқув фильмларини ҳамда 28 номдаги мультимедия дастурий воситалари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.
- 2004-2009 йиллар давомида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, ОПЕК жамғармаси, Саудия тараққиёт жамғармаси каби халқаро молиявий институтлар ва Хитой Халқ Республикаси ҳамда Корея Республикаси Эксимбанклари билан олиб борилган самарали ҳамкорлик алоқалари натижасида умумий миқдори 181,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган жами 8 та лойиҳа амалга ошириб келинмоқда.
- Халқаро фан олимпиадаларида мактаб ўқувчилари томонидан 149 та медаль қўлга киритилди. Уларнинг 6 таси олтин, 14 таси кумуш ва 60 таси бронза медали ҳамда 69 таси махсус дипломлардир.
- Ўзбекистонда таълим етти тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб борилиши учун барча шароитлар яратилган.
- Хар йили биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари - янги дарсликлар ва 12 номдаги ўқув куроллари тақдим этилади, 2-9-синфлар эса ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими орқали зарур ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланмоқда.
- 10825 нафар ногирон боланинг уй шароитида таълим олиши учун шароит яратилган, улар дарсликлар, ўқув анжомлари ва компьютерлар билан таъминланди[131].

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари юридик шахс ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади ва «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги низом асосида фаолият кўрсатади.

Касб-ҳунар бўйича чуқурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини ва уларнинг ўз қобилиятлари, мойилликларига мувофиқ танлаган касб-ҳунар бўйича мутахассисликларни эгаллашини таъминлаш ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимни тугатишда улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичлари натижалари бўйича, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежида ўқиш йўналишини ихтиёрий равишда танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида умумий таълим ва касб-ҳунар дастурлари уч курсда амалга оширилади. Ўқувчилар ўқув курслари бўйича гуруҳларга, ўқиш йўналишлари бўйича эса бўлинмаларга бирлаштирилади.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиёти қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. 16 фоиз – моддий-техник базага боғлиқ.
2. 20 фоиз – ресурсларга боғлиқ.
3. 64 фоиз - инсон омилига боғлиқ.

---

[131] Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида// Маърифат, 2010 йил 30 сентябрь.



5.4.1-расм. **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш.**

Таълим муассасасининг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади ва улардан қонунчилик ва таълим муассасасининг низомидаги вазифаларга мувофиқ фойдаланилади.

Давлат таълим муассасасининг моддий воситалари, бинолари, иншоотлари ва асбоб-ускуналари унинг хўжалик тасарруфида бўлади ҳамда улардан низомдаги вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг устахоналари, лабораториялари ва бошқа объектларининг жиҳозланиши намунавий нормативлар билан белгиланади.

Таълим тизимининг мазкур турига мансуб бўлган таълим муассасаларида, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқа соҳаларининг турли йўналишлари учун иқтидорли кичик мутахассислар тайёрланади. Шу ўринда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг узлуксиз таълим тизимидаги ўрнига бир назар солайлик.

- 2004–2009 йиллар мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида давлат бюджетидан 85 миллиард сўм миқдорида ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Чет эл инвестициялари ҳисобидан 137,1 миллион АҚШ доллари миқдорида мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар ҳамда кўргазмали қуроллар харид қилинди ва ўрнатилди.
- «Ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари, таълимнинг техник воситалари ва ўқув-кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқаришни республика корхоналарида маҳаллийлаштириш» дастурини бажариш бўйича 2004 йилда 34 та корхона ва ташкилотлар билан 113 турдаги ўқув-лаборатория жиҳозларини ишлаб чиқариш учун 16,7 миллиард сўмлик шартномалар тузилиб, таълим муассасалари жиҳозланган бўлса, 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 18,5 миллиард сўм молиялаштирилди.
- 2008 йилда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш натижасида 2142 миллион сўм бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилди. 2009 йилда бу кўрсаткич 3511 миллион сўмни ташкил қилди.
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги, ишга қабул қилиш шартномаларини тузиш механизми шакллантирилиб, улар билан 13338 та шерикчилик шартномаси имзоланди.

• Микрокредитбанк томонидан битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш фаолияти ташкил этилди. Биргина 2009 йилда 923 нафар битирувчига 962 миллион сўм миқдорида микрокредит маблағлари ажратилди.

• 1536 та ахборот-ресурс марказ ва 330 ахборот-ресурс марказида 100 миллиондан ортиқ турли йўналиш ва тилдаги ўқув адабиётлари бўлиб, улар 3 миллион 654 минг аҳолига ва 1 миллион 627 минг ўқувчига хизмат кўрсатмоқда.

• Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг 25 нафар иқтидорли ўқувчи қизлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

• Бугунги кунда 50 турдаги спорт секцияларида шуғулланувчи ўқувчилар сони 498055 нафарни ташкил этмоқда. Улардан 227027 нафарини қизлар ташкил этади.

• Таълим муассасаларининг ўқувчилари 2008/2009 ўқув йили давомида бир катор Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда Халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 119 нафари жаҳон, 154 нафари Осиё ва 400 нафарга яқини халқаро мусобақаларнинг ғолиби бўлди[132].

2005 – 2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедия ускунаси ўрнатилди.

Ислом Каримов

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

— академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— соҳа учун олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

— академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

— ҳудудларнинг жўғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

— *академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш.*

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш борасида 2005 йилдан бугунги кунга қадар мамлакатимиз ва ҳудудлар миқёсида амалга оширилган ишлар кўламини қуйидаги жадваллар орқали кўришимиз мумкин.

[132] Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида// Маърифат, 2010 йил, 30 сентябрь.

5.4.1-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш (2005 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**6840**	**5850**	**990**	**22726,8**	**19922,3**	**2804,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	720	720	–	2068,8	2068,8	–
вилоятлар:						
Андижон	–	–	–	2069,5	2069,5	–
Бухоро	720	720		1042,3	1042,3	–
Жиззах	–	–	–	–	–	–
Қашқадарё	–	–	–	4,7	4,7	–
Навоий	990	990	–	2655,9	2655,9	–
Наманган	720	720	–	1942,6	1942,6	–
Самарқанд	990	990	–	5160,3	5160,3	–
Сурхондарё	–	–	–	33,6	33,6	–
Сирдарё	–	–	–	–	–	–
Тошкент	–	–	–	801,3	–	801,3
Фарғона	1980	990	990	3104,7	1104,3	2000,4
Хоразм	720	720	–	2239,1	2239,1	–
Тошкент ш.	–	–	–	1604,0	1601,2	2,8

5.4.2-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2005 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**65600**	**36440**	**29160**	**193329,9**	**123462,9**	**69867,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	4020	900	3120	13394,8	9362,7	4032,1
вилоятлар:						
Андижон	5580	4140	1440	14360,9	12423,6	1937,3
Бухоро	2550	630	1920	10306,2	2192,2	8114,0
Жиззах	3810	3210	600	8326,3	7434,8	891,5
Қашқадарё	8250	4860	3390	23525,5	19215,1	4310,4
Навоий	3720	3720	–	8722,0	8722,0	–
Наманган	5670	3390	2280	14318,6	8216,2	6102,4
Самарқанд	9300	5160	4140	24272,0	17145,8	7126,2
Сурхондарё	4610	4490	120	15543,4	15457,1	86,3
Сирдарё	1530	1380	150	4252,8	3527,4	725,4
Тошкент	3240	750	2490	23711,3	6471,0	17240,3
Фарғона	7380	2370	5010	17083,9	9153,9	7930,0
Хоразм	3840	1440	2400	9372,3	4141,1	5231,2
Тошкент ш.	2100	–	2100	6139,9	–	6139,9

5.4.3-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш (2006 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**3240**	**3240**	**–**	**15,9**	**15,2**	**0,7**
Қорақалпоғистон Республикаси	–	–	–	2,0	2,0	–
вилоятлар:						
Андижон	720	720	–	0,9	0,9	–
Бухоро	–	–	–	0,0	0,0	–
Жиззах	–	–	–	0,0	0,0	–
Қашқадарё	–	–	–	0,1	0,1	–
Навоий	720	720	–	2,0	2,0	–
Наманган	–	–	–	2,0	2,0	–
Самарқанд	990	990	–	0,3	0,3	–
Сурхондарё	–	–	–	0,0	0,0	–
Сирдарё	–	–	–	0,0	0,0	–
Тошкент	–	–	–	0,6	–	0,6
Фарғона	–	–	–	0,1	0,1	–
Хоразм	–	–	–	0,9	0,8	0,1
Тошкент ш.	810	810	–	7,0	7,0	–

5.4.4-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2006 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**69660**	**47230**	**22430**	**179,1**	**136,2**	**42,9**
Қорақалпоғистон Республикаси	4120	3160	960	7,8	7,1	0,7
вилоятлар:						
Андижон	6660	6660	–	13,7	13,7	–
Бухоро	2790	1800	990	11,8	6,3	5,5
Жиззах	2820	2520	300	8,1	8,1	–
Қашқадарё	6240	4530	1710	17,0	14,2	2,8
Навоий	2220	2220	–	5,9	5,9	-
Наманган	4860	2700	2160	13,7	9,4	4,3
Самарқанд	10470	7350	3120	26,8	20,0	6,8
Сурхондарё	5220	3780	1440	15,4	13,1	2,3
Сирдарё	2610	1650	960	5,4	4,5	0,9
Тошкент	7470	3480	3990	17,0	9,8	7,2
Фарғона	6930	5580	1350	20,2	17,1	3,1
Хоразм	4140	1800	2340	10,2	7,0	3,2
Тошкент ш.	3110	–	3110	6,1	–	6,1

5.4.5-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш (2007 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**12885**	**10365**	**2520**	**50,4**	**42,1**	**8,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	735	735	–	2,5	2,5	–
вилоятлар:						
Андижон	–	–	–	1,2	1,2	–
Бухоро	825	825	–	3,1	3,1	–
Жиззах	915	915	–	2,5	2,5	–
Қашқадарё	1470	1470	–	4,5	4,5	–
Навоий	–	–	–	–	–	–
Наманган	1455	1455	–	2,8	2,8	–
Самарқанд	1290	1290	–	4,8	4,8	–
Сурхондарё	–	–	–	2,3	2,3	–
Сирдарё	735	735	–	2,6	2,6	–
Тошкент	–	–	–	1,7	–	1,7
Фарғона	1470	1470	–	4,9	4,9	–
Хоразм	555	–	555	3,8	2,2	1,6
Тошкент ш.	3435	1470	1965	13,7	8,7	5,0

5.4.6-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2007 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**110940**	**87720**	**23220**	**323,3**	**270,2**	**53,1**
Қорақалпоғистон Республикаси	7290	5790	1500	22,0	19,1	2,9
вилоятлар:						
Андижон	10215	7335	2880	23,5	16,8	6,7
Бухоро	4230	3765	465	19,0	15,4	3,6
Жиззах	4710	4710	–	14,1	14,1	–
Қашқадарё	11565	9525	2040	33,1	28,4	4,7
Навоий	3615	2850	765	10,0	8,7	1,3
Наманган	7440	7005	435	23,4	22,9	0,5
Самарқанд	15345	11670	3675	42,3	33,8	8,5
Сурхондарё	9045	8460	585	30,1	28,8	1,3
Сирдарё	2715	2715	–	9,7	9,7	–
Тошкент	12060	8430	3630	32,3	26,3	6,0
Фарғона	11835	10665	1170	33,8	30,3	3,5
Хоразм	5385	4800	585	17,6	15,9	1,7
Тошкент ш.	3110	–	3110	6,1	–	6,1

5.4.7-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш (2008 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**14655**	**9990**	**4665**	**51,8**	**35,0**	**16,8**
Қорақалпоғистон Республикаси	495	495	–	2,5	2,5	–
вилоятлар:						
Андижон	795	795	–	1,4	1,4	–
Бухоро	795	795	–	2,8	2,8	–
Жиззах	1290	1290	–	5,2	5,2	–
Қашқадарё	–	–	–	0,1	0,1	–
Навоий	–	–	–	–	–	–
Наманган	495	495	–	2,4	2,4	–
Самарқанд	1245	795	450	6,0	2,8	3,2
Сурхондарё	1590	1590	–	3,1	3,1	–
Сирдарё	495	495	–	2,4	2,4	–
Тошкент	720	–	720	2,3	2,2	0,1
Фарғона	1245	795	450	6,2	2,7	3,5
Хоразм	1260	810	450	2,6	–	2,6
Тошкент ш.	4230	1635	2595	14,8	7,4	7,4

5.4.8-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2008 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**113195**	**105090**	**8105**	**355,0**	**336,5**	**18,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	5850	5850	–	31,1	31,1	–
вилоятлар:						
Андижон	8685	8595	90	24,3	24,2	0,1
Бухоро	8070	7770	300	24,4	23,2	1,2
Жиззах	4770	4770	–	15,8	15,8	–
Қашқадарё	11985	11985	–	35,9	35,3	0,6
Навоий	3645	3645	–	14,2	14,2	–
Наманган	8730	8430	300	23,6	22,9	0,7
Самарқанд	12300	11595	705	36,3	34,1	2,2
Сурхондарё	11760	11760	–	27,2	27,2	–
Сирдарё	2175	2175	–	8,4	8,4	–
Тошкент	11310	9255	2055	32,2	28,4	3,8
Фарғона	9480	8310	1170	28,7	25,7	3,0
Хоразм	7125	7125	–	22,9	22,9	–
Тошкент ш.	7310	3825	3485	30,0	23,1	6,9

5.4.9-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш (2009 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Реконс-трукция		Янги қурилиш	Реконс-трукция
Ўзбекистон Республикаси	**12300**	**8895**	**3405**	**60,5**	**46,3**	**14,2**
Қорақалпоғистон Республикаси	495	495	–	3,1	3,1	–
вилоятлар:						
Андижон	1755	795	960	7,0	3,6	3,4
Бухоро	795	795	–	3,6	3,6	–
Жиззах	–	–	–	0,8	0,8	–
Қашқадарё	795	795	–	3,6	3,6	–
Навоий	–	–	–	0,0	0,0	–
Наманган	–	–	–	0,0	0,0	–
Самарқанд	495	495	–	4,4	4,4	–
Сурхондарё	930	930	–	5,3	5,3	–
Сирдарё	975	–	975	3,7	0,1	3,6
Тошкент	1290	1290	–	4,3	4,3	–
Фарғона	1290	1290	–	8,2	8,2	–
Хоразм	795	795	–	3,6	3,6	–
Тошкент ш.	2685	1215	1470	12,9	5,7	7,2

5.4.10-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш (2009 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Реконс-трукция		Янги қурилиш	Реконс-трукция
Ўзбекистон Республикаси	**115610**	**96165**	**19445**	**472,9**	**421,4**	**51,5**
Қорақалпоғистон Республикаси	2580	1710	870	13,4	11,6	1,8
вилоятлар:						
Андижон	7065	7065	–	30,7	30,7	–
Бухоро	8850	8850	–	39,6	38,0	1,6
Жиззах	7035	7035	–	31,4	31,4	–
Қашқадарё	10590	10590	–	46,3	46,3	–
Навоий	1305	1305	–	6,5	6,5	–
Наманган	4860	4860	–	20,9	20,9	–
Самарқанд	16065	16065	–	68,5	68,5	–
Сурхондарё	7275	7275	–	33,6	33,6	–
Сирдарё	2520	2520	–	10,5	7,9	2,6
Тошкент	14745	9660	5085	51,7	40,0	11,7
Фарғона	15390	14985	405	62,4	60,3	2,1
Хоразм	2760	2760	–	12,3	12,3	-
Тошкент ш.	14570	1485	13085	45,1	13,4	31,7

5.4.11-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш (2010 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**2250**	**900**	**1350**	**34832,2**	**24551,8**	**10280,4**
Қорақалпоғистон Республикаси	–	–	–	655,9	655,9	–
вилоятлар:						
Андижон	–	–	–	46,8	–	46,8
Бухоро	–	–	–	2233,4	2202,9	30,5
Жиззах	–	–	–	16,1	–	16,1
Қашқадарё	–	–	–	2535,5	2535,5	–
Навоий	–	–	–	636,8	636,8	–
Наманган	–	–	–	1217,1	1182,0	35,1
Самарқанд	–	–	–	5173,4	5143,0	30,4
Сурхондарё	–	–	–	1809,1	1809,1	–
Сирдарё	–	–	–	409,6	409,6	–
Тошкент	–	–	–	212,5	212,5	–
Фарғона	–	–	–	2823,7	2823,7	–
Хоразм	–	–	–	1241,0	1228,5	12,5
Тошкент ш.	2250	900	1350	15821,3	5712,3	10109,0

5.4.12-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2010 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	**20330**	**12945**	**7385**	**149429,2**	**117951,9**	**31477,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	–	–	–	3314,8	3214,6	100,2
вилоятлар:						
Андижон	–	–	–	2106,5	2106,5	–
Бухоро	390	390	–	3809,8	3627,4	182,4
Жиззах	435	435	–	2877,1	2877,1	–
Қашқадарё	3765	2715	1050	19405,0	15845,0	3560,0
Навоий	–	–	–	2111,5	2111,5	–
Наманган	–	–	–	4013,5	4013,5	–
Самарқанд	1635	1050	585	15672,2	13248,5	2423,7
Сурхондарё	4650	3855	795	33196,4	28545,0	4651,4
Сирдарё	–	–	–	–	–	–
Тошкент	1740	1740	–	14399,3	13855,7	543,6
Фарғона	2460	2460	–	17858,9	17858,9	–
Хоразм	–	–	–	3760,2	3760,2	–
Тошкент ш.	5255	300	4955	26903,8	6887,8	20016,0

Ушбу рақамлар мамлакатимиз миқёсида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилиши ва ўзлаштирилган инвестициялар кўламини кўрсатиб турибди.

5.4.13-жадвал

Академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
2005	6840	5850	990	22726,8	19922,3	2804,5
2006	3240	3240	–	15,9	15,2	0,7
2007	12885	10365	2520	50,4	42,1	8,3
2008	14655	9990	4665	51,8	35,0	16,8
2009	12300	8895	3405	60,5	46,3	14,2
2010	2250	900	1350	34832,2	24551,8	10280,4

5.4.14-жадвал

Касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (миллиард сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
2005	65600	36440	29160	193329,9	123462,9	69867,0
2006	69660	47230	22430	179,1	136,2	42,9
2007	110940	87720	23220	323,3	270,2	53,1
2008	113195	105090	8105	355,0	336,5	18,5
2009	115610	96165	19445	472,9	421,4	51,5
2010	20330	12945	7385	149429,2	117951,9	31477,3

Ўтган йиллар давомида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юртимизда бир минг беш юздан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди.



Шундай қилиб, бугунги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг умумий сони ва уларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг жами қуйидаги рақамларни кўз олдимизда гавдалантиради:

Ўрта махсус, таълим-ҳунар таълими тизимида жами 1536 та таълим муассасаси мавжуд. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳаммаси булиб 1 миллион 627 минг 137 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Тизимда меҳнат қилаётган педагоглар сони ва уларнинг маълумоти бўйича ушбу рақамларга эътибор беринг.



Шуни алохида таъкидлаш лозимки, 2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. 2010 йилда қурилиши ва қайта таъмирланиши, реконструкция қилиниши кўзда тутилган 900 ўринли иккита академик лицей ва 22 минг 910 ўринли 43 та касб-ҳунар коллежи, 11 минг 555 ўринга мўлжалланган 98 та ўқувчилар турар жойида режалаштирилган ишлар тўлик бажарилди. Бунинг учун 190370 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ушбу жадвал бу борадаги умумий ахвол ва ўзгаришлар кўламини якқол намоён этади.

5.4.15-жадвал

Моддий-техник таъминот

Йиллар	Қурилиш ва реконструкция *(сўм ҳисобида)*	Жиҳозлаш		Адабиётлар чоп этиш *(сўм ҳисобида)*
		Республика ва махаллий бюджет *(сўм ҳисобида)*	**Хорижий давлатлар кредити ва гранти** *(АҚШ доллари ҳисобида)*	
1998-2010	2559,1 миллиард	99,5 миллиард	208,2 миллион	17,6 миллиард
2011	21,1 миллиард	28,5 миллиард	1,2 миллион	3,5 миллиард

5.4.16-жадвал

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар

2010/2011 ўқув йили учун:	
Номда	327
Нусхада	464877
Сарфланган маблағ	3,01 миллиард сўм
«ZiyoNET» ахборот ресурс марказларига электрон шаклда жойлаштирилди:	
Ўқув адабиёти	68 номда
Ўқув дастурлари	32 номда
Журнал	«Касб маҳорати» (барча сонлари)

2010 йил 1 сентябргача мамлакатимиз бўйича режада белгиланган 43 та касб-ҳунар коллежидан 25 таси ва академик лицейлардан 2 таси фойдаланишга топширилди, 18 та касб-ҳунар коллежи муддатидан кечиктириб фойдаланишга топширилди, академик лицейлар эса режада белгиланганидек фойдаланишга топширилди.

2010/2011 ўқув йили учун 595 минг 692 нафар 9-синф битирувчисининг 98,2 фоизи академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш билан қамраб олинди.

Ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўгаракларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

2010 йилда болаларнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда 6 та мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, 2010 йилда 46 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари асосида кадрлар тайёрлаш йўналишларининг инвентаризацияси борасида қуйидагиларни айтиш мумкин. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 57 та касб-ҳунар коллежида 38 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди, 122 та касб-ҳунар коллежида 80 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш бошланди, 30 та касб-ҳунар коллежида 10 та янги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 20 та касб-ҳунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди, шу жумладан, Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ташкил этилиши муносабати билан Навоий вилоятидаги 5 та касб-ҳунар коллежининг тайёрлов йўналиши ўзгартирилди.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 июндаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш, ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларига қабул тизимини келгусида такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисидаги» баённома топшириғига асосан, ўрта махсус касб ҳунар таълими муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш масалалари устувор йўналишлар сифатида белгиланди. Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб, икки муҳим масалага эътиборни қаратиш лозим: касб-ҳунар коллежларида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган сифатли кадрлар тайёрлаш ва битирувчилар бандлигини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш.

2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар

алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса 2 баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозим.

Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, 2011 йилда ҳам давлатимизнинг диққат марказида бўлмоқда.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 59,5 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилмоқда. Бу 2010 йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланиши белгиланди.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳномолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, мазкур дастурнинг мантиқий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган ишларимиз замирида фарзандларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялаш орқали юртимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйиш, унинг буюк келажагини бунёд этишдек эзгу мақсад ётади.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги 321-сонли қарори қабул қилинди. Дастурда умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қарорга асосан 2004-2009 йилларда 3 миллион 12 минг ўринли 8500 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 116640 ўқувчига мўлжалланган 351 та янги мактаб биноси қурилди, 850951 ўқувчи ўрнига эга бўлган 2470 та мактаб биноси ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 2044582 ўқувчи ўрнига эга бўлган 3607 та мактабнинг бино ва иншоотлари капитал ва 2072 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди.

Бунинг натижасида қишлоқ ва шаҳарларда ҳамда борилиши қийин бўлган ҳудудларда замонавий лойиҳа асосида қурилган мактаблар сони кенгайиб, ўзгача тус олди.

Дастур доирасида 2004-2009 йилларда 325 та мактабни бузиб, ўрнига янги мактаб биноси қуриш режалаштирилган бўлса, амалда уларнинг 351 таси (108 фоизи) тўлиқ битказилди.

Дастур бўйича капитал реконструкция қилинадиган 2313 та мактабдан, 2470 таси (107 фоизи)да капитал реконструкция ишлари тўлиқ бажарилди.

Капитал таъмирланадиган 3769 та мактабдан 3607 тасининг (96 фоизи) бино ва иншоотлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

2004–2009 йиллар дастури доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган 8500 та мактабнинг 1326 таси (16 фоизи) шаҳарларда, 6887 таси (81фоизи) қишлоқ ҳудудларида, 287 таси эса (3 фоизи) борилиши қийин бўлган ҳудудларда жойлашган.

2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази ҳузуридаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва қон қуйиш институтининг янги бўлими каби йирик соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли вилоят болалар марказлари, Қарши, Наманган ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли тиббиёт марказларини, жами 6 минг 400 ўринга мўлжалланган 51 та стационар муассаса, бир кунда 6 минг кишини қабул қила оладиган 23 та поликлиникани қуриш ва реконструкция қилишни якунига етказиш кўзда тутилмоқда.

Ислом Каримов

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури том маънода умумхалқ ҳаракатига айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Бунинг сабаби – 2004–2009 йиллар мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига қўшимча равишда республика бўйича жами 220573 ўқувчига мўлжалланган 402 та, шу жумладан, 14997 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 47 та янги мактаб биноси қурилди, 14424 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 30 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди, 58532 ўқувчига мўлжалланган 95 та мавжуд мактаб биноси ва иншоотлари капитал ва 132620 ўқувчига мўлжалланган 230 та мактаб жорий таъмирланди. Ушбу ишларга жами 37,9 миллиард сўм миқдорида ҳомийлар маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, 2004-2009 йиллар дастурига киритилган мактабларга қўшимча равишда маҳаллий ҳокимликлар, фермер хўжаликлари, ҳомий ташкилотлар, жисмоний шахслар ва ота-оналар томонидан республика бўйича жами 8,2 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. 1607 та (16 фоиз) мактаб ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та (11,8 фоиз) мактаб газлаштирилди, 1607 та (16,4 фоиз) мактабга телефон алоқалари ўрнатилди, 1076 та (11,2 фоиз) мактаб марказий ва мактаб мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

Шунингдек, янгидан қурилган ва капитал реконструкция қилинган таълим объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ҳар бир таълим объекти бўйича маҳалла оқсоқоли ва қишлоқ фаоллари томонидан жамоатчилик комиссиялари тузилиб, улар томонидан объектга келтирилаётган ҳар бир қурилиш материали сифати, бажарилаётган ишларнинг сифати кундалик назорат қилиб борилди.

2005–2009 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур тайёрлашда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлашдаги тажрибалардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари билан биргаликда «Умумтаълим мактабларини ўқув мебели ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш меъёрлари» ва «Мактаб мебеллари ва спорт инвентарларига қўйилган ягона талаблар» меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари учун етказиб берилаётган мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва махсус жиҳозлар бўйича ўқитувчи, методистлар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари фикрларини ҳамда кўргазмага қўйилган мактаб мебеллари сифати ва дизайнларини ўрганиш мақсадида ҳар йили мактаб жиҳозлари намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Ушбу ташкил этилган кўргазмалар натижаси бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда, ҳар йили мактаб жиҳозларининг сифати оширилди, дизайни ва қулайлиги такомиллаштирилди.

Дастлаб ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмлар четдан келтирилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар томонидан уларни маҳаллийлаштириш йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда мактаб мебеллари ва жиҳозлар етказиб берувчи ташкилотларда қўшимча равишда 2900 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Натижада таълим муассасаларидаги физика лаборатория хоналари сони 9875 тага (2004 йилга нисбатан 71,5 фоизга ёки 6 957 тага кўп), кимё лаборатория хоналари 9487 тага (2004 йилга нисбатан 68,5 фоизга ёки 6667 тага кўп), биология хоналари 9390 тага (2004 йилга нисбатан 68,5 фоизга ёки 6667 тага кўп) спорт заллари 6626 тага (2004 йилга нисбатан 45,1 фоизга ёки 4386 тага кўп) ошди.

2004 йилда мамлакатимиз бўйича бор-йўғи 1431 та (14,6 фоиз) умумтаълим мактаби замонавий компьютер техникаси билан таъминланган эди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан таълим соҳаси учун 2,8 миллиард сўмлик

ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.Ўтган йилларда дастурга қўшимча равишда умумтаълим мактабларига маҳаллий ҳокимликлар, турли жисмоний шахслар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан жами 701,1 миллион сўмлик мактаб жиҳозлари етказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги 548-сонли ҳамда 362-сонли қарорлари мазкур жараённинг Ҳукумат даражасидаги ўта жиддий масала эканини кўрсатади.

Ушбу қарорлар қабул қилинганидан буён 5 йил мобайнида дарсликларнинг янги авлодини яратиш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Айниқса, кувонарлиси шундаки, дарсликлар танлов асосида яратилаётгани, улар ҳам мазмун, ҳам дизайн жиҳатидан сифатли экани билан ажралиб туради.

2005-2009 йилларда мазкур дастур доирасида тегишли фанлардан 119 номдаги жумладан, 65 номдаги электрон дарсликлар, 26 номдаги ўқув фильмлари ҳамда 28 номдаги мультимедия дастурий воситалари яратилди. Барча ўқув фанлари бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ва ўз навбатида ўқувчиларнинг мазкур фанларни чуқур ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, 2004-2009 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди.

Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд ДТСлар янгидан таҳрир этилиб, ўқув дастурлари модернизация қилинди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4- ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7-синфларда информатика фанларидан ДТС янгидан яратилди. Бошланғич синфларда билим, кўникма ва малака меъёрлари ишлаб чиқилди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТСлар янги таҳрирдан ўтказилганда қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

1. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синф учун алоҳида белгилаб берилди.

2. ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

Янги таҳрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларини босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказиш белгиланди.

Айтиш жоизки, таълим сифати ва самарадорлиги педагогнинг касбий салоҳияти, педагогик маҳоратига бевосита боғлиқ бўлгани сабабли «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янги тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида малака ошириш тизими янада такомиллаштирилди, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сурхондарё, Сирдарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги малака ошириш институтлари учун ўқув ва ётоқхона бинолари ажратилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Бугунги кунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «режали-мажбурий» тизимидан

«йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтказди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.

2010 йил 10 ноябрда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг моҳияти илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этишга қаратилган.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 20 майда имзолаган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу таълим босқичи тараққиётини янги босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу қарор билан 2011–2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастур тасдиқланди. Мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад – олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.



5.4.18-расм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номлаш ва Давлат дастурини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди. Ушбу дастурни амалга ошириш учун 8 триллион сўм маблағ ажратилди.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман, илм-фан соҳаси ходимларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораториялар ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада маблағ билан таъминлаш таклиф этилди.

Ёшларни жисмонан чиниққан, мард, билимли, қатъиятли, она Ватанини ҳимоя қила оладиган авлод сифатида камол топтириш учун уларнинг жисмонан ривожланишга хизмат қиладиган масканларни барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш борасида катта ишлар қилинаётгани ёшларимиз олдида кенг имкониятлар очилишига асос бўлди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва 260 минг нафардан зиёд бола спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилди.

Жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» республика спорт мусобақалари орқали болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавийлиги таъминланди.

- Таҳлилларга кўра, 13-14 ёшли ўғил болаларнинг ўртача бўйи 2004 йилга нисбатан 1,9 сантиметрга, қизларники 1,2 сантиметрга ўсган. Ушбу ёшдаги ўғил болаларнинг ўртача вазни 3,3 килограммга, қизларники эса 2 килограммга ошган.
- Ёш спортчиларимиз республика ва халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, 3518 та медални қўлга киритди. Уларнинг 1114 таси олтин, 1013 таси кумуш, 1391 таси бронза медалларидир.
- 2004-2009 йиллар давомида жами 7604 та спорт тадбири ўтказилди, унда 4546426 нафар ўқувчи иштирок этди. Шундан 2000113 нафарини қизлар ташкил этди.
- 30 дан ортиқ хорижий давлатда жами 156 та турли халқаро мусобақа, спорт фестивалларида ва ўқув-йиғин машғулотларида 1691 нафар (951 нафари қизлар) юртимиз вакили иштирок этди.
- Буюк Британияда кураш бўйича Президент Ислом Каримов халқаро турнирида Музработ туманидаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Омонгелди Эргашев 65 килограмм вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Шеробод туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Камол Эшалиев эса кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлди.
- Андижон вилоятидаги болалар ва ўсмирлар сузиш спорти мактаби ўқувчилари Фарҳод Амилов, Нодира Шамсуддинова ва Маъмурбек Юсупов 2010 йилнинг март ойида Германияда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда 9 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритди.
- 2009 йилда Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича III Осиё ўйинлари мусобақасида наманганлик спортчилардан Ж.Абдулхаев, Р.Умаров, Ш.Бозоров 1-ўрин, Ў.Латипова 2-ўрин ва Н.Тўйчиев 3-ўринни эгаллади.
- Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Шокирали Қодиров 2007 йили Италиянинг Сардина шаҳрида бўлиб ўтган таэквандо бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилигида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

• Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим муассасаларида таълим олаётган спортчи ўқувчилар Осиё ва жаҳон миқёсидаги чемпионатларда муваффақиятли иштирок этиб, 25 та олтин, 48 та кумуш, 81 та бронза медалини қўлга киритишди.

• Когон туманидаги 17-мактаб ўқувчиси Умид Хусеинов 2008 йили каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионати ғолиби, Болгарияда бўлган 16-жаҳон кубоги мусобақаларида бронза медали соҳиби бўлди.

• Самарқанд шаҳридаги 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мафтуна Шамсиева Мисрда ўтказилган бадиий гимнастика мусобақасида кумуш медаль совриндори бўлди.

• Урганч шаҳридаги 5-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Гулноза Матниёзова Венгрия шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаб қайтди. Янгиариқ туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мадёр Иброҳимов ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида оғир атлетика бўйича 3-ўринни эгаллади.

• Сайҳунобод туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Самандар Калонов Милава шаҳрида шашка бўйича ўтазилган мусобақада жаҳон чемпиони бўлди. Шахмат бўйича 10 карра Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида 32 та давлат вакиллари орасида фахрли ўринни қўлга киритди.

Ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2010 йилда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш доирасида 14 та умумтаълим мактаби, 4 та академик лицей, 99 та ўқувчи талабалар турар жойини, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Термиз Давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги ўқув биноларини қуриш, Тошкент Молия институтининг ўқув корпусини қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. 2010-2011 йиллар мобайнида янги стандартларни ишлаб чиқиш, ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиши ва фаолият кўрсатишига эришиш, ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув фильмлари, ҳар бир мактабгача муассасани ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедия дастурларини намойиш қилиш учун ВУВ проигривателлари билан таъминлаш, умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланишини, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу тоифадаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 367 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилишни таъминлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкининг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида қўшимча равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Ижтимоий соҳанинг яна бир ажралмас қисми – соғлиқни сақлаш тизимидир. Бу тизимни ислоҳ қилиш жараёнида соҳанинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, малакали мутахассисларни етиштириш ва қайта тайёрлаш, энг янги техника билан жихозлаш ўта муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли кейинги йилларда хукуматимиз соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилнинг 28 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил Инвестиция дастури тўғрисида»ги ПҚ-1213-сонли қарори асосида санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техник базасини кучайтириш борасидаги тадбирлари ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида Бухоро вилоятининг Когон шаҳар ва Когон туман ДСЭНМ бинолари янгидан қурилди. Тошкент вилоятининг Чирчик тумани ва Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани ДСЭНМ биносида реконструкция ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу тадбирлар учун 2810 миллион сўм маблағ сарфланди. Фарғона вилоят ОИТС маркази биноси, Сирдарё ва Тошкент шаҳар ОИТС марказлари лаборатория корпуслари янгидан қурилиб, бошқа бинолари реконструкция қилинди. Қашқадарё ва Андижон вилояти ОИТС марказларининг бинолари реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Навоий вилояти ОИТС маркази биносини қуриш ишлари 2010 йилда бошланган бўлиб, уни 2011 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Мазкур тадбирлар учун 4248,2 миллион сўм маблағ ажратилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториясининг 51 тасида 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ўтказилди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари олдида янгидан-янги мураккаб вазифалар пайдо бўлмоқдаки, уларни талаб даражасида ҳал этиш учун ушбу соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш талаб этилмоқда. Ана шу талабни чуқур англаган ҳолда, давлатимиз ушбу соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига устувор йўналишлардан бири сифатида қараб, бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида». «Халқ сўзи» 2011 йил 7 апрель, № 68 (5235).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида». «Халқ сўзи», 2011 йил 21 май, №100
4. **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Асарлар, 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Асарлар, 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
6. **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август.
7. **Каримов И.А.** Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
8. **Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.
9. **Каримов И.А.** Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли– Т.: Ўзбекистон, 1993.
10. **Каримов И.А.** Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1995.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иктисодиёт. - 2011. – 377 бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: «Иқтисодиёт» нашриёти, 2010. – 280 бет.
13. **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
14. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.
15. **Каримов И.А.** Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
16. **Каримов И.А.** Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
17. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ./А.А.Азизхўжаев, Ф.Абдумажидов, М.А.Аҳмадшаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев; ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти/. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994, 1-сон, 5-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 38-сон, 420-модда.

20. Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т.1./Составители и авторы введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997 г.

21. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; нашр учун масъул А.Бекмуродов [ва бошқ.]. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2010. – 148 бет.

22. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2004. – 520 б.

23. «Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати». Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 й.

24. **Алишер Навоий.** Ҳайратул-аброр [Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ., сўзбоши муаллифи А.Ҳайитметов; Масъул муҳаррир: В.Раҳмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 352 б.

25. **Юсуф Хос Ҳожиб.** «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим»). Сўзбоши муаллифи Б.Тўхлиев; Рассом Ш.Муҳаммаджонов. – Т.: Юлдузча, 1989. – 192 б.

26. **Авесто.** Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – «Шарқ», 2001.

27. **Абу Наср Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

28. «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат./Тузувчи Фатҳиддин Исҳоқов./– Андижон: «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2008. – 236 б.

29. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: «Адолат», 1999.

30. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005.

31. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. / Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри./ – Т.: «Шарқ», 2006.

32. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши./Қ.А.Ахмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

33. **Саидов А.Х.** Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: «Ўзбекистон», 1993.

34. **Саидов А.Х.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

35. **Мустафоев Б.** Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. – Т.: ТДЮИ, 2004.

36. **Зокиров И.Б.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 40 б.

37. **Қораев С.** Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. / Масъул муҳаррир А.Муҳаммаджонов./– Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 240 б.

38. Қораев С. Тошкент топонимлари./Масъул муҳаррир А.Р.Муҳаммаджонов./– Т.: «Фан», 1991. – 64 б.

39. **Иброҳимов А.** Ёруғлуғ. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.

40. **Каримов Б.Р.** Фуқаролик жамиятини қуриш ва Ўзбекистон мустақиллиги. – ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.

41. **Қирғизбоев М.** Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. (Монография) – Т.: «Янги аср авлоди», 2006.

42. **Раҳмонов А.Н.** Инсоннинг асосий ҳуқуқлари – олий қадрият сифатида. ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.

43. **Мирзо Ғ., Хидиров С.М.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.

44. **Отахўжаев Ф.М.** Конституция ва оила. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 48 б.

45. **Ҳамидова М.А., Асадов Ш.Ғ.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари./Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов/. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 54 б.

46. **Соколов Е.А.** Меҳнат ва ҳуқуқ ёки корхоналар ходимлари ўз меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларини қандай ҳимоя қилишлари керак: Аҳоли учун юридик қўлланма. / Масъул муҳаррир: Ғ.Ю.Ҳамидов; таржимон Ҳ.М.Нишонов/. – Т.: «Turon-Iqbol», 2009. – 496 б.

47. «Халқ сўзи», 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243).

48. «Халқ сўзи», 1997 йил 3 ноябрь.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....3

1-БОБ. МУСТАҚИЛ, СУВЕРЕН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИДИР

(И.Шодмонқулов, Қ.Эргашев, И.Абдураҳмонов)

1.1. Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши – асрий орзуларнинг амалий намоёни.....5
1.2. Истиқлол – янги имкониятлар ва муносиб ҳаёт барпо этишнинг асоси.....9
1.3. Танлаб олинган миллий тараққиёт йўли – муваффақиятлар гарови.....20
1.4. Мустақил тараққиёт йўлимизнинг жаҳон микёсида эътироф этилиши – ислоҳотлар стратегиясига берилган юксак баҳо.....24

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ

(Б. Алиев, А.Раҳмонов)

2.1. Ҳукукий демократик давлат ва фукаролик жамиятини барпо этиш – пировард мақсадимиз.....29
2.2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти.....33
2.3. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида эришилган натижалар.....61

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ХАЛҚАРО НУФУЗИНИНГ ОШИБ БОРИШИ

(Н.Х.Жумаев, А.Ш. Бекмуродов, Ш.И. Мустафакулов)

3.1. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этиш – мустақил тараққиётнинг муҳим шарти..... 85
3.2. Мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши..... 94
3.3. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш – пировард максадимизга эришишнинг асосий кўрсаткичи.....100
3.4. Молия-банк тизими ликвидлигининг мустаҳкамланиши ва барқарорлигининг кучайтирилиши.....101
3.5. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармокларини жадал янгилаш – миллий тараққиёт янги боскичининг асосий мазмуни ва шарти.....106

4-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ – МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(А.Ш. Бекмуродов, У.В. Ғафуров, Н.Т.Каттаев)

4.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ва ҳаракатлантирувчи кучи экани.....122
4.2. Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш.....127
4.3. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида соҳа имкониятларини кенгайтириш орқали эришилиши кўзда тутилган натижалар.....136

5-БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ ВА БИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИШЛАРНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИСИ: ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН МУҲИМ НАТИЖАЛАР

(М.Болтабоев, А.Мухторов, Т.Султонов)

5.1. Юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти.....144
5.2. Ўзбекистон таълим тизимининг ривожланиши ва такомиллашувининг энг муҳим йўналиш ва натижалари.....150
5.3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури – юксак билимли ва соғлом авлодни тарбиялашнинг пойдевори.....161
5.4. Таълим соҳаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш – баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим шарти.....173

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 194

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН

Илмий-оммабоп рисола

„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2011

Муҳаррир *Р. Мирхолиқов*
Бадиий муҳаррир *Ш. Хўжаев*
Техник муҳаррир *С. Набиева*
Саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*
Мусаҳҳиҳ *З. Ғуломова*

Нашриёт лицензияси AI №161.14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 22.07.2011.
Бичими 60x84/$_8$. Кегли 11 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Офсет қогози.Шартли б.т. 23,5. Нашр т. 24,5. 10 000 нусхада босилди. Буюртма № 86-11.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи.
Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30 уй. Тошкент Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.
Шартнома № 07-109-11.

66.3(5Ў)
Б98

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан: Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган / ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзР маҳалла жамғармаси; масъул ижодий гуруҳ. А.Ш. Бекмуродов [ва бошқ.]. – Т.: „O'qituvchi" НМИУ, 2011. – 200 б.

I. Бекмуродов, А.Ш. [ва бошқ]
ISBN 978-99-43-02-422-9

УДК : 341.231(575.1)(09)94(575.1).
ББК66.3(5Ў)